

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ



БАХТИЁР ОМОНОВ

ФАРОВОН ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЙЎЛИДА

Замондош мулоҳазалари

*Тошкент
Университет
2022*

УЎК: 323 (575.1)

КБК: 66.3 (5Ў)

О-56

Омонов Б.А. Фаровон жамият қуриш йўлида. Замондош мулоҳазалари. Илмий-оммабоп нашр. –Т.: Университет, 2022. 160 бет.

Такризчилар:

С. Отамуродов – фалсафа фанлари доктори, профессор

Ў. Раҳматов –Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

А.Ўтамуродов –фалсафа фанлари номзоди, профессор

Сиёсий фанлар доктори Бахтиёр Омоновнинг янги китоби “Фаровон жамият қуриш йўлида” деб номланади. Муаллиф биринчи фаслда Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотларнинг натижалари ва хориж тажрибасини, Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг сиёсий модернизациялаш йўлини қиёсий ўрганади. Иккинчи фаслда Хитой, Япония, Ҳиндистон, Туркия, Германия, Франция, Сингапур, Малайзия каби давлатларнинг иқтисодий-ижтимоий юксалиши омиллари ва бугунги муваффақияти сирларини сиёсий-фалсафий таҳлил қилади.

Илмий-оммабоп китоб ижтимоий йўналишдаги олий таълим муассасаларида “Маънавиятшунослик”, “Сиёсатшунослик”, “Социология” мутахассислигида таҳсил олувчи талабалар, тадқиқотчи олимлар, файласуфлар, сиёсатшунослар, журналистлар, давлат бошқарув тизимида фаолият олиб борадиган ходимлар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китоб Ўзбекистон миллий университети илмий-услубий кенгашининг 2021 йил 29 ноябрдаги 3 сон баённомасига асосан, нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7885-6-5

© Б.Омонов, Toshkent,
2022 у.

МУНДАРИЖА

Янги Ўзбекистоннинг имкониятлари ҳақида китоб ...4

Биринчи фасл

КИЧИК ФАРОВОНЛИК ЮРТИ ОДИМЛАРИ

Шарҳ.....	7
Шарқ Ренессанси ва унинг инқирози	8
Ўзбек олимларининг ихтиролари тадбиқига доир.....	21
Томошабинни ўз домига тортаётган сериаллар	28
Глобаллашув даврида шахснинг майдалашуви.....	32
Миллат ва коррупция	41
Таълим ва миллий тараққиёт ҳақида мулоҳазалар.....	55
Тил – миллат руҳи демак	70
Алишер Навоий – бизнинг идеализми.....	82
Ичанқалъадан Тупроққалъагача –	
Жалолиддинлар яшайдиган юрт.....	90
Қунт, илм ва ақл – барча муаммолар калити.....	102
Электрон ҳукумат – жамият эркинлашуви омили.....	115
Бунёдкорлик фалсафаси	120

Иккинчи фасл

КАТТА ФАРОВОНЛИК ЖАМИЯТИ ТАЖРИБАЛАРИ

Шарҳ.....	127
Европа давлатлари модернизацияси: тажриба	
ва сабоқлар	128
Япония ривожланиши тарихига бир назар.....	137
Хитой ислохотларида мутафаккирлар ташаббуси.....	142
Жануби-шарқий Осиё феномени сири.....	152
Асл муддаомни айтсам	156

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИМКОНИАТЛАРИ ҲАҚИДА КИТОБ

(Сўзбоши ўрнида)

Ушбу китоб шундоқ кўз ўнгимизда, юртимиз ва жаҳон афкор оммаси учун бағоят таҳликали, хавотирли кечган пандемия шароитида ёзилди ва газетамиз саҳифаларида, Миллий ахборот агентлиги расмий каналида пешма-пеш чоп этиб борилди. Дунё тождор вирус хавфига рўбару келган ўша кунларда машхур сиёсатчилар, олимлар, давлат ва жамоат арбоблари, адиблар, публицистлар бир тан-у бир жон бўлиб инсониятни йиллар мобайнида қийнаб келаётган кўплаб ижтимоий муаммоларнинг ижобий ечимларини топиш, инсон, жамият ва давлат яқдиллигига эришиш, модернизациялаш – янгилашни давом эттириш ҳақида фикрлай бошладилар. Сиёсий фанлар доктори, адиб Бахтиёр Омонов ҳам газетамиз тавсиясига биноан, ана шу эзгу мақсадда қўлига қалам олиб, жамиятни бирдай ўйлантириб келаётган долзарб мавзуларда мақолалар ва шарҳларни ёзишга киришди.

Адолатли, фаровон жамиятни қуриш осон иш эмас. Бунинг учун мутафаккир ота-боболаримиз асрлар мобайнида курашган, мустамлакачилик йилларида зиёлиларимиз, юртсевар курашчиларимиз халқимизнинг эрки, ғурури, номусини мардонавор ҳимоя қилишган. 1991 йилга келиб миллий истиқлол, эркинлик ғоялари баралла бўй кўрсата бошлади ва ўзбек миллатининг орзу-ниятлари ушалди. Аммо мустақилликнинг қўлга киритилиши ҳали унинг тўла қарор топганлигини англатмас эди. Чунки олдинда уни асраш ва мустақил тараққиёт йўлига кириб боришдек мураккаб вазифа турарди.

Китобда жамиятни ислоҳ этиш, инсон дунёқарашини ўзгартириш орқали фаровонликка эришишга интилаётган хитой, япон, немис, француз, рус, ҳинд ва бошқа халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида кейинги ўн

йилликларда юз берган инқилобий ўзгаришлар, Ўзбекистонда мазкур ўта мураккаб вазифаларнинг ечимини топиш жараёнлари таҳлил этилган.

Истиқлол – одамларнинг бахти-саодати, моддий ва маънавий юксалиши учун улкан имконият! Истиқлол – ҳуқуқ, ўзини англаш ва юртга хизмат қилиш демак. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрдаги Парламентга Мурожаатномасида: “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Бегунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”, деган эди. Сиз қўлга олган китоб айнан шу мақсадни кўзлаб ёзилган. Унда жамиятда таълим ва ёшлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари муаммолари, миллий тараққиётга тўсиқ бўлаётган коррупция ва оғмачилик, лоқайдлик ва билимсизлик, маддоҳлик ва иккиюзламачилик каби салбий иллатларни бартараф этиш имкониятлари чуқур таҳлил қилинади, таклифлар ва амалий тавсиялар берилади.

Китоб бобларининг “Кичик фаровонлик” ва “Катта фаровонлик” деб номланишида рамзий маъноларни кўрамиз. Яъни, илғор давлатларга ўхшаб, биринчи босқични тугаллагандан кейин навбатдаги босқичларга киришилади. Ўзбекистон ҳам жамият модернизациясига – янгиланиш ва фаровонликка интилмоқда. Модернизация аслида, замонавийлашиш, очиқлик, ислохотчилик ва замонга ҳамоҳанг яшаш дегани. Президентимиз ташаббуси билан 2017 йилда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва 2021 йилда илгари сурилган Янги Ўзбекистон стратегияси юртимизда мана шу демократик жараёнларга туртки берди.

Сиз мутолаа қиладиган илмий маърифий китоб бир олим замондошимизнинг холис мулоҳазалари бўлиб, фуқароларимизни миллат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишга, Юртбошимиз атрофида жипслашишга, ҳамфикр ва ҳаммаслак бўлиб аҳил яшашга ҳамда фаровон жамиятни қуриш йўлида янгича фикрлаш ва ишлашга даъват

этади. Бугунги шиддат билан ўзгараётган замон талаби биздан шуни талаб қилади. Зеро, Амир Темури, Алишер Навоий, Нақшбандийдек буюк боболаримиз ҳазрати инсонни ўзидан яхши ном, яхши амал қолдиришга ўргатишган.

Янги Ўзбекистоннинг чексиз имкониятлари ҳақида ёзилиб, яхши ғоялар, илғор фикрлар илгари сурилган ушбу китоб қалбимиз ва руҳиятимизга кўтаринкилик, куч-қувват бағишлайди.

**Ўткир РАҲМАТОВ,
“Халқ сўзи” ва “Народное слово”
газеталари бош муҳаррири**

“Илм эгалланг! – дейдилар Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримиз ўз издошларига. – Илм – саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида – таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир”.

Билқиз Аладдин. Муҳаммад пайғамбар алайҳиссалом қиссаси

Биринчи фасл

КИЧИК ФАРОВОНЛИК ЮРТИ ОДИМЛАРИ

ШАРҲ

Кичик фаровонлик жамияти – инсон эркин, озод, ўз хоҳишидек яшаши ва ўзлигини намоён этишининг биринчи поғонаси. Модернизациялаш – анъанавий турмуш тарзидан замонавий жамиятга ўтиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишда юқорироқ босқичга эришиш. Инсон – жамиятнинг устуни, давлатнинг таянчи, ҳокимиятнинг бош манбаи. Давлат илм ва ақл билан ишлаган, ишбилармон, маърифатли, истеъдодли инсонларга суянган тақдирдагина, жамиятдаги муаммоларга ечим топилади. Ғарб жамияти XVII асрдаёқ, шу ақлли йўлни танлаб, аввало, инсонни улуғлаш, орзу-умидига эришуви учун шарт-шароитни яратиш орқали улкан муваффақиятларга эришди.

Биринчи фаслда биз Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг халқимиз ҳаётида акс этиши жараёнлари билан боғлиқ масалаларга жавоб излашга ҳаракат қилдик.

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ВА УНИНГ ИНҚИРОЗИ¹



Матбуотимизда Ренессанс ҳақида жуда кўп ёзилмоқда. «Ренессанс» сўзи луғавий маънода французча *renaitre* – «қайта юзага келиш», «уйғониш» маъноларини билдиради. Ренессанснинг асосий белгилари: тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий, фикрий имкониятларини юзага чиқариш!

Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин (IX–XII-аср) Ренессансни кенг тарқатган маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, фалсафа, адабиёт ривожланган эди. Бу давр дунё илм-фанида «Исломи Ренессанс» (А. Мец) ёки «Шарқ Ренессанси» (Н.Конрад) номи билан аталади. Назаримизда, Марказий Осиёда муқаддас Қуръони Карим китобининг мўъжизакор сиру синоатларини англашдан бошланган фикрий Ренессанс Ислом тамаддуни номи билан ривожланиб, XVI асргача жаҳон илм-фани ва ғоялари марказига айланди, десак тўғри бўлади.

Ислом билан яқиндан озиқланган Осиё жамиятлари ўзлари илгаридан эга бўлган маданий бойликларни исломий ғоялар билан уйғунлаштирган ҳолда, ўзгача бир юксак маданиятни яратдилар. Хусусан, диний эътиқод, яшаш тарзи ва миллий қадриятлари баланд бўлган Мовароуннаҳр халқлари IX–XII асрларда биринчи Ренессанс даврини бошлаб бердилар. «Илм» сўзи Қуръони каримнинг 850 жойида турли кўринишларда келган, демакки,

¹ https://uza.uz/uz/posts/qo'rqqq-va-tobe-olomon-son-al-dan-gan-xalqlar-hokimiyatga-yaqinlashtirilmagan-aqlli-odamlar-sharq-renessansi-va-uning-inqirozi_226345 uza.uz 04.01.2021.

(Манбалар номи тўлиқ келтирилди).

илмий кўтарилишнинг илдизида ислом дини турарди. Шу боис, исломни қабул қилган жамиятлар ўқиш-ўрғаниш ва таълимга катта аҳамият бериши бараварида, таълим-тарбия тузилмаларини гўзал тарзда шакллантиришга эришган эдилар.

1004 йилдан бошлаб Гурганжда «Дорул ҳикма ва маориф» («Мажлиси уламо») номини олган илмий муассаса шаклланди. Бу илмий даргоҳда Афинадаги «Платон», Бағдоддаги «Байт ул-ҳикма» академияси фаолиятига ўхшаган илмнинг барча соҳаларида тадқиқот ва изланишлар олиб борилди, беҳисоб манбалар тўпланди, таржимонлик ишлари бажарилди, хусусан, ҳинд, юнон, араб олимларининг ишлари бир жойга жамланди. Маърифатпарвар шахс Маъмун ибн Маъмун ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Ренессансга асос бўлган Маъмун академияси **атиғи ўн уч йил (1004-1017) фаолият олиб борган** бўлишига қарамай, у XI асрда Марказий Осиёнинг илм марказига айланишини таъминлади!

Шундай қилиб, Мовароуннаҳр минтақасида дунё эътироф этган Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замахшарий сингари буюк алломаларимиз ўзларининг илмий-иждодий кашфиётлари билан умумжаҳон тараққиёти ва илм-фани ривожига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

XIII аср бошидаги мўғул истилоси туфайли илмий жараён бир муддат тўхтаб қолди, аммо бу ҳолат узоққа чўзилмади. XIV асрнинг иккинчи ярмида соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) тарих саҳнасига чиққанидан кейин минтақада қайтадан юксалиш бошланди ва Темурийлар давлатининг қарор топиши билан ўлка янгидан маданият, илм-фан, санъат ва адабиётнинг марказига айланди. «Бутун тарихларда истакли ё истаксиз ўлароқ ёзилганидек, Темурнинг мақсади, фикри-зикри турклар бирлигига хизматдан иборат эди»².

Илмнинг авлоддан-авлодга мерос ўтказилиши боис,

² Алп Дундар. Шарқнинг энг буюк ҳукмдори Темур. Роман. -Т.: Ўзбекистон, 2018.- Б. 4.

уммат ўзини адашишдан сақлади, миллий қадрият ва муқаддас қадамжоларини душман босқинидан ҳимоя қилди. **Европа ўрта аср жоҳилият ботқоғида ботиб ётганида мусулмон мадрасалари табиий фанларни ўрганиш маркази бўлганди.** Ренессанс даврида кучли диний билимлар ҳуқуқшуносликка, каломдан фалсафага, адабиётдан психологияга, математикадан астрономиягача бўлган соҳаларда буюк асарларни вужудга келтиришга хизмат қилди. Бу билимларнинг пайдо бўлишига кўмаклашган ташкилий тузилма – мадрасалар ўрта асрдаги исломий маданият ва илм-фаннинг ҳақиқий маркази, мустаҳкам пойдевори вазифасини ўтади (унинг Шахсни шакллантирган жамики самарадор жиҳатларини алоҳида ўрганиш пайти келди – Б.О.). Мадрасалар исломий илмлардан ташқари, узоқ вақтгача тиббиёт, астрономия, жамиятшунослик ва иқтисодиётни ўрганиш вазифасини бажарди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон шаҳарларидаги мадрасалар тизими дунёвий ва диний билимлар, тиббиёт, астрономия, аниқ фанлар ҳамда ҳуқуқ-фалсафа йўналишларидаги таълимда тенги йўқ муассасага айланди, дейиш мумкин. Мирзо Улуғбек очган Самарқанддаги олий мадраса нафақат илм-фан арбоблари, балки диний уламолар учун ўзига хос академия бўлган. Қутлуғ даргоҳда Турон-у Эрондан икки юздан зиёд олим фаолият олиб борган. Самарқанд мадрасаси 1420 йилда қуриб битказилган эди. Икки қаватли, бурчакларидаги тўртта дарсхонанинг устида тўртта гумбаз ва тўртта минора қад ростлаган. Мадрасанинг биринчи қаватида 25 та, иккинчи қаватида 25 та ҳужра жойлашган бўлиб, унинг ҳар бирида икки нафардан талаба яшаган. Мадраса Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Жамшид Коший, Али Қушчи каби етук олимлар раҳнамолигида маданият, илм-фан соҳасида Шарқда иккинчи Ренессансга асос солган.

Мирзо Улуғбек 1447 йилда ваҳшийларча қатл этилганидан сўнг, Самарқанд мадрасаларидаги олимлар аста-секин бошқа минтақаларга тарқалди. Аммо шунда ҳам мадрасалар юз йилларча Турк-ислом илми ривожини йўлидаги хизматини виждонан адо этди.

Мусулмонлар цивилизацияси гуллаб-яшнаган даврларда толиби илмлар Қуръони карим маъноларини ўрганар, ўн ёшига келиб, ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни яхши ўзлаштирар эди. Нозил бўлган кунидан Охират кунигача бу охирги Муқаддас китоб инсоният учун ягона йўриқнома бўлиб қолади. Зотан, Аллоҳнинг китобида «68 Қалам сураси, 52 оятида: «Қолбуки, у (Қуръон) барча оламлар учун фақат бир (буюк) Эслатмадир»³, деб хабар қилинади.

Яна бир муҳим гап...

Олимларнинг таҳлилича, инсон мияси табиатига кўра, мойиллик характериға эға ва унинг бир қисмидаги яхши алоқалар атрофдагиларнинг ҳаётдаги вазифаларига билвосита таъсир қилади. Ёшлигидан Қуръони каримни ўрганган бола тил ўрганиш, ёдда сақлаш, эшитганларини таҳлил қилиш, диққатли бўлиш, қобилиятини кучайтириш, асл мақсадға етишишни миясида машқ қилдира олади. Бундай иқтидорға эға бўлган бола бошқа фанларни ўргана бошласа, нималарға эришмоғини энди тасаввур қилаверинг! Масалан, имом Муҳаммад Ғаззолий (1058-1112) фақат илм олишдан бўш вақтларида икки йил ичида юнон фалсафасини пухта ўрганган. **Мусулмонларнинг илм-фанға чанқоқлиғига Қуръони карим сабаб бўлган, дейди ғарблик олимлар. Афсус, ана шу исломий таълим тизими пасайганида Шарқ олами билимдонликда пешқадамликни қўлдан бой бериб қўйди.** Бу жараённи Ғарбнинг истилочилик сиёсати тезлаштирди. XVIII аср охири ва XIX асрнинг бошларида мадрасалардаги таълим сифати тушиб кетди. Дин ва илм-фанни ўз шахсий манфаати йўлида фойдалувчилар таъсирида диний ҳукмлар билан дунёвий илмларни хато тушунувчи ва тушунтириб берувчи, билим ва адабиётға умуман қизиқмайдиган авлод пайдо бўлди. Шу ўринда миллатни шакллантирадиган учта омилға тўхталиб ўтамиз

³ [https://www. islamonline.uz/index.php/alouddin-mansur/276-qalam](https://www.islamonline.uz/index.php/alouddin-mansur/276-qalam)

Биринчиси, қалбни англаш

Қалб – инсонни латифлиги, тозалигини билдирувчи кўзгу. «Қалб» луғатда бир нарсани ағдаришни англатади. У бир хил турмай, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун ҳам «қалб» деб аталган. Ислом тушунчаси бўйича қалб икки хил: зоҳирий ва ботиний бўлади. Зоҳирийси кўкракнинг чап томонида жойлашган конус шаклидаги гўшт парчаси, ботинийси эса нуроний, латиф, билувчи, инсонни инсон қилувчи нарсадир⁴.

Тасаввуф адабиётида бу борада ажойиб фикрлар, таш-биҳлар, ғазаллар келтирилган. Шарқни машхур қилган аслида ана шу сўфий адабиёт намуналари эди, албатта.

Барчага маълумки, XVIII асрдан истилочилар Шарқ мамлакатларини бирма-бир бўйсундиргач, биринчи навбатда Қуръоннинг нуфузи, мақомини пасайтиришга уринишди. Бу инсон юрагига ханжар санчиш ва чалажон қилиш билан баробар эди. Энди ботин илми, қалб фикрлари ёхуд комиллик, донолик, тўғрилиқ томон интилишлар иккинчи даражага тушиб, Нафс технологиялари биринчи ўринга чиқиб кетди. Қандай қилиб дейсизми? «Сенинг биринг икки бўлмайди, маънавий бой бўлишинг кимга керак: эртага болаларинг оч қолади. Сен дастлаб моддий бой бўлгин, қалбинг тарбиясини йиғиштир ва моддиюнчиликка интил, ягона йўл шудир», деган ғояни сингдириш жараёни кучайгандан кучайди. Шунда Қуръондан аста-секин чекиниш бошланиб, Шарқнинг таназзули чуқурлаша борди.

Қуръон қалбни тарбиялайди, инсонни илми, иймонли бўлишга ҳозирлайди. Қалб энг кучли шундай қурилмаки, унга бутун дунёни сиғдириш мумкин. Дунё бундай ривожланиш чўққисига қай йўл билан эришди ва қандай муаммолар орасида тентираб юрибди – буни фақат юрак сезади, ҳис қилади ва керакли оҳангини топиб, Ўзи ҳал қилиш чорасини топади. Ҳа, фақат ўзи, бошқа ҳеч ким эмас. Ахир, жамият ҳам, давлат ҳам шахсларнинг умумлашмаси эмасми ва унга суяниб иш кўр-

⁴ <https://azon.uz/content/views/qalb-nima-degani> 29.12.2018

майдими? Биз таълимда ҳам, жамият ҳаётида ҳам, давлатни бошқаришда ҳам қалбга йўл топа билмаганимиз, инсоннинг мўжизавий куч-имкониятга эгаллигини менсимаслигимиз, беҳад ноҳақликларга йўл қўйганимиз, яна гуноҳларимиз ошаётгани ҳисобига жамиятимизда олға силжишни кўрмаяпмиз.

Нафс технологияси одам ва давлатни ўлимга етакловчи кучга қодирдир. «Нафс домига тушгандан кейин, киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаром-харишдан ҳазар этмай, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди. Оқибатда у золим, бераҳм риёкор бўлиб қолади»⁵, деб ёзган эди таниқли олим, профессор Нажмиддин Комилов «Тасаввуф» (1999) номли китобида. «Шунинг учун тасаввуф талаб этган тийилиш, қаноат, сабру фақирлик тариқида гап кўп. «Дунёга бир марта келасан, оладиганингни олиб қол» – бу илгаридан маълум бўлган фалсафа. Коммунистлар буни: «Мен инсонман, демак менга ҳамма нарса раво» деб ўзгартирдилар, аммо мақсад ўша: «иложини топгин-да, яхши яша, бошқалар билан ишинг бўлмасин». Ана шундай ғализ ҳаракатларни айрим ёшларнинг хатти-ҳаракатида яққол кўрмоқдамиз. **«Ҳамма нарса раво» фалсафаси одамни иймону эътиқоддан айириб, юлғичлик ва талон-тороғга фатво беради, ваҳшийлик инстинктини кучайтиради**», дейди устозимиз Нажмиддин Комилов (1937-2012).

Биз мустақил давлат қурганимиздан кейин сунъий яратилган қолипларни синдириб ташлаш, тасаввуфга оид асарларнинг қаймоғини, дурларини йиғиб, мактаб, институтларнинг гуманитар фанлар предметларига босқичма-босқич киритиш, **«Тасаввуф фалсафаси»ни таълим тизимида фан сифатида киритиш йўлини топишимиз керак.**

Иккинчиси, ақлий меҳнатга ўргатиш

Ақл – инсонни бошқарувчи, комилликка бошловчи қурол. Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи

⁵ Комилов Н. Тасаввуф. –Тошкент, Ёзувчи, 1999. –Б. 39

ва унинг асосий хусусиятини белгиловчи «фаҳм-фаросат, ўйлаш, англаш ва тафаккур малакаси»ни англатувчи атама «ақл» дейилади. Ақл орқали илму маърифат сирлари очилади, жамиятнинг мураккаб муаммолари ҳал этилади, турли-туман ҳаётий воқеалар, нозик масалалар ўз ечимини топади. Чунки, инсон фақат ақл билан нарсанинг моҳиятини равшан англаши мумкин. У ақл билан фикрлайди, ақл билан ҳаракат қилади.

Қадим замонлардан халқимиз ўта меҳнаткаш, сабр-иродали бўлган, жисмоний меҳнат қилиш эса шахс шаклланишининг асосий омили дейилган. Ҳаёт синовидан ўтган ушбу тамойилни муомаладан чиқарган давлатлар иқтисодиёт ва жамият ҳаётида кўп нарсани йўқотишди. Ҳатто ХХІ асрга келиб, жамиятда меҳнат қилмасдан орзуга етиш, осонгина маблағ топиш иллатлари пайдо бўлганини кузатмоқдамиз. Нима қилиш керак? Абдий жумбоқли саволга ақлли жавоб топиш лозим. Биз ёшларни ақлий меҳнатга ўргатиш, китоб мутолаасини доимий машғулотга айлантириш тамойиллари устувор бўлиши тарафдоримиз. Чиндан ҳам шўролар ҳокимияти ақлли ва ўртача одамнинг нуфузини тенглаштирди, бой одамнинг имкониятидан унумли фойдаланишни эмас, балки уни жисман йўқ қилишни, авлодларини жазолаш-ни, мансабга қўймасликни, улар ўрнига ишчилар синфини раҳбарликка кўтаришни амалга оширди. Бунинг натижасида ўзбек жамиятида ҳам 1960-1990 йилларда кўрқоқ, тобе оломон шаклланди, ҳақ-ҳуқуқини билмаган фуқаролар давлатнинг беҳисоб ўғирлиги ва қинғирона ишларидан бутунлай кўз юмдилар. **Ақлли одамлар эса ҳокимиятга яқинлаштирилмади.**

Давлат ҳокимиятининг асосий вазифаси – ўз фуқароларининг меҳнат қилиши, иқтисодий турмушини ўнглаб олиши учун етарли шарт-шароитни таъминлаб беришдир. Тоза муҳит яратилмаса, халқ енгил-елпи ҳаётни, ёлғончилик кўчасини танлайди, ҳатто ҳаром луқма билан фарзандларини боқишга (давлатдан нажот қолмаса, бошқа чораси қолмайди) кўнади. Энг ёмони, зурриёд давомчилари – болалари луқма қаердан кириб келаёт-

ганини кўра била туриб яшашга мажбур бўлади. Ислом таълимоти қоидалари ҳукм сурган вақтларда бу залолат йўли, жаҳолатга тенг баҳоланган.

Ҳа, XVI асрлардан Шарқ номақбул яшаш йўлини танлади. Бу ғарбона йўл Ислом оламини кўп адаштирди. Қайси восита бўлишидан қатъи назар, пулингни кўпайтир, одамларнинг ичига нифоқ сол, фойда келишини билсанг, ёлғон сўзла, лафзингни буз, дейилди таълимотларда.

Марказий Осиё, Яқин Шарқ халқлари осон алданди, аммо Хитой, Япония сингари мамлакатлар Нафс технологиясини умуман қабул қилмади. Кунчиқар юрт «Япон руҳияти ва ғарб технологияси» номли «вакон ёсай» ғоясини қабул қилди. Собиқ самурай ва ҳукумат амалдори С. Судзуки (1579–1655) дзен-буддавийликка суянган этикасида «Меҳнат– сабр-қаноатга тенг, у художўйлик даражасидаги иш, меҳнат қилиш – иймон-этиқод йўли», деган умрбоқий ғоя фуқаро онгига сингдирилди.

Асли шу таълимот буюк бобомиз Баҳроуддин Нақшбандийнинг доимо қўлинг меҳнатда банд бўлиши, немис файласуфи Макс Вебернинг протестантча этика ғояларига яқин туради. Аламли жиҳати шуки, Судзуки ва Вебер таълимоти Япония ва Европа мамлакатлари ижтимоий ҳаётини яхшилаб, фуқаролар турмушини юқори поғонага кўтарди, ундан-да кучли Нақшбандий таълимоти эса ўлкамиз ҳукмдорлари томонидан бир четга суриб қўйилди. Демак, япон, немис, инглиз, французлар ўз халқининг бой-бадавлат ва фаровон ҳаёт кечиришини кўпроқ хоҳлади.

Саййид Муҳаммад Баҳроуддин ибн Саййид Жалолиддин Нақшбанд (1318-1389) таълимоти ихчам ифодасини «Дил ба ёру даст ба кор – Дилинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин» ҳикматида гўзал ифодалаган. Бундай олтин қоида дунёда бирон бир миллатда учрамайди. Таълимот соддалиги ва қулай қабул қилинганлиги туфайли минтақадаги ўттизга яқин мамлакатга тарқалган эди.

Мавлоно Яҳуб Чархийнинг «Рисолаи унсия», Абул

Муҳсин Муҳаммад Боқирнинг «Маҳомоти Хожа Баҳоуддин Нахшбанд», Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айни-л-ҳаёт» каби рисоаларида Хожа Баҳоуддиннинг ҳаёти, тариқати, таълимоти, таъсири ва сулуки ҳақида яхши маълумотлар келтирилган. Ул зот айтар эдилар: **«Амти-л-аза ани-т-тариқи» («Азият берадиган нарсаларни йўлдан йўқотинг»)**дан мурод шуки, нафсингизни Ҳақ йўлида йўқотинг. Бу гапда юзлаб китобларга жо бўлгулик ҳикмат, маъно яширинган.

Собиқ иттифоқ даврида одамларда давлат ҳамма ташвишларимни амаллаб қилиб беради, деган боқимандалик кайфияти ва руҳият психологияси пайдо бўлгани рост. Боқимандалик психологияси аждодлар ва бизнинг генларимизда, бошқарув маданиятида, жамият ҳаётида ҳануз йўқолмаган. Учинчи Ренессансга тайёргарлик жараёнларида (у 20-30 йилга чўзилиши мумкин) миллий дастурларни тузиш пайтида Нақшбандий бобомиз олға сурган олтин қоидалар асосида мукамал таълимотни яратиш, айниқса, ёшлар учун меҳнатга ўргатиш замонавий усул ва механизмларини ишлаб чиқишга зарурат кучайган. Сабаби, жамият аъзоларида гоҳо боқимандалик кайфияти ғолиб келмоқда. Фуқароларимизга меҳнат инсонни улуғлаши ва бой-бадавлат қилиши тамойилларини сингдиришда муаммолар мавжуд. Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий соҳаларида, таълим тизимида ёшларнинг меҳнатга муносабати салбий томонга ўзгариб, енгил йўллар билан пул топишга интилиш вужудга келмоқда. Нақшбандий таълимотидаги таълим ва тарбияга оид ўлмас ғояларни илгари суришимиз боиси шуки, у четдан таълим технологияларини, ўқитиш усулларини, одам ресурсларини талаб қилмайди, ҳукумат ва давлатдан ҳам ортиқча маблағ сўралмайди. **Муаммонинг ечими инсоннинг ўзига тақалади ва биргаликда ечимини топади!**

Давлат ва фуқаро ўртасида консенсус, аҳдлашувга эришилса, бир-бирини қўллаб-қувватласа, оғир тош жойидан қўзғалади. Бунинг учун давлат ҳокимияти фуқарога иш жойини тайин этиши ва унга етарли шарт-шароит

яратиши, фуқаро эса сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиши, моддий ва номоддий маҳсулот чиқариб, ўз корхонаси, жамоасига фойда келтириши лозим. Фикримизга жонли мисол 1980-1985 йилларда Хитойда катта самара келтирган Дэн Сяопин ислоҳотлари. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деган халқимиз мақолининг мағзида гап кўп.

Учинчиси, эътиқодни тарбиялаш

Эътиқод – қатъий ишонч демак. Ўз турмушини онгли ташкил этиш, турли режалар тузиш, орзу-ҳавасларига, кўнгли ва тафаккурига мос яшаш, комилликка интилиш инсоннинг хос белгиси ҳисобланади. Инсоннинг нафақат моддий-иқтисодий, шунингдек, маънавий эҳтиёжлари ҳам бўлади. Инсон маънавиятининг ўзагини эътиқод ташкил қилади. **Маънавият эътиқод теварагида шаклланади. Эътиқоднинг мазмунини биринчи галда илм ташкил этади.** Чунки киши нимага ишонаётганини, интилаётганини, ўз хулқ-атворини, яратувчилик фаолиятини, ижодини мослаштириши зарурлигини теран англаши лозим. Эътиқод ҳар қандай билим (илм) эмас, балки қатъий ишончга айланган, инсон дунёқарашининг тамал тошини ҳосил қилган билим (илм)лардир. Бу илм диний ёки дунёвий ёхуд уларнинг маълум даражадаги қоришуви бўладими, қатъи назар, эътиқоднинг мазмунини белгилайди. Илмсиз эътиқод йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас⁶.

Юртимизда ислом динига эътиқод қўйган диндорлар миқдори, нуфузи, жамият ҳаётидаги ўрни ошиб бораётганлиги туфайли мазкур эътиқодни ривожлантириш технологиясига эҳтиёж ўсиб боради. Дин азалдан тартибни, ҳалолликни ёқтиради, демак, мамлакатимизда миллий тараққиётни таъминлаш йўлида тўсиқ бўлган коррупцияни жиловлаш, темир интизомни ўрнатиш ва адолатнинг тантана қилишида (соҳибқирон Амир Темур бобомиз шу

⁶ <https://islaminstitut.uz/11020> E'tiqod erkinligi –dunyoviy davlat asosi. 11.12.2019.

йўл орқали адолат байроғини юқорида ушлаб, тарихга ўзининг номини муҳрлади) Ислом тартиб-қоидалари ниҳоятда муҳим рол ўйнайди.

Бугунги ёшларимизнинг таълим ва тарбияси ҳолатига объектив баҳо бериб, **Нақшбандийнинг меҳнат этикаси таълимотини жамият ҳаётига, давлат ва нодавлат тузилмаларига жорий қилиш механизми мукамал ишланса**, ота-боболаримиз бошлаб берган Ренессанс, уйғониш жараёнини давом эттириш шароитини қўлга киритамиз! Агар Ғарб технологияларига кўр-кўрона эргашсак, вазият қўлдан чиқиб кетади. Биз яна бегона таълим ва тарбияга қарам бўлиб, ўзимиз ўзбек, қарашларимиз ғарбники, тилимиз байналмилал, яшаш тарзимиз қоришмадан иборат жўн одамга айланишимиз мумкин.

Дин – жамият ва инсон ҳаётида етакчи ўринни эгаллайди. **Дин –эътиқодли, виждонли бўлишни, тўғри яшаш йўллари**ни ўргатади. Дин – ҳақ йўли, у коррупцияга, алдаш ва алданишга, бировнинг молини ўғирлашга, маддоҳлик ва муттаҳамгарчиликка йўл бермайди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида бошланган Иккинчи Ренессанс (15-16 асрлар)дан сўнг, нега илғорлик байроғини қўлдан чиқардик, деган ҳақли савол туғилди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Ислом дини ривож, фуқароларнинг ўзаро аҳиллиги, жамиятдаги тинчлик ва осойишталик, бориға қаноат қилиши, сабр-иродалиги Ғарб оламига у қадар ёқмасди (бу масалада шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг 2019 йилда чоп этилган «Олам ва одам, илм ва дин» номли китобида ўнлаб далиллар келтирилади –Б.О.). Мисол учун Шайхнинг ёзишларича, XVI асргача Европада на мактаб-мадраса, на тиббиёт, на бошқарув, на иқтисодиёт тизими яхши ишлаган. Шарқ анча пешқадам бўлган! Шунда аламзада ғарбликлар шарқ одами психологиясини ўзгартирадиган махсус технологияни ўйлаб топиш ҳаракатига тушадилар. Кўрганида инсон кўзи қувонадиган техника ва технологияларни кўпайтириб (аслида бунга муҳтожлик ва зарурият бўлмаган), ахборот технологиялари бозорини ривожлантирдилар.

Араб, форс тилида битилган нодир қўлёзмаларни босқинчилик ва айғоқчилик йўллари билан ўғирлаб кетишди-да, «нозик» жойларини ўзгартириб, илм-фан лабораторияларида қайта тўлдириб, яна ўзимизга қайтариб беришди. XIX-XX асрларга келиб, телевизор, компьютер, мобил алоқани ишлаб чиқариб «совға» қилдилар. Аммо интеграл схема, математик моделларда Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий каби Шарқ алломалари ғоялари асос бўлиб хизмат қилганини унутаёздик...

Шарқ одами фикрлашдан, ривожланишдан тўхтади, унинг учун техника ўйлай бошлади. Мисол учун, биргина техника –1990 йилларда эстрада санъатимизга киритилган фонограма (оғиз кучайтиргич) асбоби овози йўқ, она тилини билмаган ҳаваскорни таниқли хонандага айлантирди, алал-оқибат, қўшиқчилик санъатида истеъдодли билан истеъдодсизнинг фарқи деярли қолмади.

Биз эътиқодни, илмни қадрлашни маданият, санъат, мактаб ва институт аҳлига, жамики ёшларга сингдирган дагина, учинчи Ренессансни қуришга осонроқ эришамиз. Негаки, **дин қалб билан ишлайди, қалбни тарбиялайди**, у таълимда ҳам, телевидениеда ҳам, давлат бошқарувида ҳам, ислохотлар жараёнида ҳам инсон руҳини, қалбини уйғотади ва оловлантиради. Қалбнинг призмалари чертилса, ёшлар маънан ва руҳан юксалса, давлат ислохотлари бардавом ва самарали кечади. Дунё тажрибасида кўрилганидек, фуқаро кеча-ю кундуз меҳнат қилса, вазифасини ҳалол адо этса-ю, яхши ҳаёт кечирмаса, қўлини силтаб, давлатни алдашга ўтади. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий ва маърифий жабҳада бошлаган ислоҳотида халқ бевосита бош фигура бўлиб қолади. Ҳа, учинчи Ренессанснинг бош ижодкори, ҳам ижрочиси Инсон эканлигидан келиб чиқсак, миллий ривожланиш омилларини Ғарб тамойилидан излаб ўтирмасдан, шахснинг тарбиясидан бошлашимиз керак.

Шарқ ва Ғарб чорраҳасида жойлашган минтақамиз кўп асрлар давомида маданиятлар, илмий ғоялар, тиллар ва динлар мулоқоти, ўзаро таъсирига катта туртки бер-

ган. Биз кичик бадиамизда биринчи ва иккинчи Ренессанс тарихи илдишларига қисқагина мурожаат қилдик. «Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрининг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг», деди Юртбошимиз 2020 йил 25 декабрда Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқида. – Барчангиз яхши биласиз, биз бугун ўз олдимизга улкан марраларни қўйганмиз. **Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик.** Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ушбу соҳаларда туб ислохотларни изчил амалга оширмоқдамиз»⁷.

Демак, илмни, иродали, тарбия қўрган ёшларни миллий тараққиёт мақсадларига сафарбар эта билиш – бош мақсадимиз бўлиши керак. Хулоса шуки, **инсон қалбини англаш, ақлий меҳнатга ўргатиш ва эътиқодини тарбиялаш, яъни Ренессанснинг таъминлайдиган мукамал тизимини яратиш** биринчи галдаги вазифамизга айланишини ҳам жуда хоҳлар эдик...

⁷ https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-ozbekiston-yoshlari-forumida-sozlagan-nutqi_197662. 26.12.2020.

ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИНИНГ ИХТИРОЛАРИ ТАДБИҚИГА ДОИР⁸



Ўзбекистон ҳаётида интеллектуал мулк тизими ислохотлар арафасида турибди. Интеллектуал мулк (ИМ) кўптармоқли, кўп мезонли тушунча бўлиб, Европа ва ривожланган давлатларда бу соҳани бошқариш бир корхона ва патент эгаси доирасида эмас, балки иқтисод ривожига олиб келадиган давлат қарорлари ва давлат дастурларини қабул қилиш асосида юритилади. Жаҳон илғор мамлакатлари икки асрдирки, патент ва бизнес ҳамкорлигини йўлга қўйиб, инсон ҳаёти ва турмуш тарзини яхшилашга эришди.

Қуйида ушбу долзарб соҳада бир неча йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган **Бахтиёр Омонов**нинг ИМ тизими бугуни ва келажаги ҳақидаги фикрлари билан танишамиз:

«Ихтиролар, технология ва тижорат сирлари, компьютер дастурлари, дизайнерлик ишланмалари, товар белгилари – ИМнинг объектлари дунёда моддий активлардан кам баҳоланмайди, балки айрим ҳолларда улардан анчагина юқори туради. Умумжаҳон саноат ишлаб чиқаришининг йиллик ўсиш суръатлари 2,5-3 фоиздан ошмайди, ИМга бўлган ҳуқуқлар билан савдо қилиш ҳажми эса йилига 12-14 фоизга ўсмоқда. Ушбу ҳолат янги

⁸ <http://uza.uz/oz/society/vazirlik-mutasaddilari-tushunish-ni-istamayetgan-a-i-at-oliga-04-02-2020>

ғоялар, кашфиётлар ва ихтиролар нафақат уларнинг яратувчиларига, балки бутун жамиятга наф келтираётганини билдиради.

Давлат томонидан бериладиган ягона монополь ҳуқуқ, бу – ИМ объекти эгасининг ундан фойдаланиш ва тасарруф этишга бўлган мутлақ ҳуқуқи! Моҳияти жиҳатидан патент – янгилик сирини тўлиқ очиб берилиши ва белгиланган миқдордаги патент божи тўланиши эъвазига давлат томонидан унинг муаллифига ихтирога бўлган ҳуқуқларини муҳофаза қилиш кафолати бериладиган шартнома ҳисобланади. Бунда жамият янгилик яратувчи ҳуқуқини қонуний расмийлаштириш эъвазига ижодий маҳсулидан фойдаланиш тўла ҳуқуқини қўлга киритади. Патент фаоллиги кўрсаткичи давлат иқтисодий қудратининг билвосита кўрсаткичи ҳам саналади. Ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Европа иттифоқи (ЕИ) қарийб икки асрдирки, ихтирочилар, олимлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйишган. Бунда иқтидорли ихтирочилар билан давлат ўртасида икки томонлама манфаатли алоқанинг мавжудлиги кишида ўзаро ишонч ва умидни уйғотади.

Бизнинг республикамызда гарчи анча кеч бўлса-да, билим ва инновацияга шарт-шароит яратиш сари ҳаракатлар бошланган. Республикамызда 2008 йилдан бери Ўзбекистонда Инновацион ғоялар, технологиялар кўргазмаси ўтказилади. Шуниси аниқки, мамлакатда фан билан ишлаб чиқариш уйғунлиги механизми яхши ишламаса, бошқа мамлакатлар илғор ғоя ва технологияларига тобе бўлиб қолиш хавфи туғилади.

Арзийдиган ихтиролар бўлса...

Инновацион иқтисодга ўтиб олган АҚШ, Швеция, Франция, Италия, Германия, Япония, Буюк Британияда бу жараёнга киришиш узоқ давом этганини биламиз. ИМ ҳуқуқи халқаро майдонда 1883 йилда имзоланган Париж конвенсияси ҳужжати орқали тартибга солинди. Конвенцияга 140 давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам аъзо бўлиб кирди.

Шуни қайд этиш лозимки, инновацион бизнес давлат, инвесторлар томонидан қўллаб-қувватланиб, давлат дастурисиз ҳам ривожланиши мумкин. Олимлар, ихтирочилар билан бизнес аҳли дунёқараши турлича бўлгани учун нарх-наволарда, шартномавий келишувларда юзлаб важ-баҳоналар вужудга келади. Мабодо арзийдиган ихтиролар бўлса, унга бошқалардан, ҳатто чет мамлакатдан ҳам буюртмалар келиб тушади. Маълумки, 1976 йиллардан бошлаб Тошкентдаги **академик Шавкат Воҳидов раҳбарлигидаги «Коинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ЛБ-09 номли Лунани ўрганиш аппаратида Россия коинот фазогирлари шаҳарчасидан буюртмалар берилган.** Паркентдаги «Физика-Қуёш» илмий-технологик мажмуаси, «Кибернетика» ё «Автоматика» илмий-тадқиқот институтларининг баъзи ихтиролари ва ноу-хауларига чет эллардан харидорл доимо қизиқиш билдирган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, илмий ва ижодий фаолият, жумладан, ихтирочилик фаолияти анча фаоллашди. Бугунги кунга келиб ИМА томонидан 22 мингдан ортиқ товар белгилари, 5 минг ихтиро, 3,5 минг ЭХМ учун дастурлар ва маълумотлар базалари, 2,4 мингта саноат намунаси, 1000 фойдали модел давлат рўйхатидан ўтказилган. Ихтиролар ҳақида гапирадиган бўлсак, сўнгги йиллардаги йирик инновациялардан тиниқ суюқ тиббий-биологик объектларнинг рангли тасвирдаги микроскопик тадқиқ қилиш усулини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу иш учун ФАнинг Электроника институтига патент берилган. Натижада мураккаб ва муҳим таҳлилларни оддий тиббий муассасаларда ўтказиш имкони юзага келди, пробаларни олиб, уларни босиб чиқариш учун саноқли дақиқалар ўтади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Патологик анатомия республика маркази раҳбари, академик Малика Абдуллаҳужаева раҳбарлигида 2011 йили ихтирога 20 йилга олинган патентда ёзилишича, агар микроскоп учун предмет ойнасига саратон хужайралари жойланса, микроскоп окулярида улар ёришиб тургани кўринади. Бу саратон

хужайраларининг визуал маркери бўлиб қолди. Ихтиронинг қиммати шундаки, саратон касалликларини энг дастлабки босқичида, шиш ҳали ҳосил бўлмай, фақат уни келтириб чиқарадиган хужайраларнинг ўзи пайдо бўлгандаёқ ташҳислаш имконияти туғилади.

Ўзбек олимларининг ихтиролари

Ўзбек олимлари ва муҳандисларининг энг яхши ихтиролари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Швейцария, Франция, Россия, Канада, Япония, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларда патентлангани бизни мамнун қилади. Масалан, Ички ишлар вазирлиги Олий ўт ўчириш-техник мактаби қошидаги Ёнғин хавфсизлиги илмий-тадқиқот марказининг бошлиғи Миржалил Усмонов 17 давлатда ихтироларини патентлаган. У ишлаб чиққан ёнғинга қарши экранлар иссиқлик оқими суръатини юз ва ундан кўпроқ мартага сусайтиради. Ушбу ихтиронинг аҳамияти шундаки, айрим мамлакатларда ёнғиндан кўрилаётган зарар ва уларга қарши курашга ишлатилган маблағлар ҳар йили ялпи миллий маҳсулотнинг тахминан бир фоизини ташкил қилмоқда.

Ўзбекистонда инновация миллий иқтисодни ривожлантириш учун сув ва ҳаводай зарур. Таклифимиз шуки, кейинги беш йилда математика, кимё, биология, фармацевтика, ахборот технологияси каби йўналишларда **патент олинган ихтиролар, фойдали моделлар инвентаризациядан ўтказилиши лозим**. Уларнинг амалиётда тадбиқ этилиши аниқлангандан кейин Давлат дастурларига киритилиб, мақсадли молияланиши керак. Чунки ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этишга олимларнинг маблағи етмайди. Бир факт: вазирлик ва компаниялар, йирик ишлаб чиқарувчиларнинг эътиборини тортиш ниятида 2009 йилдан бошлаб Давлат патент идораси (ҳозирги Интеллектуал мулк агентлиги – ИМА) да «Истиқболли ихтиролар» тўпламини чоп этишга киришилди. Ўша йилларда идорага раҳбарлик қилардим. Агентлик тузилгунга қадар, 2011 йилгача 200 дан зиёд

ихтироларнинг таъриф ва тавсифларини тўпламимизда эълон қилиб борганмиз. Аммо ИМА тузилиб, бошқа соҳага ўтиб кетганимдан кейин истиқболли ихтироларнинг тақдирдан беҳабар қолдим.

Илм-фан, инновация ва ишлаб чиқариш тандемида ИМ имкониятига алоҳида ёндашув бўлиши лозим. **ИМ – асли, бу қўп сонли яратувчилар билан товарлар, хизматларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида тўпланган катта маблағни адолатли тақсимлаш инструменти.** Турган гапки, у икки томонни, биринчи навбатда давлатни иқтисодий бой қиладиган механизмдир. Бироқ жамиятда олигархлар, бой-бадавлат кишилар ИМ ролини рад этишга ҳаракат қиладилар. Бу нотўғри йўл. Европада бунинг аксини кўрамиз. Сабаби, бундай тизим ва инфра-тузилма ишга тушса, «бизнесмен»ларнинг божхона, солиқчилар кўзини шамғалат қилиш ҳисобига бойишига, енгил-елпи йўл билан даромад олишига чек қўйилади. **Сиёсий ҳаёт – манфаатлар курашидан иборат.** Бизнесменлар, коррупционерлар ИМ соҳасида кутилаётган ислохотларга, демакки миллий иқтисоднинг ривожига турли даражада тўсқинлик қилишга уринадилар. Мисол учун, мамлакатимизда йилига 10 млрд. сўмлаб даромад олаётган CD, DVD дисклари яширин бозори «бемалол» ишлаётгани фикримизнинг исботи бўлади.

ИМ – бу, юқори технология ва ўта иқтидорлилар бизнесига кирадиган ўн минглаб интеллектуалларнинг фундаментал инструменти дедик. АҚШ, Швеция, Франция, Германия, Япония, Жанубий Корея, Малайзия ва бошқа иқтисоди ривожланган мамлакатлар бу инструментдан жаҳон пул оқимини қайта тақсимлаш мақсадида фойдаланади. Ўзбекистонда Молия вазирлиги, Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги мутасаддилари ана шу ҳақиқатни тушунишни исташмайди. Бизнингча, ушбу вазирлик раҳбарлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда бозор иқтисоди шароитида навбатма-навбат билимлар иқтисоди тизимини барпо этишга доир стратегик дастурларини тайёрлаб бориши зарур. Шун-

дай истиқболли дастурлар ишга тушмаса, вақт ва имкониятдан ютқазамиз. Республикада аниқ фанларда илмий мактаблар давомчилари ҳозирча борлиги энг муҳим ютуғимиздир. Аммо ўн йиллардан сўнг яхши имконият қўлдан бой берилиши мумкин.

ИМ, бу – ақлли бизнесмен ва етук мутахассислар бойиб қоладиган инструментгина эмас, бозорда рақобатбардош маҳсулот вужудга келишининг бош омили ҳамдир. Кимки илмий ишларни аниқ, пишиқ-пухта ўзлаштирса, ўшанда устунлик қолади. Илғор давлатлар бизнесменлари бу олтин қоидани яхши билишади. Улар ИМ ва илм-фан тараққиётига суянмай туриб, ривожланиш дастурларини тузмайдилар.

Гапнинг индаллоси шуки, биз **биринчидан**, дунё юрган иқтисодий йўлдан қадам ташлаб, илм-фан, билим, инновацияга тааллуқли мавжуд муаммоларни аниқлаб, уни ечишимиз керак. **Иккинчидан**, мамлакатимиз Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни мўлжаллаган, масала ҳал этилгудек бўлса, етакчи ишлаб чиқариш корхоналарида, иқтисоднинг хом ашёсиз секторида мураккаб вазият юзага келишини ҳисобга ўлиш шарт.

Аҳволдан қутулишнинг йўли борми?

Бунинг йўли, **биринчидан**, саноат корхоналари раҳбарлари ИМни оммавий рад этиш, уни четлаб ўтиб кетиш психологиясидан қутулиши, **иккинчидан**, ИМ асосига қурилган бизнес ғояларни жорий этиш жараёни бошидан охиригача рағбатлантириб борилиши, **учинчидан**, «Номатериал активлар ҳисоби» рўйхати кенгайтирилиши, унга ноу-хау – «ишлаб чиқариш сирлари» ҳам киритилиши, **тўртинчидан**, етакчи давлатлар тажрибасига кўра, инновацион лойиҳалар учун узоқ муддат жалб этиладиган маблағларга солиқ имтиёзлари берилиши мақсадга мувофиқ.

Узоқ йиллар мобайнида иқтисодчилар нега айрим давлатлар бой-бадавлат, бошқалари камбағал эканлигини таҳлил қилишга вақтларини сарф этишади. Илмий

жамоатчилик биладики, ҳар қандай давлатнинг иқтисодий оёққа туришида билимлар ва ихтиролар етакчи рол ўйнайди. Машҳур иқтисодчи Пол Ромернинг таъкидича, билимларни тўплаш иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи кучдир. Унинг назариясига кўра, иқтисодий сиёсатда ўсишни осонлаштирмақчи бўлсангиз, мамлакат янги тадқиқотлар ва ишланмаларга инвестицияларни кўпайтириши лозим. Бунинг учун аввало, илғор мамлакатлар тажрибасини махсус бориб ўрганиш, уларни қандай қўллаш ва яхши натижага эришиш механизмларини ишлаб чиқиш керак.

Инновацион йўлни танлаган давлатимиз ушбу асосларга суянишини хоҳлаймиз: **биринчидан**, интеллектуал донорлар (олимлар, ихтирочилар, маданият ва санъат арбоблари); **иккинчидан**, истиқболи ғояларни ҳаётга татбиқ этувчи молиячилар (маҳсулотни ташқи бозорга сотиб, иқтисодга чет эл инвестициясини киритадиган ва капитални қайтаришни амалга оширадиган бизнесменлар); **учинчидан**, уддабурро менежерлар; **тўртинчидан**, ўқитувчилар ва шифокорлар. Ўша вазиятда билимга суянадиган иқтисодиёт формуласи қуйидаги схемада жойлашади: **ИМ асосига қуриладиган устувор тармоқлар – дастурлар – амалга ошириш учун маблағлар – натижалар.**

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши арафасида давлат бошқаруви тизими билан иқтидорли олимлар, ишлаб чиқарувчилар, товарлар ва хизмат кўрсатувчи тизимлар бирқатор ташкилий-психологик ва ҳуқуқий-сиёсий чора-тадбирларни амалга ошириши ҳамда ахборот алмашиб туришини зарур, деб ҳисоблаймиз. Ҳа, яқин йилларда Ўзбекистонда ҳам ИМнинг ўрни, ваколатлари ва имкониятлари ошиб боради. Агар кучли иқтидор ва ақлий салоҳиятга эга ихтирочилар ғояларининг ижросига кенг шароит яратилса, мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан янада тараққий қилган бўларди.

Суҳбатдош
Аслиддин Суянов (ЎЗА)

ТОМОШАБИННИ ЎЗ ДОМИГА ТОРТАЁТГАН СЕРИАЛЛАР⁹

1963 йил 22 ноябрда Далласда АҚШнинг 35-Президенти Жон Кеннеди (1917-1963) шафқатсизларча ўлдирилганидан кейин, 1970 йилларга келиб, мамлакатда янги элитанинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу даврда телевидение, санъат, томошалар индустрияси, таълим тизими кишилар онгига ғоялар, тимсоллар, қарашлар ва қадриятларни сингдириб, тамоман янги миллатни шакллантиришга интилди. Бунинг оқибатида миллионлаб одамлар ўз юртида ўзини бегонадек ҳис эта бошлади. Ҳайвоний майл ва гедонистик (*ҳаётнинг мазмун-моҳияти айш-ишрат ва лаззатланишдан иборат, деб ҳисоблайдиган қарашлар тизими*) қадриятлар кучайиб, қадимий байрамлар йўқолди, илгариги қаҳрамонлар тимсоли сўниб, маданий майдонни куч, зўравонлик, беҳаёликни тарғиб этаётган супер қаҳрамонлар эгаллади. Одамлар аждодлардан мерос азалий маънавий қадриятлар таг томири билан юлиб ташлангани; ўсиб-улғайган мамлакат нобуд бўлаётганини кузатишса-да, ҳеч иложсиз қолишди. «Нима ҳам дердик, бугун бу куй воқеликка айланди: кечаги ҳақиқат бугунги ёлғон билан ўрин алмашди, деб ёзади Бюкенен «Ғарбнинг ҳалокати» асарида. – Илгари шарм-ҳаё, уят деб саналган иллатлар: зино, аборт, эвтаназия, суиқасд бутун инсоният эришган ютуқ сифатида баҳоланмоқда. Бир вақтлар Нитше қадриятларнинг қадрсизланиши ҳақида фикр юритган эдик, дарҳақиқат, илгариги фазилатлар бугун гуноҳ, гуноҳлар эса фазилатга айланмоқда»¹⁰.

⁹ <https://uza.uz/oz/world/kechagi-a-i-at-bugungi-yel-on-domi-ga-tortayetgan-seriallar-t-15-05-2020>

¹⁰ Патрик Жозеф Бюкенен. Ғарбнинг ҳалокати: ўлимга маҳкум миллат. Русчадан Б.Зокир тарж., Жаҳон адабиёти журн., 2007, 1-сон. – Б. 14-16.

Бир сўз билан айтганда, Киплинг тасвирлаган «бозор хукмдорлари» жинсий майл, шуҳрат, бойлик, ҳокимият билан янги Американинг янги хукмдорларига айланди. Нақадар аянчли ҳолат, шундай эмасми? Бу воқеалар бошланганига ярим асрдан ошди. Глобаллашув ёпирилиб келаётган айни кунларда Шарқ мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда ҳам шундай маънавий йўқотишлар бўлмаслигига ким кафолат беради? Хорижнинг киносериаллар индустрияси магияси телевидение улкан аудиториясини аста-секин ўз домига тортаётгани сир эмас-ку?!

Шу ўринда яна бир аянчли ҳолат Европадаги **демографик вазият**га назар ташлайлик. Ҳозирги вақтда ЕИ ўн етти давлати: Белгия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Испания, Италия, Латвия, Литва, Португалия, Россия, Руминия, Словакия, Словения, Хорватия, Чехия, Эстонияда ўлим кўрсаткичи туғилишга қараганда, анча юқорилаб кетган. Нимага бундай аҳвол юз бермоқда? Турмуш тарзи, қолаверса, турли реклама, тарғибот усуллари шу даражага бориб етдики, Ғарб аҳолиси, айниқса, ёшлар ўзидан зурриёд қолдириш, авлодни давом эттиришни эмас, балки енгил-елпи ҳаёт кечириш, эркин яшашни истаб қолди.

Бизга маълумки, 2000 йилда ЕИ аҳолиси 728 миллион кишини ташкил этган. БМТ демография бўлимининг «Дунё аҳолиси истиқболлари: 2000 йилдаги вазият» маърузасида айтилишича, иммиграцияни ҳисобга олмганда туғилиш ҳолати ҳозирги даражаси сақланса, 2050 йилга бориб аҳоли сони 128 миллионга камайиб, 600 миллион кишига етади. Аҳолининг сўнгги марта бунчалик камайиши умумий аҳолининг учдан бир қисми қирилган 1347-1352 йилдаги «Қора ўлат» эпидемияси вақтида кузатилган эди. Туғилиш ўртача даражаси 1,4 гача тушди, аҳолининг ҳозирги сонини сақлаб қолиш учун у камида 2,1 коэффициентига тенг бўлиши керак.

Олимлар бундай аянчли демографик вазият вужудга келишининг сабабларини топишга қизиқишмоқда. Бизнингча, бунинг боиси қуйидагилар: а) «жозибали» социализм ғоясига ўхшаш барча юмушни давлат ўз зим-

масига оладиган шароит яратилди; б) ҳар бир одамга давлат нафақаси кафолатланганидан қарияларга суянч бўлгулик фарзандга ҳожат қолмади; в) яхши даромад топадиган аёлларнинг ўзини иқтисодий эркин ҳис қилиши уларни турмуш қуришга чорламади. Бунинг натижасида Европада **1980 йиллардан оила институти емирила бошлади**, бу эса маънавий таназзулга етаклади. Германияда туғилиш даражаси 1,3 коэффициентга тушди, аҳоли учдан бир қисмини эса 65 ёшдагилар ташкил этади. Рим империясини, яъни буюк Римни, Авлиё Пётр ибодатхонасини бунёд этган, Данте ва Микеланжело, Колумб ва Галилейни вояга етказган Италияда бир аёлга ўртача 1,2 та бола тўғри келмоқда. Франциско Франко (1892-1975) ҳукмронлиги даврида кўп болали оилалари билан ўрناк бўлган Испания бугунги кунда туғилиш даражаси бўйича қитъада энг қуйи поғонани эгаллаб турибди. Хўш, олдин нега вазият яхши бўлган? Кўп болалик илдизини испанлар икки аср араблар истилоси остида яшаган замонлардан изламоқ лозим. Нимага ер юзидан қирилиб кетишини қандайдир тушуниб бўлмас итоткорлик билан тан олишгача борган европалик аёллар бола туғишдан воз кечмоқда? Таҳлилимизча, жавобимиз қуйидагича: **биринчидан**, контрацепция усули қўлланилиши Ғарб аҳолисининг икки баробар камайишига олиб келди, **иккинчидан**, абортлар кутилмаган болаларга қарши ўзига хос «иккинчи ҳимоя чегараси» бўлди, **учинчидан**, абортдан ваҳшийроқ усул – ҳомиладорликка қарши препарат кашф этилди. Тарихчилар уни «**Американи ҳалокат ёқасига олиб келган оғу**», деб баҳоланган препарат 1960 йилда сотувга чиқарилди, Америка аёлларининг 6 фоизи 1963 йилда доктор Рок кашф этган доридан фойдаланди. Аммо 1970 йилда бу миқдор 43 фоизга, 2000 йилда 60 фоизга етди. Албатта, католик черкови дорининг қўлланилишига қарши чиқди, папа Павел VI нинг махсус фатвоси билан туғишни сунъий равишда тўхтатиш орқали назорат қилиш, ҳомиладорликка қарши дориларни қўллаш катта гуноҳ экани ёзилди. Бироқ афсуслар бўлсинким, **судя** Блекман аёл-

ларнинг аборт қилиш ҳуқуқи мамлакат Конституциясида кафолатланганини 1973 йилги суд жараёнида исботлади. Ўша машъум суд қароридан кейин ҳозирги кунгача АҚШда ҳаммаси бўлиб 45 миллион аёл боласини аборт қилиб олиб ташлади. Нақадар даҳшатли қадам... АҚШ ва Европада оила институти нураб боришида инсон ва дин ўртасидаги муносабатлар сусайгани, шубҳасиз, роль ўйнади. Инсон ўзини ўзи англашида, маънавийли ва маърифатли бўлишида диннинг ўрни беқиёс. **Европаликларнинг диндан бегоналашиши барча кулфатларининг боши бўлди, дейишга асосларимиз етарли.** Америка жамоатчилиқ фикри институти (Галлуп)нинг 2009 йилда 114 та мамлакатда ўтказган натижаларига кўра, «Дин сизнинг кундалиқ ҳаётингизда муҳим ўрин тутадими?» деган саволга мусулмон давлатларининг кўпчилиги «ҳа», деб жавоб берса, Европада кўрсаткич бори ўғи 25 фоизга етди. Демак, **70-75 фоиз ғарб аҳолиси динга умуман ишонмайди, эътиқод қилмайди, оилани муқаддас, деб билмайди.** Муқаддас ислом динимизнинг қоидаларига биноан, динга чинакамига эътиқод қилувчи мўмин кишилар ҳар қандай оғир, машаққатли синовларга бардош беради, зурриёдини давом эттиради, болани тарбиялашни ота-оналик бурчи, инсонийлик вазифаси, деб билади.

Хулоса шуки, ахборот технологиялар ва глобаллашув шароитида оила институтини омон сақлаш – миллатимизнинг ҳаёт-мамоти, қисмати масаласига айланишини жуда истаймиз. Мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини юқори даражага олиб чиқиш мақсадида 2020 йилнинг феврилида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилгани бежиз эмас. Маҳаллабай тизими ишга тушгани, давлат ва нодавлат ташкилотларининг мазкур тизимга бўйсундирилиши (Хитой тажрибаси) тарбиявий ишларимизни янги босқичга кўтаришига ишонамиз.

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ШАХСНИНГ МАЙДАЛАШУВИ¹¹



Комилликка эришган шахс кўп нарсага қодир, у буюк ислохотчи, ўзгартирувчи, ҳатто даврни ортидан эргаштирувчи иқтидорга эга. Миллатнинг билим, маърифат даргоҳларини кучайтириш туфайли ушбу мақсадга эришилади. Аммо шуни қайд этиш лозимки, сўнгги ўттиз йилда таълим тизимимиз кўп марта ислоҳ бўлди. Туманларда замонавий коллежлар қурилган бўлса-да, болаларимизни касб-хунарга ўргата олмади. Интернет, автомат ўйинлар барини ўз измига бўйсундирди. Бугунги мураккаб глобаллашув даврига етиб келгач, жамиятда шахснинг йириклашиши эмас, балки майдалашиши жараёни кучаймоқда. Шу каби масалалар бўйича **сиёсий фанлар доктори Бахтиёр Омоновнинг** фикрларига қизиқдик.

–Глобаллашув ва миллат тақдири учун тинимсиз кураш кечаётган даврда ўзбек ўқувчиси, талабаси, қўйингки, фуқаролар нимага суяниши керак, деб ўйлайсиз?

¹¹ <http://uza.uz/oz/society/globallashuv-davrida-zhamiyatda-shakhsning-yiriklashishi-ema-31-07-2020>

–Илмга! Идрокли бўлишга. Илмли одам асло хор бўлмайди. Билимсизлик барча ёмонликларнинг манбаи, чунки билимсиз инсон ўзига энг катта ёмонликни раво кўрган бўлади. Жоҳил кишининг тик тура олмайдиган қопдан фарқи йўқ. Саъдий Шерозий билимсизликни уруш довулига ўхшатади, овози баланд, ичи бўш одамга!

–Шахс тарбиясида оила институтининг ўрни ҳақида тўхталсангиз...

–Глобаллашувда асосий оғирлик оиланинг зиммасига тушади. Сабаби, интернет, телевидение билан машғул бўлиш, ахборот олиш ишдан кейин уйда жадал давом этади. **Сериал ва интернет қаршисида ота-онанинг ожиз бўлиб қолиши фожиамизнинг боши.** Ота-она фарзандлари билан жонли мулоқот, дўстона суҳбат қуриш ўрнига, кечалари телевизордаги турк сериалларидан бошини кўтармаса, бунга нима дейсиз?! Ахир, турк, хитой, корейс мафкураси аллақачон юртимизга бало-қазодай кириб келди-ку. Юз йиллик мустамлакачилик сиёсати кезган давр ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади, мусулмончилик анъаналари қарийб йўқолиб, атеист, динсиз, иймонсиз икки авлод етишганига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Оила – жамият асоси, миллатимиз кўргони. Оилада ота-она кўмагида дид, фаросат, ақл, мушоҳада, фикрлаш тарзи шаклланади. Аммо ҳозирги кунда глобаллашув, оммавий маданият, борингки, ғарбона шакл-шамойилда яшашга мослашиш, ғарбона фикрлаш урфга айланиб бормоқда. Миллий урф-одат, анъана, қадриятлар (байрам, тўй, таъзия, меҳмондорчилик, оқибат кўрсатиш, кексаларнинг ҳолидан хабар олиш ва бошқалар)ни билмаган, бу қоидаларни писанд қилмаган оврупоча йигит ва қизлар ҳаётда енгил йўлларни танлаб, ўз муддасига тезроқ эришиш, «Греен Сард»ни ютиб, Амриқода яшашни орзу қилишмоқда.

Жадид бобомиз **Абдулла Авлоний «Ким нимани яхши кўрар?» номли бадиасида** бундан юз йил муқаддам жамиятдаги ҳолатни холис баҳолаган: «Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, хунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсиз? Йўқ, бу

фикрингиз янглиш, дейди аллома. –Дўкондорларимиз ишларини тартибга солмай, замонага мувофиқ иш юритмай, Маллахон замонидан қолгон эски дўкон, эски тос, эски тартибларини яхши кўрурлар. Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб қизлариға мол қилмакни яхши кўрурлар. Оталаримиз болаларини ўқутмак ва таълим бермак ўрнига «ўғлим, эмди каттакон йигит бўлдинг, шунча ўқуганинг етар, пул топ!», деб «ташишка»– ҳаммоллик қилдиришни яхши кўрурлар. Ёшларимиз илм ва маърифатли бўлишни, ҳунар, санъат ўргонишни ўрнига ўзларига зеб беруб тор шим ила калта камзул, қотирма ёқаларга бино қўйишни яхши кўрурлар»¹². Қизиги шуки, ўша замонлардаёқ, озгина чала-саводлигимиз туфайли, майдалашиш жараёни бошланган еди

Фурсат ғаниматни билган овруполиклар билим, тенглик, маърифатпарварликни ёқлаб ва унга амал қилиб, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Термизий, Самарқандий, Насафий сингари алломалари бисёр бўлган Шарқ халқларини ғафлатда қолдирган ҳолда, тараққиётда илдамлаб кетдилар.

Яқинда бир таҳлилий мақола кўлимга тушиб қолди. Қисқа ва аниқ ифода усули, ёзилган очиқ гапларни ўқиб: «Биз ўзимизга кўп ишониб юрган эканмиз-да», деган хулосага келдим. Сиз бирор марта савол бериб кўрдигизми, мусулмонлар нима учун тараққиётдан орқада қолиб кетди? **Муаммо таълимда экан.** Халқаро Ислом Ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлган 57 та давлатда жами 500 та университет мавжуд бўлиб, уч миллион мусулмонга битта университет тўғри келар экан. Америка Қўшма Штатларининг ўзида 5578 та университет ишлайди ва 57,0 минг америкаликка битта университет тўғри келади. Бунчалик ожиз бўлиб қолганимиз сабаби шуки, **биз билим ишлаб чиқара олмаяпмиз, мусулмон илм дунёсини ярата олмаяпмиз**¹³. Аҳолининг асосий

¹² <http://ziyouz.uz/jadid-adabiyoti/> А. Авлоний. Kim nimani yaxshi ko'rar? 26.05.2021.

¹³ http://kun.uz/kashfiyot.blogspot.com/2017/03/blog-post_22.html

қисми мусулмон бўлган давлатларда 230 нафар олим (бир миллионга нисбатан), АҚШда 4000, Японияда 5000 олим яшайди. Бутун араб дунёсида бир миллион арабга 50 техник-муҳандис, христиан мамлакатларида 1000 муҳандис тўғри келади. Ғарб давлатлари ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизини, мусулмон дунёси 0,2 фоизини илм-фанга сарфлайди. Буюк Британияда бир миллион кишига йилига 2000 та янги китоб, Мисрда эса бор-йўғи 20 та китоб чоп этилади. Ўртадаги фарқ мамлакат аҳолисининг маданий ва сиёсий даражасини аниқ-тиниқ кўрсатиб турибди, азизлар.

Ҳар бир мамлакатда илм-фан ривожланганлигини экспорт қилинадиган юқори технология маҳсулотлари миқдоридан билиб олса бўлади. Мисол учун, Покистон бир йиллик экспорт товарларининг фақат 1 фоизи юқори технологияда ишлаб чиқарилса, Сингапурда ушбу кўрсаткич 58 фоизга тенг. Булардан аччиқ хулоса шуки, биз илм-фанни амалиётда қўллай олмаяпмиз.

Фикримизни якуний қисмига келсак, Ислом Ҳамкорлик ташкилоти 57 аъзо давлатининг бир йиллик ялпи ички маҳсулоти 3 триллион долларга бормагани ҳолда, АҚШда бир йиллик ЯИМ 18 триллион, Хитойда 16 триллион, Японияда 4,2 триллион, Германияда 3.4 триллион долларга тенг. Биз жами 57 мусулмон давлатлари ҳатто Германиянинг ЯИМини ишлаб чиқаролмас эканмиз. Нефтга бой арабларнинг учта бой мамлакати – Саудия Арабистони (643 млрд), Қатар (200 млрд), БАА (359 млрд)нинг биргаликдаги умумий ялпи ички маҳсулоти ҳажми (нефтни ҳам ҳисобга олганда) 1 триллион 200 миллиард долларга тенг экан. Демак, жаҳондаги умумий маҳсулот ҳажмига нисбатан мусулмон дунёси жуда кам маҳсулот ишлаб чиқариши тагида илм-фаннинг қолоқлиги масаласи ётибди. Юқоридаги ахборот Исломободдаги илмий тадқиқот маркази профессори, доктор Фаррух Салим шарҳида келтирилган¹⁴.

Бундай рад этиб бўлмайдиган далиллар ҳар бир ўзбекни ўйга толдиради. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзи-

¹⁴ Ўша манба

ёев 2020 йилни «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили», деб бежиз номламади. Буюк келажакнинг мустаҳкам пойдевори фақат илм, таълим орқали қурилади. 2021 йилнинг 31 январ куни олимлар ва ёш тадқиқотчилар билан учрашувда Юртбошимиз истеъдодли олимларга хоҳлаган маблағ, грантларни беришга тайёр эканлигини билдирди. Бундай имкониятни олимларимиз эллик йилдан бери кутарди. Ўтган йилларда қанча илмий мактаблар ёпилди, энди уларни тиклаш вақти етиб келганди. Аммо назаримда, жамиятнинг энг катта бойлиги бўлган инсон қадрини, ғурурини тиклаш, маданий ва сиёсий савиясини кўтариш жуда зарур бўлиб қолди. **Бунинг учун мактабда, олий ўқув юртларида ижтимоий фанларнинг нуфузи ва ўрнини кўтариш, дарс соатларини кўпайтириш керак.**

Илмни мактабдан олмоқ ҳам фарз, ҳам қарздир. Юртбошимиз сўнгги йилларда таълим ва тарбия тизимида улкан ўзгаришларни амалга оширмоқда. Чунки мактаб – маърифат ва маънавият ўчоғи!

–Таълимнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, зарурат туғилса, энг илғор жиҳатларини ўзлаштириш зарур. Нима дедингиз?

–Жадид маърифатпарварлари бундан юз йил олдин ёшларни ўқитишни Германиядан бошлагани сабаби шуки, немислар барчага ўрнак, андоза бўлишга арзийдиган тартиботни ўрнатган миллат. Дейлик, Германия узоқ асрлик илмий мактаблари, Гёте, Гегел, Бетховен, Нитше, Эйнштейн, Гумболдт сингари олим ва ижодкорлари билан тилга тушган. Халқаро майдонда эътироф этилган немис таълим даргоҳларида мустақил фикрлаш, кенг дунёқарашни шакллантиришга кўпроқ эътибор берилади. Болаларда немисларга хос темир интизом, бирсўзлик хислатлари ҳам таълим даргоҳларида шакллантирилади. Бизга маълумки, Германияда мактабгача таълим муассасалари давлат тизимига кирмайди – фуқаролар миллатни тарбиялаш масаласини ўз зиммасига олган. Болалар боғчаси хайрия жамғармалари, маҳаллий ҳоқимият ҳамда черков васийлигида фаолият юритади.

Корхона ва ташкилотларда ҳам ўзининг боғчаси бор. Шу боис, **немислар боғчаларни «тафаккур устахонаси» деб аташади.**

Ўзбек жамияти илм-маърифат ва тадбиркорликни қандай қилиб уйғун ҳолда олиб борса бўлади, деган савол мени қийнайди. Афсуски, бу борада бир-бирини тўлдирадиган изчил тизим шаклланмаган (Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия ва бошқаларда тизим мавжуд – Б.О.). Тадбиркорларда маънавият, маърифатчиларда бизнес уқуви етишмайди. Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов: «Болаларни пул топиш маданиятини ўргатишдан ҳайиқмаслик керак. Пулдан қочиб, камбағаллашиб, ўз ғоя ва фикрларини амалга оширишга қийналмоқдамиз. Энди замонга қараб пулнинг ҳам моддийлик, ҳам бозор иқтисодида қадрият эканлигини мактаб ўқувчиларига тўғри тушунтирайлик», деган фикрларни ўртага ташлади. Вазирнинг бу чиқишида масалага янгича қарашни ва ёндашувни кўрамиз. Машхур кишилар бу борада ажойиб фикрларни айтишган. Америкалик машхур инвестор Уоррен Баффет бизнес мактабининг талабалари билан учрашганда, шундай ҳаётий маслаҳатларни беради: «Ўзингизга сармоя қилинг, ўз истеъдодингизни ривожлантиринг ва кучсиз томонларингиз устида ишланг. Аввало, ўз иштиёқингизни аниқланг, ўз принципингизга тўғри келадиган соҳани танланг. Унда пул учун ишланг. Фахрланиш ҳиссини уйғотадиган инсонлар билан ишланг». Демак, бу ҳам ўзбек боласи интиладиган бир йўл, услубдир.

–Айтинг-чи, бу тарбиявий жараёни ким шакллантиради? Шахснинг ички қуввати (детонатори)ни ким ишга солиб юборади?

–Ўқитувчи, тарбиячи! Ўқитувчи ўқувчининг барча қизиқишларини, ундаги салоҳиятни кўра билиши ва ривожланиши учун бор кучини аямаслиги даркор. Бунини шундай бажариши лозимки, токи бола ўқишни истаб, ўзини эплай олсин. Ўқитувчи, албатта, ўта сезгир бўлиши, ҳар бир боланинг ўзига хос хислатини тушуниши ва индивидуал ёндашиши керак. Муаллимнинг вазифаси –билим

билан тўлдириш, аммо ўқувчиларини индивидуалликдан маҳрум этмаслик ва шахсий фикрга эга бўлишини чекламасликдир.

Дунёдаги ноёб касб эгалари шу ҳақида яхши фикрларни билдиришган. «Мен ҳеч қачон ўз ўқувчиларимни ўқитмайман, бор-йўғи улар ўқиб-ўрганиши учун шароитни таъминлашга ҳаракат қиламан» (Алберт Эйнштейн, физик, Нобел мукофоти совриндори). «Биз билим болани қувиб юришини эмас, бола билим ортидан югураётганини кўришни истаймиз» (Бернард Шоу, драматург, файласуф, Нобел мукофоти совриндори) ¹⁵.

Мен ўн йилдан буён университетда дарс бераман. Домлачилик дунёдаги машаққатли ва шарафли касблардан бири. Ҳамма яхши биладики, дарсни қизиқарли ўтиш – санъат! Педагог буни бажара олишга мажбур. Ўқувчи, талабани мавзуга қизиқтирмай туриб, унга бирор нарсани ўргатиб бўлмайди. Ўқитувчи зиммасидаги мураккаб вазифалардан бири билимни мияга чексиз оқимдек қуйиш эмас, балки билимга интилиш ҳиссини уйғотишдир. Қадимги юнон файласуфи Сукрот (мил. ав. 469-399 й): «Мен ҳеч кимга ҳеч нарса ўргата олмайман, бор-йўғи уларни ўйлашга мажбур қила оламан»¹⁶, деганида ҳақ эди. Болани ёдлашга мажбур қилиш ўрнига унга тушунишда ёрдам бериш керак. Фанга онгли равишда ёндашув ёдлашдан самаралироқ, чунки бола ўйлайди, муаммони тушуниб етади, англайди ва билимни амалиётда қўллай олади. **«Ўртача ўқитувчи ҳикоя қилади. Яхши ўқитувчи тушунтиради. Аъло даражадаги ўқитувчи илҳом беради»** (Уилям Артур Уорд, америкалик ёзувчи). Жуда топиб айтилган фикр. «Ўқитувчи бўлиш, бу – тақдир»,- деб бежиз айтишмаган. Агар ўзинг ишинг билан «ёнмасанг», бошқаларга илҳом, руҳ ва орзулар сари учишга қанот беролмайсан. Бир япон

¹⁵ [http:// xabardor.uz/articles/mashxurlar](http://xabardor.uz/articles/mashxurlar) Mashhurlarning yaxshi o'qituvchi bo'lishga yordam beradigan dono fikrlari 24.10.2018.

¹⁶ Ҳақиқат манзаралари. 99 мумтоз файласуф. Таржимон: С. Жўраева. –Т.: Янги аср авлоди, 2002. –Б. 38.

ҳикматида ёзилганидек: **«Буюк ўқитувчи билан ўтказилган бир кун минг кун давомидаги машаққатли дарслардан яхшироқ!»**¹⁷.

–Миллатнинг суянган кишилари давлат раҳбари ва сиёсий етакчилари ҳисобланади. Сиз сиёсий етакчи ва жамиятни модернизациялаш борасида бир қатор китобларни ёзгансиз. Шу ўринда, шахс, миллат тарбиясида етакчининг тутган ўрнига ҳам тўхталсангиз...

–Бу ўта муҳим, долзарб, ҳам абадий мавзу. Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур юртини ўзининг ортидан эргаштирувчи, етакловчи мард, жасур, билимдон кишилар бўлишган. Аслида ёшлигида ҳамма қатори улар ҳам оддий ҳаёт кечирган. Аммо кутилмаган тарихий вазият туфайли сиёсат майдонга чиқдилар ва бутун вазиятни қўлга олиб, мамлакатни бошқардилар. Ғарбда Роналд Рейган, Шарл де Голл, Гелмут Колл, Вацлав Гавел, Маргарет Тетчер, Шарқда Камол Отатурк, Мохандас Ганди, Дэн Сяопин, Махатхир Муҳаммад сингари сиёсий етакчилар миллий ривожланишни белгилаган стратегик дастур, ғояларни илгари суриб, ўз мамлакати халқини руҳлантирдилар. Улардан ҳар бирининг амалга оширган буюк ислохотлари ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Бир жонли мисол: темир иродали, ақлли бу аёл ўн йил давомида жаҳондаги энг машҳур раҳбарга айланди. Буюк Британия бош вазири Маргарет Тетчернинг минбардаги нутқларидан бирида шундай оташин сўзлар янграган эди¹⁸: **«Мен бошқарувга битта аниқ ўйлаб чиқилган мақсад билан киришдим: инглиз жамиятини тўлиқ давлат қарамоғидаги боқимандалик ҳолатидан ўз келажагига тўлиқ ишонган тадбиркор ҳолатигача; «ўтирамиз» ва «кутамыз» Англияси ўрнига «уйғон» ва «юр» Англияси ўрнатилиши учун анъана-**

¹⁷ [http:// xabardor.uz/articles/mashxurlar](http://xabardor.uz/articles/mashxurlar) Mashhurlarning yaxshi o'qituvchi bo'lishga yordam beradigan dono fikrlari 24.10.2018.

¹⁸ Эргашев Ш., Бобоматов Т. XX аср: тақдирларда акс этган тарих. –Т.: Ўзбекистон, 2015. – Б. 392.

вий «марҳамат қилиб менга беринг»дан «ҳаммасини ўзимиз қиламиз» миллатигача ўзгартириш!».

Давлат раҳбарининг ўз олдига қўйган вазифаларни тасаввур қиляпсизми?! Янги Ўзбекистонда тарихий бурилиш палласида Юртбоши ҳам миллатимизнинг юксалиши, маънан ва руҳан уйғониши, ўз «мен»ини намоён қилишига замин бўладиган оқилона йўлни танлаб, илм, таълим, маърифат юксалиши учун улкан вазифаларни олдимизга қўйгани ибратга молик воқеадир.

Суҳбатдош Аслиддин Суюнов (ЎЗА)

МИЛЛАТ ВА КОРРУПЦИЯ¹⁹

Коррупция бир неча минг йиллик тарихга эга. Ёзма манбаларда коррупция тушунчаси ҳақида эрамиздан аввалги Шумер подшолиги даврида эслатиб ўтилган. Коррупциянинг шу кунларгача етиб келганлиги шундан далилатки, уни ҳам бошқа иллатларга ўхшаб таг-туғи билан йўқотиб бўлмайди. Ҳатто ривожланган Ғарб давлатлари ҳам бу касалликдан бутунлай халос бўлаолмаган. Бироқ жамият ривожига хавф солувчи коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш Ер юзидаги барча давлатларда ҳамиша ва ҳамма замонда давом этаверади.

Қуръони каримда порахўрлик тақиқланади: «Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун уни ҳокимларга гуноҳқорона ташламанг...(Имом Қуртубий деганларки: «Оятдаги «ботил йўл билан емаслик»ка ҳаромнинг барча турлари киради. Қимор, алдамчилик, ҳаром нарсаларни сотиб мол топишлик, ҳаром касбларни қилиб мол топишлик ва бошқалар»)²⁰. Лекин шунга қарамай, порахўрлик Усманийлар халифалигида ҳам мавжуд бўлган. Аввалига халифа турли идоралар фаолиятини шахсан ўзи назорат қилган, лекин вақт ўтиши билан бу ишни ўзига яқин одам – халифанинг турли ишлар бўйича шахсий ёрдамчиси бўлган вазирга топшириб қўйган. Вақт ўтиши билан вазирлар кенг тармоқли давлат аппаратини шакллантирган. Х асрнинг ўрталарига келиб, у ёки бу лавозимга тайинланиш учун амалдорлар томонидан вазирларга пора бериш амалиёти шакллана бошлаган...

¹⁹ <https://xs.uz/uzkr/post/korruptsiya-va-millij-taraqqiyot-muammo-va-echim> Xalq so'zi, 07.08.2020.

²⁰ <https://www.islamonline.uz/index.php/msmy/93-baqara>.

Бундан халифа Муқтадирнинг вазири бўлган Убайдуллоҳ Ҳоқоний (926 йил вафот этган) амалдорларни турли лавозимларга тайинлаш ва олиб ташлашда фаол фойдаланди. Пулга қаттиқ муҳтожлик сезаётган давлат солиқлар тўплашни хусусий шахсларга топширгани боис, бу турли суиистеъмолликларни юзага келтирди. Шу тариқа порахўрлик халифалик таназзулга юз тутишининг сабабларидан бирига айланди.

Бу ҳолат Усманийлар салтанатида истисно бўлмаган. Хусусан, деҳқонлардан турли солиқларни тўплашда ҳарбий хизматчилар қинғирликлар содир этарди. Ҳатто бундай суиистеъмоллик ҳолатларини Усманийлар салтанати шайхулисоми чиқарган махсус фатволар ҳам бартараф қила олмади. Сипоҳилар нимадир «узатиш» эвазига аста-секинлик билан ҳарбий юришларга бормай қўйдилар, ўзларига тақдим этилган ерларда муқим қолиб, амалда давлат мулкани шахсий мулк қилиб олдилар. Давлат эса, ўз навбатида, вазирлар тимсолида кўнгилсиз реакциядан хавфсираган ҳолда, ҳарбийлар билан тўқнашувга боришдан ҳадиксиради.

Усманийлар салтанатида порахўрлик оқибати шу даражага етдики, қўшинлар ҳарбий тайёргарлигини йўқотди, натижада XVIII аср охири ва XIX аср бошларида қатор мағлубиятларга учраб, давлатнинг қудратига путур етказишди.

Хуллас, қадим замонлардаёқ ушбу иллатга қарши қаттиқ жазолар белгиланганига қарамасдан, бу ҳамиша ҳам кўнгилдагидек натижа бермаган.

Моҳияти

Аллома Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида фуқаролик жамиятини қуришда тўғаноқ бўладиган муаммолардан бири тамагирликдир, деб қайд этади. Бугунги кунга келиб, энг юқори ўсиш нуқтасига етган коррупция бозор иқтисодиёти тизими кучшандаси, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бизнес ҳамда инвестициялар ривожига шафқатсиз тўсиқ бўл-

моқда. Ҳар йили ўнлаб қўшма корхоналарнинг очилиши ва «сунъий» равишда ёпилиши замирида кучли «кўринмас қўллар» ётибди. Коррупция даражаси юқорилашган давлатларга чет эл инвестициясини киритиш камайиб бораётгани асл сабабларини ҳам шу хавфли иллатдан қидирган маъқул.

Олдин Ғарбда, кейин Осиё давлатларида коррупция чуқурлашиб, «касаллик» ҳудуди, қўлами ва даражаси жамиятда кучайиб бораётган паллада: «Нима қилмоқ керак», деган савол пайдо бўлади. Нима чоралар кўрилса, дунё иқтисодий, сиёсий, маънавий тизимларини эгаллаб, миллий иқтисодиётга тўғаноқ бўлаётган бало-қазонинг таъсир доираси камаяди? Аввало, кенг қамровли тушунча бўлган коррупция жамиятнинг айрим қатламлари, тоифалари, гуруҳларининг кундалик машғулотига айланиб, ўзаро боғланиб, чирмашиб кетганлиги даҳшатли ҳодиса! «Нозикроқ», «чигалроқ», мураккаб ушбу масалада давлатнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳушёр, зийрак бўлиши, нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик назорати, махсус комиссиялар, журналистлар, мустақил судлар тизими янада фаолроқ ишлаши ҳақида олимлар кўп йиллардан бери ёзиб келишади. Сиёсатчилар, социологлар, психологлар, тарихчилар, давлат ҳамда жамоат органлари, сиёсий партиялар, энг муҳими, амалиётчилар масалани таҳлил этиш ва ечимини топиш устида бош қотиришмоқда. Аммо натижага келганда...

Кейинги йилларда хориж, жумладан, МДХ мамлакатлари матбуотида коррупцияга қарши курашиш йўллари ҳақида таҳлилий мақолалар пайдо бўла бошлади. МДХга аъзо мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шундан далолат берадики, биз шўролар тузумидан қутулганимизга ўттиз йил бўлганига қарамасдан, суд-ҳуқуқ органлари ҳамон давлат ҳокимиятининг итоаткор органига айланганича қолмоқда. Жамият тараққиёти кушандаси ҳақида давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида таъкидлайди. Вилоятлар сессияларида ташкилий масала кўрилганда, биринчи навбатда, мазкур муаммога рўбарў келамиз.

Порахўрлик ва коррупция ўзбек жамиятининг ривожланишига, хусусан, демократик янгиланиш ҳамда модернизациялаш жараёнига халақит бермоқда. Гарчи бу масала минбарларда ва телевидениеда бот-бот такрорланиб, «қўлга тушган» амалдорлар намойиш этилаётган бўлса-да, суд, прокуратура ходимлари, давлат идораси раҳбарлари, оддий фуқароларнинг қон-қонига сингиб кетган феодализм сарқитлари, тамагирлик, бюрократия аппарати риштала-ри муаммони камайтиришга имкон бермаётир.

Коррупция авж олган жамиятда: **биринчидан**, адолатсизлик, тенгсизлик ва аҳолининг норозилигига олиб келади, бу эса барча соҳадаги ислохотларнинг натижасига салбий таъсир этмай қолмайди; **иккинчидан**, фуқароларимизда ҳуқуқий онг ҳамда сиёсий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги адолат мезонининг бузилишини кўпайтиради; **учинчидан**, сиёсий институтлар, жамоат ташкилотлари шаклан демократик мезонлари, Ғарб андозасига ўхшаса-да, мазмун-моҳиятига кўра, замон талабидан орқада қолаётганлиги олға силжишимизга катта тўсиқ бўлади.

Бизнингча, бу борада битта ташкилот – адлия органлари роли кучайиши, имтиёзлари ошиб бориши керак. Янги ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳам Адлия вазирлиги билан биргаликда қонун устуворлигини тўлиқ таъминлашга хизмат қилиши даврнинг талабидир.

Ҳолати

Давлат ва жамиятда инсон онги, дунёқараши шаклланиши даражаси таҳлилидан келиб чиққанда, собиқ иттифоқдан мерос бўлиб келаётган коррупция иллатига қарши курашда кўп азият чекишимизга тўғри келади. Сабаби, Хитой ва Сингапурникига ўхшаган **юқоридан қуйигача қатъий ишлайдиган иерархия тизими бизда тўлиқ ишга тушмаган.** Лекин табиий жараёни сунъий равишда секинлаштирмаслик ёки айрим кучларнинг тазйиқи остида «тўхтатмаслик», бу борада ривожланган дав-

латларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш зарур. Масалан, АҚШда репортёр-журналистлар коррупцияга қарши курашда энг самарали жамоат назоратини ўрнатган. Бизда бундай тизим мавжуд эмас. МДХда, хусусан Ўзбекистонда суриштирув журналистикаси жуда саёз ҳолатда бўлиб, бугунги кун эҳтиёжидан орқада қолмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, жинойтчилар «кирдикор»ларини фош этишга уриниб, мустақил суриштирув олиб борадиган фидойи журналистлар ҳимояси ишламайди. Бундан ҳам ачинарлиси, ҳозирги кунда бирон-бир раҳбарнинг яширин бойлик орттиришини исботлаган мақола матбуотда чоп қилинса-да, унга қатъий чоралар кўрилмайди, аҳвол ҳам ўзгармайди. Масалан, бир вақтлар раҳбар ҳақида фелъетон чиқса, партиядан ўчирилар, қамалар, шунинг учун амалдорлар «тўртинчи ҳокимият»дан ҳайиқар эдилар. «Муштум»га ўхшаган икки-учта кучли вақтли матбуот нашри фаолияти қўллаб-қувватланса ва телевидениеда махсус кўрсатувлар ҳар куни (хоҳ катта, хоҳ кичик тамагирлик ҳолати бўлсин) бериб борилса, кўпчилик ҳушёр тортиб қоларди. **Танқид бўлмаган жамиятда миллий тараққиёт, юксалиш бўлмаслигини фуқаролар онгига сингдириб боришимиз керак, назаримизда.**

Жамиятда устувор соҳа – таълим тизимида таҳсил оладиган ўсмирлар, ёшлар онгида толерантликни уйғотиш муаммоси ҳам олдимизда кўндаланг турибди. «Жамиятда порахўрлик иллатини енгиб бўлмайди», деган фикр ёшлар онгида шаклланиб қолгани (Япония ёки Хитой фуқароси онгида шаклланмаганлиги алоҳида мавзу) энг катта камчилигимиз. Бу борада ўнгланиш, силжиш қилмасак, миллатимиз обрўси, нуфузига коррупция иллати соя солиб тураверади. Токи, биз оилада, боғчада, мактабда ўғил-қизларимиз онгига, руҳиятига тамагирлик, порахўрлик ёмон иллатгина эмас, балки у жамиятимиз таназзули, иқтисодиётимиз орқага кетиши айбдори эканлиги ҳақида тарбиявий ва тарғибот ишларини олиб бормасак, мақсад-муддаога эриша олмаймиз.

Сўнгги йилларда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «давлат халққа хизмат қилиши керак», деган ғоя

фуқаролик жамияти институтларига янги тизим ва дастурларни ишлаб чиқиш имкониятини берганди. Аммо нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар бу борада ташаббус ҳамда ташкилий ишларни амалга оширишни негадир пайсалга солишмоқда.

Кейинги вақтларда, хусусан, 2017 йилдан бошлаб, мамлакатимизда «парламент назорати», «жамоатчилик назорати», деган атамалар таомилга кирди ва шундай қонунлар қабул қилинди. Эндиликда биз соҳада ишлайдиган кучли тизимни тезликда яратишимиз, миллий менталитетни ҳисобга олиб, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари илғор тажрибасини қўллашга ўтишимиз лозим. Ўзбекистонда сиёсий тизимдаги ислохотларни жамоатчилик назоратисиз амалга оширишнинг имкони йўқ. Айниқса, модернизация, янгиланиш, халқона ислохотлар билан коррупциянинг «қони қўшилмайди», янгилик билан эскилик тарафдорлари, фан, инновация, креатив фикрловчилар билан эски бюрократия авлоди ўртасида кураш тинимсиз давом этаверади.

Схемалари ва индекси

Коррупция – чегара билмас «аждаҳо», у алдамчилик, порахўрлик ва пулни «ювиш»нинг аниқ «чизма» (схема)ларидан ташкил топган. Дейлик, Россияда кечроқ бўлса-да, унга қарши янги механизм чоралари қидирилмоқда. Сабаби Борис Ельцин (1931-2007) ҳокимияти йилларида мамлакатда иқтисодиётни режали ва мақсадли бошқариш тизими бутунлай издан чиқиб, кўпроқ Ғарбнинг таъсирига тушган, параллел равишда режасиз (миясиз) ҳамда жиноий иқтисодиёт барабар олиб борилган эди.

Россия Ички ишлар вазирлиги Иқтисодий хавфсизлик академиясининг маълумотига кўра, 2015 йил охирида мамлакатда иқтисодиётнинг жиноятлашганлиги даражаси жуда «танг» аҳволда бўлиб, «хуфиёна иқтисодиёт» ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 40 фоизига етган, 1991 йилда у бор-йўғи 11 фоиз бўлганди. «Transparency

Int» (TI) коррупцияга қарши тадқиқот маркази (<http://www.transparency.org/cpi>)нинг 2019 йилдаги маълумотида кўра²¹, Россия 180 давлат ичида 137-ўринга тушиб қолди... Халқаро ташкилотнинг 100 баллик индексидан Ўзбекистон 25 балл олиб, умумий рейтингда 153-ўринни эгаллади. Коррупцияни идрок этиш индексини – давлат секторидаги коррупция даражасини эксперт ва бизнес вакиллари холис баҳолайди. Аввалги йилларда бўлгани каби, дунё мамлакатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг ўртача бали 43 дан 50 гача кўрсаткичда турибди. Индекс тузувчиларнинг фикрича, бу аксар мамлакатларнинг коррупцияни жиддий назорат қила олмаганлиги ва демократиянинг инқироидан дарак бермоқда.

Кучли еттиликка Дания, Янги Зеландия, Финландия, Сингапур, Швеция, Швейцария, Норвегия кирган. Энг ёмон кўрсаткич Яман, Сурия, Судан, Сомалида (177-180 ўринлар). 2019 йилда Коррупцияни англаш индекси бўйича собиқ иттифоқ давлатлари ичида Эстония 18, Грузия 44, Беларус 66, Арманистон 77, Қозоғистон 113, Қирғизистон 126, Тожикистон ва Ўзбекистон 153-ўринда қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, коррупция манфаатлар тўқнашувининг жиддийроқ кўриниши бўлиб, у мазкур тўқнашувнинг барча турларини бартараф этиш заруратини талаб этади. Шу боис, хорижий мамлакатларда туб ислохот коррупцияга қарши курашишдан **(Грузияда Саакашвили мафияни қамаш, уларга шерик бўлган ИИБ таркибини тозалашга киришганидек)** бошланди. Натижада бу мамлакатда назорат тўлиқ давлатнинг қўлига ўтди.

«Бизнинг тадқиқотларимиз соғлом демократия билан **давлат секторидаги коррупцияга қарши кураш** ўртасида аниқ боғлиқликни кўрсатиб берди», дейди мазкур халқаро ташкилот раиси Делиа Феррейра Рубио. Ташкилот қуйидагиларни тавсия қилади: катта пул ай-

²¹ <https://zen.yandex.ru/media/id/5aa8d5d9a86731ea4d5fd077/rossiia-zaniala-137-mesto-v-indekse-vospriiatiia-korrupcii-transparency-international-5e29cef99515>. 23.01.2020.

ланмасининг олдини олиш учун сиёсий молиялаштиришни бошқариш; сиёсатга таъсир қилишнинг олдини олиш; қизиқиш можароларини бошқариш ва «айланадиган эшиклар» муаммосини ҳал қилиш; қарор қабул қилиш ва сезиларли фойдаланишга ҳисса қўшадиган лобби фаолиятини тартибга солиш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, журналистларни ҳимоя қилиш; текширувчилар ва қарши кураш тизимини кучайтириш.

Агентликнинг вазифаси

Президентимизнинг 2020 йил 29 июнда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига кўра, ташкил этилган Коррупцияга қарши курашиш агентлиги бу борада давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш билан бирга, **дунё рейтингда мамлакатимиз кўрсаткичини яхшилаш устида ишлаши керак**. Вазифалар кўлами ва қамрови жуда кенг. Бунда бир муҳим омилга алоҳида аҳамият берилиши, аввало, кўчмас мулк сотиб олинаётганда пулларнинг келиб чиқиши қонунийлиги текширилиши зарур, деган фикрдамиз. Ваҳоланки, бизда қиммат уйлар эгалари уларни сотиб олиш ёки қуриш учун маблағни қаердан олишгани суриштирилмайди (аммо 2022 йил бошида раҳбарлар декларация тўлдиргунича хусусий мулклар имкон қадар «бошқа»нинг номига ўтказилиши мумкин).

Қонунчилик тизимида ҳам камчиликлар мавжуд. Мисол учун, хонандалар ёки бошқа айрим тоифа кишиларининг хоҳлаганча қаср уйларни қуришига, телевидениеда хонадонини кўз-кўз қилинишига бемалол йўл қўйилиши қонунларнинг яхши ишламаётганидан далолат беради. Масаланинг маънавий тарафи ҳам борки, енгил йўллар билан пул топиб, бундай шоҳона жойларда яшаш бир вақтлар прокурор ёки ДАН ходими тайёрлайдиган ўқишларга киришни хоҳловчи ёшларнинг

кўпайишига олиб келади. Демак, истеъдоди бўлмаса-да, оддийгина техника, фонограммага суяниб, мўмай даромад топадиган хонандалар сони 10 барабар кўпайиши аниқ. Фикримизга кўпчилик қарши чиқиши мумкин. Аммо биз жамиятда барча соҳаларда тенг мувозанатни сақлаган «олтин қоида»нинг бузилмаслиги тарафдоримиз. Фонограммада айтилган қўшиқнинг CD дискларини ёзиб олиш, кўпайтириш ва сотиш билан шуғулланувчиларга кўп «имтиёз»лар берилгани, айримлари солиқ тўламаслигидан Давлат бюджети катта иқтисодий зарар кўраётганига тоқат қилиб бўлмайди. Афсуски, бундай коррупциоген ҳолатларнинг илдиз отишига, бир гуруҳ кишиларнинг бойиб кетишига йиллар давомида шароит яратилди. **Ахир, саводи ҳаминқадар хонанда ё диск кўпайтирувчи унга таълим берган мактаб муаллими ёки узоқ йиллар илм билан шуғулланган олимдан кўпроқ маблағ топишига имконият яратилиши** адолатсизлик ва коррупциянинг очиқ кўриниши эмасми?!

Аҳоли табақалари даромадларининг фарқланиш миқдори кескин ўзгаргани иқтисодчиларни ҳам ташвишга солмоқда. Собиқ иттифоқ Статистика қўмитаси маълумотига кўра, 1956 йилда бу фарқлар 3,28, 1986 йилда 3,38 га етган – қарийб яқин бўлса, мустақиллик йилларида бой ва камбағаллар даромадидаги фарқ анча кўпайди. *Расмий маълумотларда 10 фоиз энг бадавлат бойларнинг даромади энг камбағал фуқароларнинг даромадларидан 10–15 марта ошиб кетганлиги кўрсатилади.* Аммо кўплаб экспертлар «яширин иқтисодиёт» чуқур таҳлил қилинганда, ўртадаги ҳақиқий тафовут 25–40 маротаба эканлигини очиқ айтишмоқда. Ҳозирги кунда яшаш минимумидан паст даражада кун кечираётган камбағал аҳолимиз 15 фоизни ташкил қилади. Мамлакатимизда 2019 йилдан бошлаб силжиш кузатилган, ҳатто шу соҳани тадқиқ қилиш учун бутун бошли вазирлик ишлаётган бўлса-да, ўртадаги фарқнинг кучайиб бориши жамият қатламларида турли фикрларни пайдо қилиши мумкин.

2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат ти-

зими («комплаенс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш чоралари кўрилиши соҳада ўзгаришларга туртки бериши мумкин. Мақсад – соҳада пора олиш учун мутлақо имкон қолдирмаслик. Шу сабабли, Ўзбекистонда дунёнинг етакчи КПМГ компанияси билан ҳамкорликда махсус лойиҳа ишга туширилди. Адлия органлари ва муассасаларидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарларни ўз вақтида етказилишини таъминлашга қўшимча имконият яратиш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида **«@антикорбот» номли махсус бот яратилди**. Махсус бот орқали шу кунга қадар 2 мингдан ошиқ тезкор хабарлар келиб тушди²². Агентликка халқаро конвенция талабларини бажариш мақсадида ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий координатори вазифа ва ваколатлари юклатилиши, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиши адлиянинг мақоми ва нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ҳа, миллий тараққиётимизга жиддий тўсиқ бўлаётган коррупцияни бартараф этиш йўлида қадамлар ташланмоқда. Энг муҳими шуки, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар қанчалик ҳаракат қилмасин, халқимиз бу жирканч иллатга мурасасиз бўлиб, таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатмас экан, бу бало-қазога қарши самарали курашни ташкил эта олмаймиз.

Иллатга қарши курашишни нимадан бошлаш керак?

Энг аввало, коррупцияга қарши курашишни оиладан бошлаш даркор. Бу борада аёлларнинг роли ниҳоятда улуг, деб ҳисоблаймиз. Агар ўғрилиқ ёки пора ҳисобига келган луқманинг таг-илдизини аёлларимиз суриштириб билса, очиқ фикрини айтолса, эрлар ҳалол ризқни излашга ту-

²² <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/98788>
Adliya korrupsiyaga qarshi qanday kurashmoqda? <https://www.minjust.uz/uz/press-center/news/98788>

шиб, иши ва оиласида файз-барака, сокинлик ҳамда хотир-жамлик қарор топиши, шубҳасиз.

Коррупция – тамагирликнинг юқори нуқтасига қарши курашиш учун амалдорлардан сиёсий ирода талаб қилинади. Вазиятдан чиқишнинг усули шуки, **аввало, давлат бюрократик аппаратининг миқдори имкон қадар камайиши**, фуқароларнинг шахсий ҳаётига ва иқтисодий фаолиятига давлатнинг минимал аралашувига ва монополияга барҳам берилиши зарур.

Коррупцияга қарши курашиш турли мамлакатларда турлича намоён бўлади. Аммо таҳлилимизча, давлат хизматида ўғриламаслик учун дунёда фақат иккита рецепт тан олинади: биринчиси, Швейцарияча вақтни қисқартириш, иккинчиси, Хитойча ҳаётни, умрни қисқартиришдан бирини танлаш.

Биз ярамас иллатга қарши курашишни қуйидаги муаммоларнинг ечимидан бошлашни тавсия этамиз: агентлик томонидан коррупция таркибий қисмига кирадиган қонун ҳужжатлари қайта кўриб чиқилиши; давлат муассасалари устидан жамоатчилик назорати (очиқлик индекси) ўрнатилиши; ҳокимлар ва вазирлар парламент ҳамда маҳаллий Кенгашлар томонидан тасдиқланиши; барча давлат хизматлари «Ягона ойна» марказларига ўтказилиши, суд тизими мустақиллиги мустаҳкамланиши; давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимояси, мансабдор шахсларнинг иш ҳақини бизнесдагига ўхшаш 2-3 баравар кўп бўлишига эришиш. Бунинг учун **мустақил комиссия ва марказларни тузиш**, ҳақиқий аҳволни жиддий ўрганиш, барча тадқиқотлар ҳамда ахборотларни мунтазам йиғиб борадиган ягона марказни тезда ташкил қилиш керак. Чунки қиладиган иш ва вазифаларимиз ўн йилларга етгулик.

Тан олиш жоизки, давлат харидлари, инвестиция, банк, солиқ, божхона, бозорлар, қурилиш тизимида коррупцияга алоқадор шахслар яхшигина даромад кўради. Қонунчилик амалиёти, ҳуқуқ-тартибот органларининг уларга қарши туриш борасида ўта «ожизлиги», «заифлиги», ҳатто хайрихоҳлиги ҳолатлари ишимизга халақит бериб, бу-

нинг оқибатида халқ ва давлатнинг ер ости ҳамда ер усти бойлигини ўзлаштириш эвазига чет элларда данғиллама виллаларга эгалик қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Хориждан олинган аччиқ сабоқлар

Жамият аъзоларини қийнаб келаётган балои офатга қарши курашиш учун биз қўшни давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш учун қўшни **Россиядаги аҳволни кўздан кечирсак:** 2000-йиллар аввалида улкан мамлакатнинг миллий хавфсизлигига коррупция хавф сола бошлагач (асосан, ер ости бойликлари ва мудофаа соҳаси маблағларини талон-торож қилиш), махсус идора очилиб, мавжуд муаммолар халқаро тажриба билан таққосланди ва «ҳомий» вазифасини бажарган ҳуқуқ-тартибот органлари, солиқ, божхона хизмати тизими раҳбарларига нисбатан кескин чоралар кўрилди. Ички ишлар органи тизими бутунлай ислоҳ этилди. Криминал тармоқлардаги узоқ йиллик коррупция ҳолатлари ишончли далиллар билан фош қилиниб, йирик жиноий ишлар очилиб кетди.

Тўғри, олдинги раҳбарият даврида масалага панжа орасидан қараб келинган эди. Россия Федерацияси Президенти В. Путин назоратига ўтган кўплаб махсус илмий марказлар, жамоат ташкилотлари қисқа муддатда вазирликлар ва минтақалардаги коррупция даражасини аниқлаб бердилар. Масалан, Москва ҳамда марказий шаҳарларда коррупция даражаси юқори, узоқ ўлкаларда камроқ ривожланган экан. Айниқса, суд, прокуратура, ички ишлар органларида, олий ўқув юртларида коррупсион тизим «самарали» ишлаганлиги аниқланиб, минглаб мансабдор шахслар лавозимидан озод қилинди. Бундан хулоса чиқарган тамагир раҳбарлар сиёсий вазиятдан анча чўчиб, ўзларини «панага тортдилар».

Ўзбек сиёсатчилари, жамоат арбоблари, олимлари коррупцияни ўрганаман деса дунё мамлакатлари тажрибасида ижобий жиҳатлар кўп. Мисол учун, **Сингапурда пора олишдан бош тортган амалдорларга мукофотлар тарқатилади.** Япония давлат сектори ходимларининг виждонлилиги

холис баҳоланади. Биз ўзига хос бундай ислохотлар тағ-заминидаги ички ва ташқи омилларни тадқиқ этишимиз лозим. Булардан ташқари, **«конфуцийча капитализм», су-харточа сиёсат, Махатхира (руху нигара) ғояларининг** мазмун-моҳияти ҳам бизда ўрганилмаган.

Хуллас, давлат органларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кескин чора-тадбирларни жорий этиш, аҳолининг коррупцияга қарши қарашларини шакллантириш бўйича халқаро тажрибаларни ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Хулоса ўрнида

Ўзбекистонда ушбу соҳада тўпланган муаммолар Россияникига яқин туради, демак, дастлабки ташкилий тадбирларни шу схема асосида амалга ошириш мумкин. Коррупция илдизига болта уришда жиноят ишлари бўйича судлар устувор мавқеи эгаллаши лозим, деган фикр-дамиз. Лекин афсуски, МДХ давлатларида кимнингдир тазйиқи, кўрсатмаси ёки тамагирлиги, мансабдорнинг сотиб олиниши эвазига судларнинг адолатсиз ҳукмлар чиқариши ҳоллари кўп учрайди (юртимиз ҳам бундан мустасно эмас). **Суд тизими сиёсий ҳокимиятнинг ито-атгўй, тобе органига айлангани** касалликнинг баттар газак олишига олиб келмоқда.

Жонли мисол, маҳаллий ҳокимларнинг фуқаролар ва юридик шахсларга ерни ажратиши кўп йилдирки, бизнесга, кимошди савдосига айланиб, коррупциялашганлиги боис, улар чиқарган қарорларнинг тенг ярми, қарийб 2000 таси судлар томонидан бекор қилингани, сўнг депутатлар қистови билан мазкур вазифанинг геокадастр ташкилотига ўтказилгани шу соҳада ташланган дадил қадам бўлди. Булардан ташқари, ўнлаб ваколатлар жамоат ташкилотлари ихтиёрига топширилди. Ишонамизки, бундай демократик жараён давом этади.

Чиндан ҳам, мамлакатимизда сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларни ҳаётга татбиқ этишда коррупция тўсиқ бўлаётгани боис жамиятни модернизациялаш жараёнлари қийин

кечмоқда. Иқтисодиётнинг инвестиция киритилган, «пул ишлайдиган», бирмунча «ёғли» тармоқларига ўрнашиб олган «коррупция ҳалқаси» миллий тараққиётимизнинг душмани, жамоат назорати эса уларга қарши курашда ожизлик қилаётгани ҳам айна ҳақиқат. Ўзбекистонда коррупция схемалари, меҳнат қилмасдан тезда бойиб қолиш механизмлари, ишланган усуллари «занжири» узиб ташланмас экан, давлатимизнинг ҳар қандай сиёсий, иқтисодий ислохотини ҳаётга олиб кириш, халқни фаровон қилиш вазифаси қоғозда қолаверади.

Шу ўринда яна бир «муҳим» тоифа ҳақида тўхталиб ўтамиз. Маълумки, 1990-йиллар бошида мустақиллик йўлига ўтган ёш давлатларда модернизациялаш табиий бўлмаган жараёни бошидан кечирди. Барча кўрсаткичлар газеталарда ёзилгандай «силлиқ» эмас, балки нотекис кечаётгани кўпчиликка маълум эди. Чунки давлат бош ислохотчиликни бўйнига олган бўлса-да, уни амалга оширувчи институт бюрократия («бюро»-идора, «кратос»- куч, ҳокимият дегани) қўлида ҳамон қолаётган эди. **Аппаратчи бюрократлар синфи социализм ҳукм сурган эски даврларни кўп қўмсайди, янгиликни унчалик хоҳламайди.** Масалани шу жиҳатдан холис таҳлил қилганда, бюрократиянинг ҳокимиятга «таъсири» коррупционерлардан кам эмаслиги маълум бўлади.

Ўзбекистонда **коррупция ва миллий тараққиёт масаласи – юрт тақдири, мамлакат келажаги учун ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда.** Сабаби, юртимиз аҳолиси бир асрлик мустамлакачилик даврида йўқотилган моддий ва маънавий бойликлар ўрнини қайта тиклаш, иқтисодиётни ривожлантириш, миллий ўзликни асраш йўлида кеча-ю кундуз меҳнат қиладиган замон келди.

Японлар ҳам, хитойликлар ҳам, сингапурликлар ҳам халқ руҳиятини тўла сақлаб қолиш, диний қадриятларни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик мафкурасини халқнинг онгига сингдириш орқали миллий тараққиётга эришган. Биз ҳам шу нурли, эзгу йўлдан юришга муносиб халқмиз.

ТАЪЛИМ ВА МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР²³

Ўзбекистон таълим тизимининг ўзига хослиги нимада? Шахс шаклланишида мактаб, оила ва жамиятнинг ўрни қандай? Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятида қандай эзгу мақсадлар ётибди? Таҳлилларимиз шулар ҳақида бўлади.

Ички оғриклар

Таълим жамиятга шахсни шакллантириб беради. Бу шахс давлат олиб бораётган ислохотлар жараёнларидан хабардор, ҳамқадам ва фаол бўлиши лозим. Шуни билиш керакки, **фуқаро** дунёқараши жамият ва мамлакатда кечадиган **жараёнлардан орқада қолади-ган бўлса**, давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қонунлар «ишламайди», ҳар қандай назорат ҳам кутилган натижани бермайди. Қачонки фуқаронинг дунёқараши ва интилиши амалдаги давлат ҳокимияти фаолиятидан олдинда бўлсагина, миллат ва мамлакат ривожланади, акс ҳолда, тараққиёт бўлмайди, жамият ҳаётида битта жойда депсиниш, турғунлик содир бўлаверади.

Эсимда, 1998 йилда Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил олганимизда, японларнинг JICA агентлиги икки ойлик семинар ўтказиб бўлгач, меҳмонлардан: «Бизда ер ости ва ер усти бойликлари сероб, халқимиз ақлли, тиришқоқ ва меҳнаткаш бўла туриб, нега сизлардай ютуқларга эриша олмаяпмиз», деб сўраганимда, «Муаллимнинг маошини уч баравар кўтарсангиз, ҳам-

²³ <https://xs.uz/uzkr/post/20-masalani-bir-jol-bilan-ishlagan-dan-kora-bir-masalani-20-jol-bilan-ishlagan-afzalroqdir-yokhud-talim-va-millij-taraqqiyot-haqida> Xalq so'zi, 13.10.2020.

маси изга тушиб кетади, ҳатто коррупция ҳам камаяди», деган жавобни олган эдим. Орадан шунча вақт ўтиб, бу гаплар замирида нақадар улкан ҳақиқат мужассам эканини кўрмоқдамиз. Президентимиз Ш. Мирзиёев ташаббусига кўра, мактаб, лицей ва институт муаллимлари маоши оширилиб, жамиятда ўқитувчининг обрў-нуфузини юксалтиришга эътибор қаратилаётгани нақадар тўғри қарор эканлигини англаб етмоқдамиз.

Ҳар бир мамлакатнинг тақдири муаллимга, таълим тизимининг сифатига боғлиқ. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, ўқитувчи – келажак бунёдкори! Илм ва маърифатсиз одам йўлини йўқотиши, орзуларини рўёбга чиқаришига ақли ва тажрибаси етишмаслигини жадид боболаримиз жуда яхши англашган...

Жадидлар ичидан ўтган ички оғриқлар орадан юз йил ўтса ҳамки, миллий ривожланишга тўсиқ бўлиб турибди.

Шахснинг жамиятдаги ўрни

Шахс жамиятда етакчи куч, аммо фикрлай бошла-сагина, у давлатга суянчиқ бўлади. Собиқ шўро тузумида таълимда фан предметлари миқдори ва ўқитувчи савияси талабга жавоб берса-да, мактабнинг мафкура-лашганлиги давлатнинг ўзи каби жадал ўзгараётган тараққиётдан ортда қолганди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин давлат томонидан таълимни ривожлантириш, дунёда ўсиб келаётган эҳтиёжларга жавоб беришига қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди, амалий ҳаракатлар бўлди. Аммо бу соҳада ҳам миллий давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга уйғун ҳолда, кўзланган иқтисодий натижаларга эришиш мураккаб кечганлиги боис, шахснинг ҳар жиҳатдан юксалиши содир бўлмади. Албатта, бу моддий-техника базаси ночорлиги ва собиқ тузумдан мерос қолган психологик муҳит, мактабда ўқитиш усулларининг эскирганлиги билан боғлиқ жараёнлар эди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қарийиб 20 йил эски бошқарув андоза ва шакллари-дан

воз кечиш, демократик қадриятларга мослашиш даври бўлди, десак хато бўлмайди. Хусусий мулкчилик ва шахс эркинлигига берилган имкониятлар истиқлолнинг энг асосий неъматидир бўлса-да, бу ҳуқуқдан ҳам фақат сўнгги йилларда фойдаланмоқдамиз.

2016 йил охирида Шавкат Мирзиёев эркин сайловлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиб, ҳокимият тепасига келганидан сўнг, андоза ва шакллар бугунги замонга мослашди. 2017 йилнинг феврал ойида тарихий ҳужжат – Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди, бу – мамлакатни ривожлантиришнинг такомиллашган модели бўлди. Юртбошимиз фуқаро, шахснинг ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш йўлида дадил қадамларни ташлади. **«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак!»** деган ғоя кўпчиликнинг кўнглидаги узоқ йиллик орзулар эди. «Шахс ким?» деган саволга жавоб топилгандек эди, гўё.

Ҳа, шахс – буюк ислохотчи, жамиятни орқасидан эргаштирувчи, қудратли куч. Агар шахсга рақобат муҳити яратилса, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинса, тадбиркорлик ишларининг ривожини учун ерлар, кредитлар ажратилиб, у ўзини-ўзи моддий ва маънавий таъминлашга ўта бошласа, бундан жамият ҳам, давлат ҳам катта наф қўради. Тўқ яшашни истаган тадбиркор, фермер, муҳандис, қурувчи ҳам, аслини олганда, илм ва маърифат зиёсидан озиқланган, ўқимишли, фикрловчи шахсдир.

Хитой, Япония, Ҳиндистон каби давлатлар илм-фанни тизимли ривожлантириш, интеллектуал мулк билан ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлаш, самарадор ишлайдиган сиёсий тизимни яратиш, очиқ жамиятни қура бошлашга ўтганидан сўнг, инвестиция оқими мамлакатга оқиб кираверди, қарабсизки, 30–40 йилда улар жаҳоннинг илғор мамлакатлари қаторидан ўрин олдилар.

Янгиланаётган Ўзбекистон ҳам ҳозирда шу оқилона йўлни танлаган...

Билимсизлик – ёмонликлар манбаи

Мактаб – билим маскани. Болалик ва ўсмирликда олинган билим умр бўйи инсонга дўст, ҳамроҳ бўлиб хизмат қилади. Илм – шахс такомили, тараққиёт йўли демак. Алломаларимиз ёзишадики, билимсизлик – барча ёмонликлар манбаи, билимсиз инсон ўзига энг катта ёмонликни тилаган бўлади. Бугунги ўқувчи ёки талаба, катта ёшдаги киши сиёсий онги етишган, билимдон бўлсагина, мамлакатда ва жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга холис баҳо бера олади, тўғри хулоса чиқаради ва ўз ҳаётини ўзгартиришга қодир бўлади.

Билимли, маърифатли, кенг фикрли бўлишнинг асосий омили **китоб – баланд чўққини эгаллашга қўйилган нарвондир**. Бадийй, ўқув, илмий китоб ўқиш нафақат дунёқарашни кенгайтиради, балки дунёвий, диний саводхонлигимизни ошириб, ёзма ва оғзаки нутқимизнинг бойишига сабабчи бўлади. Мутолаани яхши кўрадиган, маданиятли киши билан суҳбат қуриш, ўзаро фикр алмашиш барчага завқ, ҳузур бағишлайди. Китоб ўқимайдиган одам ўзининг эмас, атрофдагилар, кўчанинг фикри билан яшайди, бошқалар кўрсатмасига қараб ҳаёти қандай ўтиб кетганини билмай қолади. Ёмон кўчаларга кириб қолиши осон кечади.

Мустақиллик йилларида билим олиш, китобхонлик бобида айрим муаммоларга дуч келганимиз ҳақиқат. Хусусан, мамлакатда юзага келган иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги; одамларнинг маблағи кундалик ҳаёт эҳтиёжидан ортмаганлиги; таълим (мактаб, коллеж, институт) моддий базасининг заифлашганлиги; билимли, тажрибали ўқитувчиларнинг тизимдан бутунлай кетиб қолганлиги; таълимнинг нуфузи анча тушиб кетиши оқибатида ўсмир-ёшларнинг унга эҳтиёжи сўниб, қизиқиши камайганлиги; таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларнинг ривожланмаганлиги; бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бу қийинчиликлар олдида ёшларимизнинг билим олишга қизиқиши сўнганлиги ҳамда кундалик ҳаёт кечириш муаммоларига ўралашиб

қолаётганлиги каби **омиллар** жамият ҳаётига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Бугун мамлакатимизда яна китоб мутолааси маданияти, нашр этиш ва тарқатиш ишига эътибор кучайганлиги замирида ҳам ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш масаласи ётибди. Аммо бизда китоб савдоси тизимининг издан чиққанлиги, мустақил қоғоз саноатининг мавжуд эмаслиги **омиллари ҳам** жадидлар таъкидлаганидек, ноширлик, китобат тизимини заифлаштирди, айниқса, шоирлар, ёзувчилар, танқидчилар, таржимонлар ажойиб ғояларининг китоб ҳолида омма қўлига етиб бормаётганлиги эса ёшлар қалбида она юртини Навоий, Бобурдай чин юракдан севиш, ардоқлаш, жонини фидо қилиш туйғуларини шакллантириш жараёнини кечиктириб юборди.

Бугун таълимга қўйиладиган талаблар

Олимларнинг таъкидлашича, кишида бешта қобилият: кўриш, гапириш ва эшитиш, сезиш, диққат қилиш, фикрлаш яхши шаклланган бўлмоғи лозим. Бунда фикрлаш ақлий меҳнатнинг бешинчи омили бўлса-да, у олдинги тўртта омилнинг бирга ишлашини таъминлайди. Бизнингча, мактаб муаллимининг асосий вазифаси ўқувчиларда фикрлаш санъатини ўргатиш, уни тезроқ шакллантириш бўлиши даркор. А Эйнштейн айтганидек, **йигирма масалани бир йўл билан ишлагандан кўра, бир масалани йигирма йўл билан ишлаган афзалроқ**. Фикрламайдиган бола улғайса, ўз йўли ва мақсадига эришмоғи қийин кечади, чунки **фикр – инсон ботиний (ички) қиёфаси акс этадиган кўзгу!**

Фикрсизлик – маънавий ўлим! Фикри йўқ одамнинг қиёфаси бўлмайди. Фикр йўқ жойда оломонлик ва жоҳиллик кўпчийди. Бу фикримизга дунёда бўлиб ўтаётган фавқулудда ҳолатлар гувоҳлик бериб турибди. Энг ёмони шуки, ўқимаган, фикрлашни хоҳламаган кишининг фарзандлари ва авлодлари ҳам шундай ҳолга тушиши мумкин. Ўзбек мактаб тизимининг энг муҳим камчилиги кундалик ҳаётимизда ёшлар ўртасида мустақил фикрига эга

бўлмаганларнинг пайдо бўлаётгани ҳодисаси. Бу ҳолатдан қутулиш учун боғча – мактаб – университетда «Тафаккур устахоналари» тизими ишлашининг тарафдоримиз.

Жамиятда фикр бўлсагина, у янгиланади. Қотиб қолган ёки бир хил қолипдаги қарашлар ва фикрлар билан яшаш бир куни жамиятни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий таназзулга етаклайди. Европа тараққий этишдан олдин унинг фикри ва санъати, фалсафаси тараққий этган, у ижтимоий фикрга туртки ва қувват берган, хилма-хил «ўзлик»лар орқали хилма-хил ғояларга йўл очилган. Бу ғоялар ичида иқтисодий, техникавий, илмий ғоялар, жумладан буюк ихтиролар анчагина бўлиб, Европа уни амалга оширишга имконият туғдирган.

Европаликлар билим, маърифат, тенглик, фидойиликни ҳаётда устувор билган ва унга амал қилган ҳолда, Шарқ халқлари илм-фани билан озиқланиб, XVI асрлардан кейин тараққий эта бошладилар. Биз эса илм мактаблари яратган ўлкадан хом ашё етиштирадиган камбағал мамлакатга айландик. Нега бундай бўлди, деган ҳақли савол туғилади. Жавоблар ҳаддан зиёд кўп, аммо...

Муаммо соҳа тизимида экан

Бизнинг иқтисодий тараққиётдан орқада қолишимизга асосий сабаб таълим тизимидаги камчиликдир. Бунинг устига, глобллашув шароитида яна бир маънавий хавф-хатар исканжасига тушиб қолмоқдамиз. Тахминан XXI аср бошига келиб, ўлкамизга интернет ёрдамида «оммавий маданият» ва оммавий тафаккурнинг ёпирилиб келиши миллий таълим ва тарбия ишини туб моҳиятидан чалғитди. **Ҳақиқий маънавият, адабиёт, санъат, илм ўрнини шоу-бизнес тафаккур тарзи эгаллай бошлади.** Телевидение, интернет, ижтимоий тармоқлардаги енгил-елпи, савиясиз оломонга мўлжалланган, пул тўплашдан бошқа мақсади бўлмаган «сохта маданият» шу кунгача ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий ғурур, дид ва фаросатимизни ўтмаслаштириб қўйди. Бундан, айниқса, билим

ва маърифати заиф ёшларимиз кўпроқ маънавий жабр кўришмоқда...

Глобаллашув ота-оналарни ҳам ўз қомига тортмоқда. Профессор С. Отамуродовнинг уқтиришича, ҳаёт суръатларининг бекиёс даражада тезлашуви бўлган глобаллашув бир томондан, инсоният интеллектуал салоҳияти тараққиётининг янги босқичи бўлиши билан ижобий жараён бўлса, иккинчи томондан, ривожланаётган ва кам тараққий қилган миллатларнинг юксак тараққиётга эришган миллатларга боғланиб қолишига олиб келаётган салбий жараёндир. Миллий кино, миллий адабиёт, хусусан, боғча, мактаб тизими у қадар ривожланмаганлиги боис Ғарб мафкураси турли йўллар, усуллар билан болалар-у ёшларни, ҳатто катталарни ўзининг қизиқиш доирасига тортди. Хорижий филмлар мафкураси миллий мафкура ва фикрлаш тарзимизга унчалик тўғри келмаслигини яхши билсак-да, оилавий можаролардан иборат фильмлар (шахс дунёқарашини бойитадиган бадий бакувват киноленталарни Европага, саёз фильмларни эса бизга «туҳфа» этилади) доимий истеъмолчисига айландик қолдик.

Мактаб ўқитувчиси ва оналар ҳам енгил-елпи кино-сериалларни ўта қизиқиш билан кўргач, ўқувчи ва фарзандининг кўнглига, раъйига қарши борадими? **«Ҳар бир оила ўз фарзандларини ҳар қандай мафкуравий тажовузкорликдан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриши керак»**, деган эди буюк қирғиз адиби Чингиз Айтматов²⁴. Демак, бу борада жамиятда маънавий «бўшлиқ» вужудга келганлигидан кўз юма олмаймиз.

Нобел мукофоти соҳиби бўлиш учун нима қилмоқ керак?

Жадид бобомиз Абдулла Авлоний бундан юз йил муқаддам жамиятдаги ҳолатни шундай баҳолаган: **«Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва**

²⁴ Айтматов Ч., Шохонов М. Чўққида қолган овчининг оҳизори (Аср адоғида айтилган истиғфор). Н.Боқий, Ё.Хўжамберди тарж., – Т.: Шарқ, 1998. –Б. 68.

таълимни, ҳунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлай-дурғондурсиз? Йўқ, бу фикрингиз янглиш... Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб қизлариға мол қилмакни яхши кўрурлар».

Японларда ва (уйғунлик) тушунчаси бор. Мамлакатда **1868 йилда илк сиёсий модернизация (янгила-ниш) «япон руҳияти – Ғарб техникаси» (вакон-ёсай) шиори остида кечди.** Бунда «вакон» анъанавий маданият, маънавий қадриятга боғланиб дунёни идрок этиш, «ёсай» – замонавий маданият, цивилизация маъносини англатади. Япон прагматизмининг бошқалардан фарқли жиҳати шуки, анъанавий миллий қадриятларни сақлашади, эҳтимолий ҳалокатларни эҳтиёткорлик билан четлаб ўтиб, янгиликларни қабул қилаверади. Аҳолининг янгича шароитга мослашиш қобилияти бошқа цивилизация унсурларини яхши ўзлаштириши, уларни ўз миллий қадриятларининг таркибий қисмига киритиши билан фарқланади. Улар 1950 йилларда Европа ва АҚШ технологияларини ўзлаштириш бараварида, миллий руҳиятини сақлаган ҳолда, Ғарб мамлакатларини иқтисодиётда қувиб ўтишди. Бундай кўрсаткичлар илдизиди илм-фан ва технология уйғунлиги ётади. Хитойлар ҳам, корейслар, немислар ҳам фақат илм, маърифат йўли билан қоқ давлатдан бой давлатга айландилар. Таълим тизими ҳам уларни қутқариб, энг юқори даражага олиб чиқди. Эртанги кун билимни чуқур эгаллаган жамиятларники! Биз ўзбеклар ҳам эътиборимизни илм-фан, таълим тизимининг ривожланишига қаратишимиз керак.

«Ўзбеклардан ҳам Нобел мукофоти совриндорлари чиқиши мумкинми», деган саволга келсак, бунинг учун **илмга, илмиларга, ўқитувчиларга кучли рағбатлантириш тизими яратилиши** лозим. Юртимизда илк марта ташкил этилган Президент мактаблари, ижод мактаблари, халқаро математика ва физика мактаблари битирувчилари ичидан чиққан билимли, ғайратли ёшлар қўллаб-қувватланса, ҳокимиятга олиб келинса орзу-ниятларимиз амалга ошади, деган умиддамиз.

Ривожланиш заминида маърифат ётади

Миллатимиз нимага эришса ёки қайси жабҳада оқса-са, унинг илдизиди маърифат ва таълимнинг тараққиёти ёки оқшаи ётади. Шу боисдан Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг, таълим ва тарбия борасида ўзгаришларни амалга оширишни бошлади. Бунинг сабаби маълум: **мактаб, университет – жамият устуни!**

Кейинги йилларда жаҳонда ва Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш, уни тубдан қайта ўзгартиришда аниқ йўналишлар пайдо бўлди. Уларнинг **биринчиси**, таълимни тубдан демократлаштириш; **иккинчиси**, узлюксиз таълим ғояси, сўнг «таълим – бир умрга» ғоясини «таълим – бутун умр давомида» ғоясига алмаштириш; **учинчиси**, у нафақат мутахассис тайёрлаш, балки жамиятга онгли, фидойи инсонларни етказиб бериш воситаси; **тўртинчиси**, таълимнинг глобаллашувига эришиш; **бешинчиси**, таълимни ахборотлаштиришдир. Ана шу эзгу мақсадларга қадамба-қадам эришиб борилмоқда.

Таълим соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган, шунингдек, у миллатни асраш масъулиятини ўзиммасига олган тизим. Бу борада юртимизда сезиларли қадамлар ташланди. Мисол учун, 2019 йил 1 сентябрда очилган Президент мактабларидан кўзланган мақсад таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаш орқали иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитиш тизимини шакллантириш, маънавий бой ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш кафолатларини таъминлашдан иборат. Республиканинг 14 ҳудудида биттадан очилаётган ушбу мактабларга умумтаълим муассасаларининг тўртинчи синф битирувчилари орасидан қобилиятли ва иқтидорли болалар танлов асосида қабул қилинади. Президент мактабларига қабул Кембриж университети имтиҳон кенгаши (Буюк Британия) томонидан ўтказилади.

Дунё тажрибасидан маълумки, Америка, Ғарбий Европа ва Жануби-Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатлари

ўз тараққиётида, биздан фарқли равишда, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги, трансформация жараёнлари ўзаро боғлиқликда амалга оширилади. Масалан Германия – узоқ асрларга бориб тақалувчи илмий мактаблари, Гёте, Гегел, Бетховен, Нитше, Франция эса Балзак, Виктор Гюго, Стендал сингари ижодкорлари билан машхур.

Юртимизда ҳам довруғ ёйган билим, маърифат масканлари анчагина. Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги математика лицей-мактаби шулар жумласидан. Неча йилдирки, мазкур мактабда таҳсил олган абитуриентларнинг 90 фоизи талабаликка қабул қилинади. Шу ўринда, **«Нега Қоракўл мактабидан 90 фоиздан ортиғи олий ўқув юртларига киради-ю, бошқа мактабларда бу кўрсаткич 45 – 50 фоизни ташкил қилади»**, деган ўринли савол туғилади. Бизнингча бунинг сабаблари ушбулар. **Биринчидан**, мазкур ўқув даргоҳига адолат принципига таяниб, ўқувчилар қабул қилинади ва таниш-билишликка йўл қўйилмайди; **иккинчидан**, дарслар Буюк Британия, Россия, Сингапур каби илғор мамлакатларнинг таълим дастурларига асосан ишлаб чиқилган аниқ фанлар бўйича махсус дастурлар асосида ўқитилади; **учинчидан**, республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиблари бўлган малакали тренер-ўқитувчилар фаолият юритади. Улар умумтаълим мактабларининг 5–11-синф ўқувчиларини математика, физика ва кимё фанларидан шаҳар, республика ҳамда жаҳон миқёсидаги фан олимпиадаларига, Президент мактабларига тайёрлашади. Ҳозирги кунга қадар мактаб ўқувчилари нуфузли жаҳон фан олимпиадаларида 2 та олтин, 8 та кумуш ва 10 та бронза медалларни қўлга киритишди. Муҳими, меҳнати ва кўрсаткичига қараб, ўқитувчиларга катта мукофот топширилади; **тўртинчидан**, ютуқларнинг яна бир калити ўқув марказида ўқувчилар ва абитуриентларнинг билимларини назорат қилиш бўйича мунтазам мониторинг ва тизимли таҳлил йўлга қўйилган бўлиб, баҳолашда коррупция ҳолати юз бермайди.

Яқинда шу **қутлуғ даргоҳга Халқаро математика мактаби** мақоми берилганини эшитиб, роса қувондим.

Мен тажрибадан яхши ўтган, шаклланишга улгурган мазкур тизимнинг тажрибасини аниқ фанларга ихтисослаштирилган республикадаги мактабларга қўлланилишини таклиф этган бўлардим.

Замонавий даражага кўтариш имконияти

Бадиамиз бошида айтганимиз – япониялик мутахассислар бундан 20 йил олдин Тошкентда орзу қилган вазифа ниҳоят рўёбга чиқмоқда: муаллимнинг иқтисодий муаммоси ҳал этилиб, ойлик маоши бирмунча ошмоқда. Ўқитувчи ўқувчининг барча қизиқиши, салоҳиятини кўра биладиган ва юксалиши учун бор кучини берадиган жамиятдаги етакчи шахсга айланмоқда. Унинг вазифаси – болага чуқур билим бериш, ўқувчиларни индивидуалликдан маҳрум қилмаслик ва шахсий фикрга эга бўлишини ман этмасликдир.

Тўғри, бугунги пандемия шароитида таълим соҳасида кескин ўзгариш қилишнинг имконияти йўқ. Аммо бизнингча, вазият юмшагандан кейин олий ўқув юртларида **ўқитишнинг сифатини юксалтириш учун бир қатор вазифаларни адо этишнинг тарафдоримиз**. Жумладан: ўзлаштирмаган талабани курсдан курсга қолдириш, имтиҳонни (баллни) топширолмаган талабанинг ҳар бир ўзлаштирмаган фани учун расмий пул тўлашини таъминлаш; талабанинг эрталаб соат 9 дан то соат 17 гача олий ўқув юртида бўлиб, кутубхонада ўз устида тинимсиз ишлаши учун шарт-шароитни яратиш ва бошқалар. Булар ҳаммаси соҳада коррупциянинг кескин камайишига олиб келиши мумкин.

Таҳлиллар ва тажрибамиздан келиб чиқиб, таълим тизимини такомиллаштиришга оид қуйидаги таклифларни ҳам билдириб ўтмоқчимиз: **биринчидан**, моддий базани кучайтириш; **иккинчидан**, ўқитувчининг моддий фаровонлигини таъминлаш, нуфузини янада ошириш; **учинчидан**, жамиятда зиёли аҳлининг обрў-эътиборини кўтариш, хусусан, хорижга кетиб қолишларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва

амалиётга киритиш; **тўртинчидан**, хусусий таълимни ривожлантириш учун имкониятларни яратиш; **бешинчидан**, ўқувчи ва талабага билим бериш, ўқитишда асосий мезон сифатида тизимни мустақил фикр юритишга йўналтириш; **олтинчидан**, таълим тизимини замонавийлаштиришда миллийликнинг барбод бўлишига олиб келмаслигини таъминлаш стратегик вазифамизга айланиши лозим.

Халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этади

Президент 2018 йилда «иқтисодиёт шиддат билан ривожланаётган бир пайтда, олий таълим тизими тараққиётнинг локомотиви бўлиш ўрнига, замон билан ҳамқадам бўлмаётгани ачинарлидир», деб тизимни кескин танқид қилган эди. Шундан сўнг, таълимда сезиларли ислохотлар амалга оширилганига қарамасдан, **илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграцияси йўналишида ишлар охирига етказилмай қолди**. Янги очилган Инновацион ривожланиш вазирлиги якка ўзи йирик саноат, ишлаб чиқариш, хизматлар соҳасига ихтироларни жорий этиш билан боғлиқ бу оғир масалани ҳал қилишга кучи етмади.

Мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси, Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилингани, парламент устуворлигига эришиш йўлида қадамлар ташлангани, вазирлик, ҳокимлик тизимларининг функциялари нодавлат ташкилотларига оширилаётгани жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Шу ўринда, мазкур сиёсий ҳужжатларнинг асосий ижрочиси бўлган халқимизнинг демократик асосий тушунчаларни, бозор иқтисоди тамойилларини қабул қилишга тайёргарлик даражаси ҳолати ҳақидаги чуқур таҳлилий маълумотларга эҳтиёж туғилмоқда. Аниқ маълумотлар келгуси ислохотлар режасини пухта ишлаб чиқишда жуда асқотади, деган фикрдамиз. Бизнингча, узоқ йиллардан буён фаолият олиб бораётган **«Ижтимоий фикр» республика**

жамоатчилик фикрини ўрганиш марказига муқобил бўлган марказлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Мамлакатимизда барча соҳада кечаётган жадал ўзгаришлар билан бир вақтда, фуқароларимиз онги, дунёқараши ва хатти-ҳаракатларида шаклланаётган янгича қарашлар, ўзгараётган Ўзбекистондаги янги босқичларнинг имкониятлари ана шундай институт ва марказларни ташкил этиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бу давр талаби, жамиятнинг эҳтиёжи.

Фуқаро – жамият – давлатнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаштириш бобида соҳибқирон Амир Темурнинг илм-фан, маърифатни ривожлантиришга доир инқилобий ислохотлари моҳиятини илмий ўрганиш, хулосалар чиқариш йўналишида ҳам қиладиган ишларимиз талайгина. **Республикамизда Амир Темур меросини ўрганиш илмий-амалий маркази ташкил этилиб,** бу тадқиқотларнинг натижаси ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда қўлланилишига эришсак, жамият ва фуқароларимиз ижтимоий фаолиятида маънавий-руҳий уйғониш, келажакка ишонч кайфияти пайдо бўларди.

Оққан дарё оқаверади

Кейинги йилларда умумтаълим, ўрта махсус ва олий таълим тизимида сезиларли ижобий ўзгаришлар юз берганидан кўз юмолмаймиз. Давлатимиз раҳбари қарорига биноан, мактабгача таълим тизими янгитдан шакллантирилгани, мактаб, академик лицейлар фаолияти такомиллашгани, хорижнинг олий ўқув даргоҳлари очилиб, олий таълимга қабул квоталарининг ошгани, устоз-мураббийлар моддий ва маънавий рағбатлантирилгани жамиятда муаллимнинг обрўси ҳамда нуфузини ошириб юборди. Шунингдек, атоқли шоир-ёзувчиларнинг ижод мактаблари, Президент мактаблари, Тошкент марказида Адиблар хиёбони ташкил этилди. Жамият ҳаётида янгича қарашлар, ўзига хос ёндашувлар шаклланмоқда. Масалан, умумий ўрта таълим босқичида касбга ўргатиш тизими меҳнат бозори талабларига

мослаштирилди. Олий таълимда ҳам назария ва амалиёт бирлигига эришиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш борасида ҳаракатлар бошланди. Пировардида, ушбу ташкилий-ҳуқуқий ишларнинг натижаси Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотида тезроқ намоён бўлиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилажасига ишонамиз.

«Мен Сингапурда мўжиза яратмадим. Мен фақат Ватаним олдидаги бурчимни бажардим, холос. Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим,—дейди Сингапур бош вазири Ли Куан Ю. — **Муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги энг юқори мартабага кўтардим. Давлатдаги «мўжиза»ларни қилган инсонлар муаллимлардир.** Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган, камтар авлодни етиштириб чиқардилар. Бунинг учун улардан миннатдормиз!»²⁵. Ҳа, Ли Куан Ю (1923-2015) дунё этироф этган буюк давлат арбоби ва ислохотчи эди.

Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати. Таълим тизимининг ўзида минглаб ислохотлар, буюк ўзгаришлар навбат кутиб ётибди. Мамлакатимиз Марказий Осиёда «таълим марказ»ларидан бири бўлишга даъвогарлик қилмоқда. Бунинг учун халқаро рейтингларга кирган университетларимиз қани? **Республикамизда илмий натижаларни, ихтироларни тижоратлаштиришнинг самарадор механизми нега яратилмаган?** Биргина ИМ омилининг ўзиёқ, ОТМларга қўшимча қўплаб маблағларни топиб келтириб, университетлар, Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтларининг иқтисодий имкониятини ошириши мумкин. **Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқи бозори** (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, шунингдек, кино, адабиёт ва санъатга оид муаллифлик ҳуқуқи эгаларига сотилган, телеефирга узатилган маҳсулотларига доимий ҳақ тўлаш) **ҳам шаклланмаган.** Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига киришининг талабларидан бири – муаллифлик ҳуқуқига эгаликни таъминлашдан иборат. Бу борада қўшнимиз Хитой ёки

²⁵ <http://Tafakkur.egalari.uz> 2021 йил 24 февраль..

исталган давлатларнинг бой тажрибасини ўрганиб, ўзимизда қўллашга нима халақит беради?

Бугунги кунда **анъанавий унсурлар ва инновацияларни, ўзбек руҳияти ва Ғарб технологияларини ўзида бирлаштирган янги мамлакат қиёфасини шакллантиришдек вазифа олдимизда турибди.** Ушбу модернизация жараёнида шахс ҳаракатлантирувчи, етакчи куч, локомотив бўлиб хизмат қилишини унутмайлик. Энг муҳими, мамлакатимизда жамиятнинг устувор тармоқларида йирик қадамларни ташлашга, ота-боболаримизнинг шавкатини тиклаш учун кўплаб имконият мавжуд. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқнинг, мамлакатнинг буюклигини тараннум этадиган жиҳатларимиз кўп. Аввало, жаҳон андозасига жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрловчи **мукаммал таълим тизимини барпо этиш учун Хитой, Япония, Сингапур, Малайзия давлатларининг таълим тизими тажрибасини ўрганадиган Илмий-амалий марказларнинг ташкил этилиши бу борада улкан қадам бўлади, деб ҳисоблаймиз.**

«Оққан дарё оқаверади», деган ҳикматда гап кўп. Кўп асрлик танаффусдан кейин буюк алломаларни вояга етказган қадимий ўлкамиздан яна Самарқандийлар, Хоразмийлар, Бухорийлар, Термизийлар, Насафийлар етишиб чиқишига ижодий замин ва муҳит яратиш вақти келди.

ТИЛ – МИЛЛАТ РУҲИ ДЕМАК²⁶



«Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябр – Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз», деди Юртбошимиз. Аслида, ушбу тадбирга сабаб – давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрда «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекилганлиги бўлди.

2020 йил 23 сентябр куни мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади. Президентимизнинг ўз маърузасини она тилимизда баён этиши юз йиллик тарихимиздаги нафақат ижтимоий, балки чуқур сиёсий ҳодисага айланди. Моҳият-эътибори билан бу нутқ миллий давлат барпо этиш йўлидаги ҳаракат ортга қайтмас эканлигини билдиради. Бундай чиқишлар эса давлат ва миллатнинг энг олий нишони бўлган она тилимизнинг қадрини янада баландга кўтаради. Юксак минбарларда она тилимизда сўзланган маъруза нафақат Ўзбекистонда, балки бутун турк дунёсида улкан воқеа сифатида илиқ кутиб олинди. Ҳа, она тили ана шундай залворли, забардаст, қудратли кучга эга, у миллионлаб қалбларни жунбушга келтиради, инсонда миллий ифтихор ва ғурур ҳиссини уйғотади.

²⁶ [http://xs.uz/uzkr/post/millat-ruhi-va-zhamiyat-ujgoqligi-kozgusi/Xalq so'zi](http://xs.uz/uzkr/post/millat-ruhi-va-zhamiyat-ujgoqligi-kozgusi/Xalq-so'zi), 20.10.2020

Давлат тилини асраш-авайлаш ҳар бир миллатнинг ҳам қўлидан келмайди. ЮНЕСКО томонидан нашр қилинадиган «Йўқолиб кетиш хавфи арафасида турган жаҳон тиллари атласи»да ёзилганидек, Европада 50 та, Тинч океани минтақасида 200 та тил йўқолиб кетиш арафасида турибди. Африкадаги 1400 та тилдан 250 таси яқин йилларда, 600 таси келажакда бутунлай йўқолади. Лейпсиг университети профессори, атоқли лингвист Балтазар Бикелнинг сўзларига кўра²⁷, Кавказда атиги 3-4 киши сўзлашувчи тиллар бор. Лейпсигда бўлиб ўтган лингвистларнинг халқаро анжуманида кам сонли халқларнинг тиллари йўқолиб кетишига глобаллашув жараёни айбдор, деган хулосага келинди.

Қонун жиддий ўзгаришга учраганми?

Таниқли шоир, олим Мирзо Кенжабекнинг таъкиди-ча, у Президент девонида ишлаган кезларида Давлат тили ҳақидаги Қонунни тайёрлаш ҳайъатининг аъзоси бўлган. Машҳур олим, раҳматлик Эркин Юсупов раис, Бахтиёр Назаров, Акмал Саидов каби олимлар фаол аъзолардан эди. «Лекин ҳозир биз амал қилаётган қонун 1989 йилда қабул қилинган Қонун эмас, балки 1995 йилнинг 21 декабрида деярли «яширин» услубда ўзгаришга учраган янги таҳрирдаги Қонундир», деб ёзади у.

Давлат тили ҳақидаги Қонун талабларини амалга ошириш борасида хайрли ишлар қилинган, яхши натижаларга эришилган бўлса-да, Қонун амалиётида анча сусткашликка йўл қўйилаётгани бош сабаби аслида шошилиш, яширин ўзгаришларнинг қилингани билан изоҳланади:

Биринчидан, давлат тили ҳақидаги 1995 йилда ўзгартиришлар киритилган Қонунда ўзбек тилини ўрганиш заруриятини белгилайдиган ёки унга рағбатни оширадиган бирорта банд мавжуд эмас. Қонунга кўра, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эга. Бу ўзбек тилининг жа-

²⁷ <http://ru.knowledgr.com/11437367/BalthasarBickel>

миятда ҳеч қандай зарурияти йўқ, дегани. 1995 йилги Қонунда Ўзбекистон фуқароларининг давлат тилини билиши, ўрганиши шартлиги бирор нуқтада қайд этилмаган. Шунингдек, бирон давлат идорасига ишга кириш ёки расмий тайинловларда давлат тилини билиш шarti белгиланмаган. Қисқаси, бу ифодалар бошқарув соҳасида ва расмий муомалада урф бўлган рус тилининг мавқеини мустаҳкамлаб, расмийлаштириб берган.

Иккинчидан, турли маъмурий идора ва муассасалар она тилимизнинг тўлиқ, чиройли ҳолда жорий бўлишига лоқайдлик билан қараб келишади. Жумладан, ички ишлар соҳаларида давлат тилига эътиборсизлик учраб турибди. Турли ташкилотлардан аҳолига келадиган огоҳлантириш ёки қарзни тўлаш ҳақидаги таҳдидли хатлар йигирма йиллардан бери асосан рус тилида жўнатилади.

Учинчидан, четдан кираётган сўз, атама ва истилоҳларни ишлаш бутунлай бўшашиб кетган, кейинги йилларда буткул тўхтаб қолган. Сўзлар тақдири – сўз, атама, истилоҳ, мафҳум ва муъламани теран англамайдиган, ҳис этмайдиган кишилар қўлига ўтиб кетди. Ҳеч бир қонун Давлат тили ҳақидаги Қонундек беқадр бўлмаган²⁸

Кўплаб раҳбар шахсларнинг нутқи, гапириши ўзбекча бўлса-да, лекин тафаккур тарзи русча эканлиги кўзга ташланади. Айрим муаммоларни юзага келтираётган **дардли масалалардан бири фикрлаш, тафаккур тарзининг орқада қолиши билан боғлиқ жараёндир.**

1989 йил 21 октябрда қабул қилинган Давлат тили тўғрисидаги Қонун «янги таҳрир»га учраган бўлса-да, қонундан халқимиз, миллатимиз ҳаёти учун сув билан ҳаводек зарур бўлган моддаларнинг чиқариб ташланганини қандай тушуниш мумкин? Далилларга юзланайлик: аввалги Қонуннинг 1-моддасида давлат тили ўзбек тили эканлиги белгиланиб, «Ўзбекистон Республикаси ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таъминлайди» де-

²⁸ <https://uza.uz/uz/posts/parchalanmas-bir-diyer-zbek-tili-11-11-2019>.

ган банд бўлган. 1995 йил 21 декабрдаги Қонунда бўлса, мазкур модда олиб ташланган. **4-моддада:** «Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини башариш учун **давлат тилини за-
рур бўлган даражада билишлари лозим»** деб ёзилган. «Янги таҳрир»да бу банддан воз кечилган. Ўзбек тилининг нима учун 30 йил ичида анча хароб аҳволга тушиб қолганининг сабабларидан бири шу бўлса ажаб эмас.

Буни қарангки, 1989 йил 21 октябрдаги Қонуннинг 16-моддасида **«Араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзуви»ни ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўргатиш**, уни «ўқув фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади» деб ёзилган ва «бунинг учун илмий-педагогик кадрлар тайёрланиши», бу ёзувда «ўқув қўлланмалари китоблар, газета ва журналлар нашр этилиши» **белгиланган. 1995 йил 21 декабрдаги Қонунда ушбу модда таг-томири билан йўқ қилинган.** Халқни ўз аслиятидан узоқлаштиришга, қадимий манбаидан маҳрум этишга қандай қилиб журъат этишди экан?!

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (2019): «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштирган ҳолда, унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин» деб кўрсатилган. Олимларимизнинг уқтиришича, янги таҳрирдаги бўлажак Қонунга ўзбек халқининг ўн икки-ўн тўрт асрлик маънавий-маърифий, илмий-маданий ва бадий хазиналарини ўзида жамлаган араб алифбоси асосидаги қадимий ўзбек ёзувини ўргатиш масаласи ҳам тикланиши керак. Сабаб? Ҳозирги кунда Абу Райҳон Бериуний номидаги илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар хазинасида ўн минглаб ноёб дурдона манбалар ўрганилмай эгасини кутиб ётибди-да.

Жаҳон тарихида ҳеч бир миллат ёзув борасида ўзбек халқидек буюк мусибатга учрамаган. Бу қадимий халқ

XX асрда уч марта имло инқилобини бошидан кечирди. Араб ёзуви VIII асрдан бошлаб XX асрнинг 1929 йилигача, эски туркий (ўзбек) ёзуви сифатида XI асрдан 1929 йилгача, демак, араб ёзувида 12 аср, эски туркий ёзувида 10 аср қўлланилган. Халқимизнинг жаҳон тарихидаги энг шарафли, ўлмас илмий-иждодий асарлари шу ёзувда битилгани ҳақиқат. **Имло – миллатнинг тақдири, тарихий мероснинг тили ва келажакнинг пойдевори!** Энди навбатдаги хатога йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Миллат ҳаётини, таълим тизимини тажриба, синовларга сарфлаб, асл мақсаддан чекинмаслик лозим.

Бугунги кунда Алишер Навоий асарлари луғати, Бобур асарлари луғати, Машраб шеърояти, Абдулла Қодирий асарлари луғатини тартибга келтириш фурсати етиб келган. Фикримизча, ўзбек тилининг имло луғати ва изоҳли луғатини буткул қайтадан тузиш, унда Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий иждодидан тортиб то бугунги кунгача бўлган сўз хазиналарини жамлаш даркор. Луғатларнинг ҳаммасини янгича руҳ ва қарашлар асосида тузиш, бу эзгу ишларга истеъдодли ва илмли ёш олимларни жалб этиш керак.

Муаммолар ўзимизники, уни ечиш ҳам қўлимизда

Юқоридаги муаммолардан англашимизча, ўзбек тилига давлат мақоми берилгандан кейин орадан 30 йил вақт ўтса ҳамки, она тилимиз том маънода ўз мавқеига, юксак мақомига эга бўла олмади. Нега бундай бўлди, деган ҳақли савол туғилади.

Биринчидан, Қонун талабига кўра, давлат идораларида ишлаб ўзбек тилини билмайдиган бошқа миллат вакилларига давлат тилини ўзлаштириши учун берилган муддат ўтиб кетганига қарамасдан, давлат тузилмаларида ўзбек тилини билмайдиганлар ҳамон бемалол ишлашмоқда.

Иккинчидан, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида адабий тилда эмас, балки шевада гаплашиш одатга айланиб бормоқда.

Учинчидан, кўчаларда, оммавий жойларда, савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилмоқда. Ҳар хил афиша, реклама, эълонлар бошқа тилларда ёзилиши ҳолатлари ҳар қадамда учрайди, шунингдек, давлат тилида ёзишларда кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Соф адабий тилда биронта фикр уйғотувчи шиор, чақириқларни кўрмаймиз.

Биз тилимизга давлат мақоми берилган 21 октябр кунини ҳар йили қандайдир чора-тадбир ўтказиш билан чекланаямиз, амалда тилимиз ривожига эътиборсиз, лоқайд бўлиб бормоқдамиз. Тил миллатнинг асосий атрибути бўлиб, унга аҳамият бермаслик миллатга, элга бефарқликдир. Ўз миллатини, юртини эъзозлаган ҳар бир киши она тилини улуғлайди. **Миллий ғурури бўлган инсон ўз она тилида равон сўзлаша олиши ва ёза билиши шарт.** Қанча кўп тил билсангиз, шунча яхши, лекин биринчи навбатда она тилини яхши билмоқ зарур, яъни бошқа тилларни билишимиз ўз она тилимизни камситиш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Давлат тилининг эътиборсиз қолаётганлиги боиси шуки, тирикчилик ташвишлари ва бошқа омиллар таъсирида ёши катталар, хусусан, ёшларимиз орасида китоб ўқишга, илм олишга иштиёқ сусайди. Китоб, газета, журнал мутолаа қилмаган инсоннинг тил бойлиги чекланиб, у маиший даражада ишлатиладиган сўзлардан нарига ўтолмайди. Билимли, маърифатли, кенг фикрли бўлишнинг асосий омили китоб. Бадий, ўқув, илмий китобларни ўқиш нафақат дунёқарашни кенгайтиради, балки дунёвий, диний саводхонлигимизни ошириб, ёзма ва оғзаки нутқимизнинг бойишига олиб келади.

Бугунги кунда русча сўзларни ишлатиш таомилга кириб бормоқда. Атоқли олимлар, адабиёт арбоблари, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг таъкидлашича, она тилимизда яхши андозаси бўлган баъзи сўзлар хорижий номида таомилга киритилмоқда: департамент – бошқарма, идора, бирлашма; комиссия – ҳайъат, коммуникация – жамламоқ, боғламоқ, хабар алмашув (жараёни); концепция – мақсадлар низоми, мақсадлар таркиби, йўналишлар

тизими, қоидалар тизими; монитор – кузатувчи, огоҳлан-тирувчи; мониторинг – кузатув; мораторий – тўхтатув, камайтирув; орган – идора, муассаса, ташкилот (давлат идоралари, давлат муассасалари); термин – атама, истилох; штат – иш ўрни (ишўрни), хизмат ўрни. Рўйхатни ис-таганча давом эттириш мумкин. Ҳамма гап бошқа маъно келиб чиқиши ва ўша сўзларнинг халқимиз онгига сингиб кетишидан сақланишдан иборат.

Тил тараққиётидаги муаммо ва зиддиятлар Евроосиё минтақасидагина эмас, балки дунёнинг кўплаб мамла-катларида учрайди. Ҳозирда қандайдир ноодатий ше-вада, яъни охиригача ўрганилмаган ўзбек тили, ёддан чиқиб бораётган рус тили, рекламалардаги инглиз тили ва ахборот-технологиялари виртуал тилида сўзлашув-чи кишилар тоифаси пайдо бўлмоқда. Она тилига бўл-ган ҳар қандай ижобий ёки салбий муносабат муқаррар равишда миллий ғурурга, менталитетга сезиларли да-ражада таъсир этади. Агар **она тилига эътибор сусая бошласа, ўзига хос нигилизм** (лот. нигил – «ҳеч нима» – *мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормалар-ни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш*) **куча-яди**, ёшлар ўз аجدодларининг маданий-тарихий меро-сини аста-секин унута бошлайди, кишиларнинг онгида аста-секин номукаммаллик туйғулари бош кўтаради.

Энг даҳшатлиси, тилни йўқотиш ёки нуфузини пасай-тириш туфайли миллатнинг генетик коди ҳам ўзгара бошлайди.

Ўзбек тилини юрт фуқаролари билиши зарурми?

Мамлакатда яшаган барча миллат, элат фуқаролари ўз-бек тилини, маҳаллий халқнинг адабиёти ва санъатини, бой тарихини, илмий меросини билиши бугунги даврнинг талаби. Бунинг акси бўлса-чи? Унда неча йиллаб нони, ту-зини еган ерлик аҳолига, миллат шаънига қайси маъно-дадир беодоблик, ҳурматсизлик қилинганини билдиради. Ахир, Америкага, Германияга бориб яшаётган турк, ҳинд, хитойлик, эронлик иш фаолияти юришиб кетишини ис-

таган ҳолда, инглиз, немис тилларини махсус ўрганади-ку. Ёки нотўғрими? Назаримизда, бугунги талаб ва инсоний эҳтиёжларни (қонун ва идора ҳужжатлари бунга имкон қолдирмагани учун биз шу туйғуни шакллантира олмаёпмиз) чуқур ўрганиб, давлат тилини билмаганлар учун тил ўргатиш курсларини бепул ташкил этишимиз лозим.

Бир гуруҳ зиёлилар 2019 йил 1 май куни «Вести.уз» интернет сайтида Ўзбекистонда рус тилини расмий тил даражасига кўтариш, «Давлат тили ҳақида»ги қонунга ўзгартиш киритиб, унга ўзбек тили каби ҳуқуқий мақом бериш таклифи билан чиқдилар. Кутилмаган чиқиш зиёлилар томонидан норозиликларга сабаб бўлди. Мана, тил муаммосида «бўшлиқ» қолдирганимиз нима оқибатларга олиб келди?! Рус тилига Ўзбекистонда расмий тил мақоми берилиши миллий давлатчилик илдизига путур етказишга олиб келишидан хатга имзо қўйганлар беҳабармиди? Ҳар қандай давлатнинг негизида, тубзаминида тил туришини билишмасмиди? Билишарди! «Рус тили бизга бегона эмас» деб хат чиқарган ўн саккиз нафар зиёлининг ортида қайсидир давлат сиёсатдонлари туришганига ҳеч ажабланманг. Глобаллашув даврида бундай сиёсий «ўйин»лар, шахмат тахтаси устида от суришлар (Зб. Бжезинский) тез-тез содир бўлиб туради.

Яна бир муаммони тилга олиб ўтишимизга тўғри келади. Қўшни давлатларнинг қонунлари матни билан таанишган таниқли адабиётшунос олим Зухриддин Исомиддинов ЎзАда эълон қилинган «Ўзингдан чиққан балога...» номли мақоласида²⁹ қонунимизнинг ўзи номукамал эканини куйиниб қуйидагиларни ёзади: «**Ўзбекистонда давлат тили тўғрисидаги қонун 5.187 белгидан иборат бўлса, у Қозоғистонда 15.013 белги, Туркменистонда 15.468, Қирғизистонда 14.063, Озарбайжонда 12.000, Россия Федерациясида 10.158, Тожикистон давлат тили тўғрисидаги қонунида 8.600 белгини ташкил қилади. Марказий Осиёдаги энг «кичкина» қонун шу минтақадаги энг катта давлатга тегишли бўлиб ўтирибди?!».**

²⁹ <http://uza.uz/oz/society/zingdan-chi-an-baloga-03-05-2019> Исомиддинов З. Ўзингдан чиққан балога.

Демак, хатойимизни шу кунларда тўғрилаб қўйишнинг фурсати етибди.

Тил захирамизни бойитамиз

Ўзбек тилини дунё бўйича 30 миллиондан кўпроқ одам она тили, деб билади; иккинчи тил сифатида биладиганлар ҳисобига бу сон 50 миллионга етади. Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди; Қозоғистон, Туркменистон, Россияда ҳам кўпчилик; Туркия, Саудия Арабистони, Покистон, АҚШ, Жанубий Кореядаги диаспораларни қўшсак, қолаверса, ўзбек тилининг Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасига (Хитой) маданий таъсирини инобатга олсак, ўзбек тилининг асосий минтақавий тил бўлишга етарли ресурслар мавжудлигини ҳис қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ниҳоятда улкан тил ресурсига эга давлат. Мумтоз адабиётимизга оид тадқиқотлар кўлами йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукамал асарлари тўплами, 5 жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, санъат, маданият соҳаларига оид атамалар, шева сўзлари, тарихий терминлар), «Ўзбек тилининг имло луғати» чоп этилиши, Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили октябр ойида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича фан ойлиги, мактабларда «Она тилим – фахрим, ғурурим», «Тил – миллат кўзгуси» мавзуларида иншолар танлови ўтказилиши, «Ўзбек тилини ўқитиш методикаси», «Она тили таълимида узвийлик», «Нутқ маданиятини ўрганиш», «Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг вазифалари», «Ўзбек тили» (мустақил ўрганувчилар учун), «Она тили фанидан плакатлар тўплами», «Ўзбек тили фанидан адабий-маърифий матнлар тўплами», «Нутқ маданияти» каби қатор қўлланмалар яратилиши, газеталар чоп этилиши таълим тизимидаги ижобий воқеалардир. Аммо шу билан бирга, ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини ошириш, она тили ва адабиёт фанини ривожлантириш

учун икки тиллик сўзлашув, луғатларни чиқариш, боғча, мактабларда тўғри, равон сўзлаш маданиятини шакллантириш каби ишлар олдимизда турибди.

Вақти келди, анчадан буён ечимини кутаётган яна бир муаммони айтиб ўтсак. Ўзбек тилига оид дарсликлар XX аср бошидан тўлалигича рус тилшунослигига, қардош тил қоидаларига бўйсунган ҳолда яратилган. 1939 йилда О. Усмонов ва Б. Авезовлар муаллифлигидаги «Ўзбек тили грамматикаси» китоби чиқди. **«Афсуски, дарслик С.Г. Бархурдаров ва Е.И. Доисковларнинг «Грамматика русского языка» китоби асосида тузилган.** Бу китобда ўзбек тили назарияси илк бор биз ҳозирда ўқиётган кўринишга келтирилди. Рус тилидаги қоидалар ўзбек тилига кўр-кўрона жорий этилди», дейди ёш олим Элдор Асанов. – Масалан, рус тилида олтита келишик борлиги учун ўзбек тилида ҳам келишиклар сони олтита қилиб белгиланди. Сўз туркумларининг категориялари ва турлари рус тилидагига мосланди. Чет эл сўзлари рус тили орқали олиниши ва рус тили фонетикаси бўйича талаффуз этилиши белгиланди».

Буни қарангки, саксон йилдирки, сунъий йўл билан яратилган тил қоидалари «тўғри ўзбек тили» сифатида ўқитилаётган экан?! Ҳа, ўзбек тилини ўқитишдаги катта муаммолар илдизи совет даврига бориб тақалади. У давр методикалари янгиланмаслиги эса мутахассис ва зиёлиларнинг консервативлиги, замонавий илмий дискурслар ўзбек академик фанида қабул қилинмаётгани, соҳада етарлича маблағ йўқлиги билан белгиланади.

Хўш, тилимизнинг халқаро нуфузини кўтариш йўлида нима қилишимиз керак? Бизнинг назаримизда, диаспора ва ирреденталарни маданий қўллаб-қувватлаш, бутун дунёда ўзбек тили ва маданияти ўрганилишини, ўзбек тили кафедралари очилишини молиялаштириш, тилга оид халқаро конференцияларни ташкил этиш, мутахассисларнинг мобиллигини ошириш, ўзбек тилидаги сифатли, халқаро аҳамиятга эга контентни кўпайтириш, хорижликларнинг тилимизни ўрганишини рағбатлантириш, минтақада Ўзбекистон бизнеси қамро-

вини кенгайтириб, ўзбек тилини унинг асосий тилига айлантириш (дейлик, Жанубий Корея, Россиядаги қўшма корхоналар ходимлари ёки уларнинг филиаллари ишчиларига тилимизни ўргатиш) навбатдаги амалий тадбирларимиз қаторига киради. Албатта, бу ташкилий-ҳуқуқий ишларни бирданига эмас, қадамба-қадам рўёбга чиқарса бўлади. Мисол учун, ҳозирнинг ўзида жаҳоннинг 60 дан зиёд олий ўқув юртларида, жумладан, Кембриж, Пекин, Токио, Нью-Йорк, Сеул университетларида ўзбек тили махсус ўқитилади.

Таклифлар

Ўзбек тили ривожига оид баъзи таклифларимизни ҳам келтириб ўтамиз: Интернетда ўзбекча контентни кескин кўпайтириш (Википедия, Google), ўзбек тилидаги веб-сайтлар, е-кутубхоналар сонини кўпайтириш, унинг сифатини янада ошириш; миллий кино ва театр, адабиёт ва санъат соҳасида янги руҳ ва юқори савиядаги (Тоғай Мурод асарлари янглиғ) бадий асарларни кўпайтириш; тасвирий ойина тасвирлаган кўчаларимиз пештахталаридаги ёзувларни танқидий кўриб чиқиш... Маълумки, ҳозирги вақтда Абу Райҳон Беруний номидаги илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар фондида минглаб дурдона манбалар ўрганилмай ўз эгасини кутиб ётибди. Араб, форс тилида ёзилган қўлёзмаларни ўрганиш, китоб ҳолида нашр этиш, уни халқимизга ва жаҳон оммасига, илм-фан аҳлига етказишда етук мутахассислар етишмайди. Ана шу ўта муҳим масалага ечим топиш мақсадида **Матншунослик ва манбашунослик институти очишни мақсадга мувофиқ**, деб ҳисоблаймиз.

2020 йил бошидан Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, унинг қошида Атамалар комиссияси ўз фаолиятини бошлагани, вазирлик ва идораларда давлат тили бўйича раҳбар маслаҳатчилари лавозими жорий қилингани бу борада ташланган яхши қадамлардир. Бунинг устига, «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону-

нини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштирган ҳолда янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилди. Янги Қонун халқимиз орзиқиб кутган, ўзбек миллати обрў-нуфузини кўтаришга хизмат қиладиган юксак даражадаги мукаммал ҳужжат бўлади, деб ишонамиз.

Қолаверса, **1939 йилдаги камчиликни бартараф этиб, ўзбек тилида миллий методикани тезликда ишлаб чиқиш зарурати кучайган.** Бунинг учун тилшуносларимиз ниҳоятда катта назарий ишлар олиб бориши, улкан фактик материални тўплаши, кўплаб дарсликлар, луғатлар, тезауруслар, матн корпусларини яратиши; фундаментал лингвистикани ривожлантириши талаб этилади. Бугунги ўзбек тилшунослигида ва ўзбек маданиятида тилни доимий янгилаб, ўзгартириб бориш тарафдорлари у қадар етарли эмаслигини ҳам биламиз; аксинча, эски қоидаларга ёпишиб олиб, уларни ҳаммага мажбурлаб ўргатувчилар топилади. **Тил – доимий ўзгариб борадиган динамик ҳодиса** эканлигини дилдан ҳис қилиб, тилни замон эҳтиёжлари ҳамда халқ тилидаги ўзгаришларга қараб доимий равишда янгилаб бориш зарурати мавжудлигини унутмайлик. Бугунги кунда **ўрта ва олий таълим тизимимиз фан методикаларининг эскирганлиги**, дарсликлар, ўқув қўлланмаларни тайёрлайдиган бўлимлар ҳамда тузилмаларнинг озлиги, дарс бериш методикаси ва баҳолаш тизимида урғулар иккинчи даражали омилларга қаратилаётгани масаласини ҳам кўриб чиқиш керак.

Сизга айтадиган гапларим шулар эди. Ахир, ота-боболаримиз она тили – миллат руҳи ва жамият уйғоқлигининг кўзгуси, деб бежиз айтишмаган.

АЛИШЕР НАВОЙ – БИЗНИНГ ИДЕАЛИМИЗ³⁰



Ҳиротнинг Боғи давлатхона мавзейида, темурийлар хонадонига яқин бўлган давлат хизматчиси Ғиёсиддин Баҳодир оиласида таваллуд топган Низомиддин Мир Алишер феноменал ҳофиза қувватига эга шахс бўлиб, 7 ёшида Фаридиддин Аттормнинг «Мантикут-тайр» асарини ҳамда буюк муҳаддисимиз Имом Исмоил Бухорий ҳазратларининг мингдан зиёд ҳадиси шарифларини ёддан билган. 7-8 ёшларидан бошлаб ғазаллар ёза бошлаган зот эди.

Бадий адабиётнинг бош вазифаси – инсоншунослик, инсоннинг мўжизавий қудратини очиб беришдир. Бу борада тасаввуф илмининг имконияти чексиз. Шарқ халқлари маънавияти тарихида чуқур из қолдирган диний-фалсафий таълимот – тасаввуфнинг пайдо бўлиши, тадрижий ривож, асосий жиҳатларини билмай туриб, ҳазрат Алишер Навоий (1441-1501)нинг ижодига баҳо бериш мушкул. Тасаввуф – инсон камолоти, ахлоқий покланиши ҳақидаги илм бўлган, мазкур тушунча комил инсон концепциясида муҳим нуқта саналган. Инсоннинг ботиний олами, ички зиддиятлари, руҳ ва жисм орасидаги кураш сўфийларни кўп қизиқтирган. Комил инсон – бир идеал, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгал-

³⁰ https://uza.uz/uz/posts/bugun-mumtoz-adabiyotni-tasavvufni-biluvchi-pedagoglar-etishmaydi-yoxud-alisher-navoiy-chinmanoda-demokrat-edi_239945 08.02.2021

лаган, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот, Навоий тили билан айтганда:

Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи.

Хуш давлат ул кишигаки, тушгай анинг қўзи.

Тасаввуф аҳли сиғинган идеал – Комил Инсон аслида халқ идеали, адабиётнинг идеали эди. «Бу ҳаётбахш таълимотнинг пешволари ёзиб қолдирган асарлар, сўфиёна руҳдаги шеъру дostonларни мутолаа қилар эканмиз, ёруғликнинг зулмга, файзу камолнинг ноқислик, калтафаҳмлик ва нодонликка қарши омонсиз жангига гувоҳ бўламиз»³¹, дейди устозимиз, профессор Нажмиддин Комилов. «Маърифат – жаҳл-нодонликка қарши жанг» (Тустарий)да сўфийлар Каъба деб кўнгилни тан оладилар, кўнгил раъйига юрадиган, дунёни кўнгил орқали биладиган ва кўнгилга сиғинадиган одамларни Аллоҳнинг севгани, деб биладилар. Навоий ана шу ажойиб анъананинг муносиб давомчиси ва яловбардори бўлган. Дарвоқе, Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўтабар шахс. У азалдан мартабаси аниқ бўлган руҳ эмас, балки ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида камолга эришгандир. **Комилликнинг олий белгиси Ҳақ йўлидан бориб халққа фойда келтиришдир.** Киши ўз сўзи, амалий ишлари, нияти билан қанчалик одамларга наф келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, Ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилдир. Алишер Навоийнинг ўзлари ҳам комиллик мақомига етишган эдилар.

Навоий 1498 йилда «Лисон ут-тайр» («Қуш тили»), 1499 йилда «Муҳокамат ул-луғатайн», 1500 йили «Маҳбуб ул-қулуб» асарларини ёзиб битиради. Бу уч асар буюк шоир ва мутафаккир ижодининг авж нуқталари эди. «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси»)да ўзининг бутун ижодий йўлини сарҳисоб қилиб, туркий тилдаги шеъриятнинг қудратини таъкидлаган. Жумладан, унда қуйидаги маълумот бор: «Чун «Лисон ут-тайр» илҳоми била тараннум тузупмен, қуш тили

³¹ <https://kh-davron.uz/kutubxona/islomiyy-adabiyot/tasavvuf/najmiddin-komilov-tasavvuf-7-komil-inson>. 09.03.2019.

ишорати била ҳақиқат асрорини мажоз суратида қўргузупмен». Алишер Навоий гўдаклик чоғларидан тасаввуф шеърляти йирик намояндаси Фаридиддин Аттор яратган «Мантиқ ут-тайр» асарига меҳр қўйган эди. Умрининг охирида ушбу асарга татаббу – жавоб ёзар экан, ўзининг шунгача ёзган барча асарларига фалсафий якун ясайди. Аттор асари Борлиқнинг ягона моҳияти, Ҳақ асрори ва инсон учун уни англаб етиш имкони даражаси ҳақида эди. «Лисон ут-тайр» мазмуни «Мантиқ ут-тайр»-га зид ёки ундаги фикрларнинг такрори ҳам эмас, балки янги тарихий-маънавий босқичдаги шарҳи, талқинидир.

Алишер Навоий XV асрнинг охириги ўн йиллигида ўзининг «Мажолис ун-нафоис» ва ислом маънавиятининг буюк сиймолари, хусусан, турк, форс, ҳинд машойихлари тарихига оид «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабодаси»)ни ёзади. Бу асарларда маънавиятнинг жонли сиймоларидан мингга яқин киши ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган. Навоий тасаввуфий фаолиятида Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини шу сулукнинг иккинчи бир йирик намояндаси – Хожа Аҳрор Валий билан яқин муносабатда бўлган ҳолда ривожлантирган. Ҳатто устози, хассос шоир Абдурахмон Жомий, забардаст шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар ҳам Хожа Аҳрорни ўзларининг маънавий пири муршидлари сифатида эҳтиром қилганлар, унга атаб асарлар битганлар. **«Шайхлар шайхи» деб ном олган зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган.** Хожа Аҳрорни буюк шоир Абдурахмон Жомий «Каъбаи мақсуд» деса, Алишер Навоий «Тариқат қутби», деб шарафлаган эди.

Навоий – салтанатнинг устуни, адолатнинг тимсоли

Низомиддин Мир Алишер Хуросон салтанатида буюк шоиргина эмас, етук шахс ва адолатнинг тимсоли эди. Ҳазрат Навоийнинг адолати унинг катта-кичик барча ишлари, нозик таъб асарлари, жамият ва эл-улусга бўлган муносабатларида тўла акс этган. Навоий яшаган давр ва

унинг номи билан боғлиқ асарлар ҳақида А.Ҳайитметов, А.Қаюмов, А.Ўринбоев, Н.Комилов, С.Ғаниева, А.Рустамов, И.Ҳаққул, Ю. Турсунов, М. Ҳасанов, М.Муҳиддинов сингари олимларнинг қимматли тадқиқотлари яратилган. Темурийлар замонида маданият, илм-фан юксак даражада гуллаб-яшнаган эди. Хусусан, Навоий ўз мактубларида, чиндан ҳам у «салтанатнинг устун, ҳоқонликнинг кифти» бўлганлигини кўрсатади. Навоий шахзодалар ва кўпроқ Бадиуззамон Мирзога ёзилган мактубларида уларни мамлакатни қандай бошқариш санъатига ўргатади. Темурийлар учун алоҳида аҳамият касб этган ота ва ўғил муносабатларига муттасил диққатни жалб этади. Шахзодаларда қадим туркий ва исломий маданият асосида юксак ахлоқий сифатларни тарбиялашга жидду-жаҳд қилади, шунингдек, замондошлари тўғрисида ажойиб маълумотларни қайд этиб боради...

Навоий ўзбек мумтоз адабиётида «Муншаот» деб аталадиган янги бир жанрни бошлаб беради. Мактублар бир одамнинг иккинчи киши билан бевосита суҳбати ва мулоқоти. Бир ибратли мисол: Алишер Навоийнинг бетоблигини эшитган дўсти Ҳусайн Бойқаро унга махсус мактуб юбориб, аҳвол сўраган бўлса керак, Навоий унга ушбу жавобни ёзади: «Иноят қилиб сўрдира йиборилган иншонгким, етти, айтса бўлғайким, баданда ҳарорат шуъласидин шараре ва кўнгулда изтироб шиддатидин асаре қолмади. Битикингдинки, саводини кўриб жон топдим».

Алишер Навоий «муқарраби ҳазрати султоний» («султон ҳазратлари энг яқин кишиси») деган унвонга эга бўлган. Унвон давлатнинг барча ишларига аралашуш ҳуқуқини берган. Унинг кичик замондоши Заъниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида шундай лавҳани келтиради. Бир куни у намоз вақтида Ҳусайн Бойқаронинг ҳузурига келади. Намоз пайтида подшоҳ ҳузурига кириб арз қилиш ҳуқуқи фақат Алишер Навоийга берилган эди. Ҳусайн Бойқаро нима ҳодиса бўлганини сўраганда, Мирҳож Пир деган золим амир бойлик ва мартабадан қутуриб, ўзини подшодан ҳам баланд олаётганини, кўчалардан тахтиравонда улуғ султонлар

муяссар бўлмаган нашъу намо ва тантана билан ўтганини шундай бўрттириб тасвирлайдики, Ҳусайн Бойқаро ҳовлиқиб кетган бу амирнинг ҳаром йўл билан орттирган молу мулкани дарҳол мусодара қилишга буюради.

Бахил кучлар Ҳусайн Бойқаро билан унинг катта ўғли Бадиуззамон Мирзо орасига низо уруғини сочадилар. Шунда шоирнинг бир неча мактублари ота билан ўғилнинг орасида пайдо бўлган низони бартараф қилишга йўналтирилади. Навоийнинг гувоҳлик беришича, бу низо кўпроқ ўғилнинг кибру ҳавога берилганлигидан келиб чиққан эди. Астрободга ҳоким қилиб тайинланган Бадиуззамон Мирзо отасининг хазинасига вилоятдан юборилиши керак бўлган мол-маблағни юбормайди. Навоий ёзади: «Яна битибсизким,» Астрободга киши юбормангким, бермагумдур». Бу мазмунни ҳам мулойимроқ бита олур эрдингиз...». Навоий ҳовлиқиб кетган шахзоданинг хатоларини аниқ далиллар билан исботлаб беради. Мактублар самимият ва жонқуярлик билан ёзилгани унинг ҳар бир сатридан сезилиб туради. 37 рақам қўйилган иккинчи мактубда Навоий Бадиуззамон Мирзога «мажлис қуриб чоғир ичарга кўп ҳирс кўрсатилмаса, кутубхона аҳли билан машғуллик қилилса, таворих ўқумоқ буюрилса...» Шу насиҳатлар орасида Навоий Амир Темурнинг Ҳусайн Бойқарога тўртинчи насаб эканини, шу сабабли ҳар ҳафта жума намозида Темурбекнинг номини хутбага қўшиб ўқитишини сўрайди.

«Сиз эса иншонгиз туғросидан Мирзонинг муборак отин чиқарибсиз», деб Навоий шахзоданинг яна бир хатоси – отасига ҳурматсизлик қилганини айтади. Ҳадиси шарифдан пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Тенгри таоло ризоси ота ризосига вобастади. Тенгри таоло ғазаби ҳам ота ғазабига вобастади. Машойихлар «валедука раббука», яъни «отанг парвардигорингдур» деганлар».

Навоий – маънавий пирымиз

Биз Навоий асарларини англашни бошласак, миллий

уйғониш жараёни тезлашади, Учинчи ренессансни қуришимиз енгиллашади. Албатта, ренессанс асосларини яратишда Навоий маънавий пир, Амир Темури моддий мададкор миссиясини бажаради. Ҳазрат Алишер Навоийга келсак, ул зот маънавий-руҳий дунёсининг кўпроқ икки жиҳатини: жаҳон маънавият оламига қўшган улушини ҳамда шоир олдидаги маънавий қарзимиз миқдорини чуқур ҳис этиш вақти етди.

Ҳамсанавислик, гуманизмни ёқлаш, адолатли подшоликка чорлаш, комил инсонни улуғлаш, тасаввуф илминини юксакликка кўтариш, оилада тарбияга урғу бериш, устоз-шогирдликни тиклаш, байналмилаллик, тилни камолотга етказиш Ҳазратнинг беназир хизматлари бўлса, «Ҳамса», «Ҳазойин-ул маоний» ва барча нодир асарларига жойланган маънавий хазинани тушуниш, комил инсон бўлишга интилиш, адолатли жамиятни қуриш, **жамиятда маърифатли инсонларни қадрлаш** каби сиёсий тадбирлар пир олдидаги қарзларимиздир.

Бизга маълумки, демократия, сўз эркинлигини кўпинча Ғарб мамлакатларининг меваси, деб талқин этадилар. Ҳаққоний, холис ахборотнинг салтанатни бошқаришдаги аҳамияти хусусида **«Сен шоҳсен – агар огоҳсен, агар огоҳсен шоҳсен сен», деб бундан беш юз йил олдин хитоб қилган Алишер Навоий чин маънода демократ эди.** «Шоирнинг фикрича, инсоннинг қадр-қиммати унинг мол-мулки билан эмас, балки маънавий қиёфаси, ахлоқий сифатлари билан ўлчанади. Навоий фалсафасида сиёсий назария (идеал давлат қуриш) ва ахлоқий назария (комил инсон таълимоти) узвий боғлиқликда ифодаланади. Ижтимоий-сиёсий масалада шоир гуманистик таълимотни яратди: шоҳни боғбонга, мамлакатни боғга қиёслади, унга кўра, боғбон оқил, меҳнатсевар бўлса, боғи гуллаб яшнайдиган, подшоҳ маърифатли, билимдон, адолатпарвар бўлса, халқини севса, мамлакати обод бўлади!»³².

Навоий халқлар ўртасидаги буюк дўстликни ўз асар-

³² Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: Aloqachi, 2019. – Б. 49.

ларида тараннум этган. Қарангки, шоир дostonларининг қаҳрамонлари ҳам турли халқ вакиллари: Ширин – арман қизи, Фарҳод – хитой ўғлони, Шопур – эронлик, Маъсуд – ҳинд, Лайли ва Мажнун – араб, Искандар ва унинг маслаҳатчилари Арасту, Буқрот, Суқрот – юнонлик бўлишган.

Мир Алишер Навоий маънавий пиримиз, биз учун идеал, доимо интиладиган етук сиймо, феноменал шахс! Буюк шоирнинг миллий маънавиятимиз учун қўшган оламшумул ҳиссаси ҳақиқий жасорат намунаси эди. Шу боис, Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Туркий тил била то шеър айтибдурлар, ҳеч ким онча кўп ва ҳўб айтқон эмас», деб эътироф этади.

Қила олғунча ул бўлсин шиоринг,

Ки яхши от қолғай ёдгоринг.

Алишер Навоий бутун умрини нафақат ижодга, балки халқ фаровонлиги йўлида бунёдкорлик, эзгулик ва хайр-саховат ишларига бағишлаган. Ҳа, Навоий умри бўйи миллат қайғусида яшаган, ўз жамғармаси ҳисобидан Ҳиротда ва бутун Хуросон мамлакатаида 300 дан ортиқ иншоотлар қурдирган саҳий инсон эди...

Айрим камчиликлар...

Юртимизда Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги юсак даражада нишонланмоқда. Назмий асарлари 120 минг байтдан ортиқ, жумладан, «Хамса» беш достони 51230 мисра, «Ҳазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси») девони эса қарийб 45 минг мисрадан ташкил топган. Ҳазрат Навоийга маънан яқинлашиш, асарларида жо бўлган тасаввуфий маъноларни яхши тушуниш борасида тан олиш лозимки, айрим камчилигимиз мавжуд. Президентимизнинг 2021 йил 4 февралда «**Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида**»ги қабул қилган қарори ана шу ишларни якунига етказиш борасида шахдам қадам бўлди. Фонднинг фаолияти Алишер Навоий ҳаёти, юсак инсонпарварлик ғоялари, илмий-адабий меросини Ўзбеки-

стонда ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш, тарғиб этиш, хорижий тилларга таржима қилиш, мукаммал илмий нашрларини яратиш, уларни республикада ва чет элларда нашр этишга қаратилган. Алишер Навоий халқаро фонди бу борада сезиларли ишларни амалга оширишига умид қиламиз. Хорижий элларда мутафаккир номи ва асарларини яхши билишади. Масалан, АҚШнинг Индиана штатида бир аёл диссертация ёқлаган, Туркияда ўнлаб тадқиқотлар чоп этилган. Мамлакатимизда Навоий бобомиз номлари билан юритилувчи боғлар, илм-фан, маданият масканлари ва битта вилоятимизга номлари берилиши халқимизнинг шоир сиймосига бўлган эҳтиромининг ёрқин намунасидир.

Аммо қайд этиш жоизки, ҳозирга қадар мактабларда, институтларда Навоий ижодига бағишланган махсус курслар ўтилмайди, мумтоз адабиётни, тасаввуфни билгувчи педагоглар етишмайди. **Таклифимиз шуки, мактабларда** «Тасаввуф», «Алишер Навоий асарларига кириш» фанларини навбатма-навбат киритиш, нашриётларда «Хамса» дostonлари насрий баёнини, Навоий асарлари изоҳли луғатини қайта чоп этиш, шунингдек, янги тузилган фонд орқали «Навоийшунослик» номли қисқа курсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мактаб ўқувчилари учун Алишер Навоийнинг гуманизм ғояларини тушунтирадиган содда, равон табдиллар (насрий баён)ни мобил иловаларда, **телеграм каналларда** бериб боравериш фойдали иш бўлади.

Бир кичик бадида ҳазрат Навоийнинг адабиёт ва миллат олдидаги хизматларини очиб бериш қийин ишдир. Буюк бобокалонимиз ўзидан бебаҳо адабий мерос қолдириб, улкан жасорат кўрсатган нурли сиймо эди. **Навоийни англаш – миллий уйғониш йўлига кириш ва Учинчи Ренессанснинг бошланиши** демак.

ИЧАНҚАЛЪАДАН ТУПРОҚҚАЛЪАГАЧА – ЖАЛОЛИДДИНЛАР ЯШАЙДИГАН ЮРТ³³



Хива – музей-шаҳар, лекин Рим каби Ичанқалъада аҳоли яшаб турибди, у бино ва иншоотлар, очиқ ҳаводаги бутун бир шаҳар бутун ҳолида сақланиб қолган дунёдаги санокли шаҳарлардан бири.

Биз кирган Ичанқалъа меъморчилик музейидаги бир қаватли Жума масжиди биносининг гумбазлари ва дума-лоқ аркалари йўқ, у X-XII асрларида яратилган 213 донга ёғоч нақшинкор устунларга таянадиган ясси томли улкан зални эслатади. Бизни ҳайратга солгани, пандемия эмасми, Ичанқалъадаги минг йиллик намозгоҳда дим сокинлик, осойишталик ҳукмрон. Азиз авлиёлар руҳи кезиб юрибди, гўё. Устунлар атрофини айланар эканмиз, бундан узоқ асрлар бурун шу ерга жойнамоз ташлаб ибодат қилган хоразмликларнинг анъаналари ва дабдабали кунлари кўз ўнгимиздан бир-бир ўтди. Бу ҳақда буюк аллома Абу Райҳон Беруний «Қадим халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида кўп ва ҳўп ёзган...Аммо бадий

³³ https://uza.uz/uz/posts/ichanqaladan-tuproqqalagacha-jaloliddinlar-yashaydigan-yurt_252912 30.03.2021..

адабиёт, ўлмас шеърят, ҳатто хонларнинг ғазаллари, Хоразм таржима мактабининг доврўғи ҳозирги замонга-ча етиб келган – Огаҳий, Мунис, Паҳлавон Маҳмуд шеърияти қалбларга аллақачон кўчган.

Галактика умри билан солиштирганда, инсон умри 4 секундга борадиган бу дунёда бари ўткинчи, шамолдек ўтиб кетгувчи. Ана, қадим масжиддаги ёғоч устунлар ҳам термитларга ем бўлаётир...

Ўтмиш ва бугун воқеаларини, одамларнинг яшаш тарзи, янги ўзгаришларни таҳлил этиш ва қиёслаш бугунги давр кишиларига яхши хулосалар чиқариш имконини беради. Шу боис Урганчга қайтишимизда қизиқиш ила Хивадаги Президент мактабига кирдик. Ичкарига қадам қўйган заҳоти ўзгача муҳит, назар ва қарашларга дуч келасиз. «Буюк хоразмийларнинг янги авлодини етиштирувчи ўқув даргоҳи бўлибди», деган фикр кўнглингиздан ўтади. Фарзанду аржумандларимиз бир куни шундай нуфузли даргоҳларда ўқишини орзулаб, мактабнинг аудитория, ётоқхона, кутубхона, сув ҳавзаси ва шинам қаватларида жойлашган кабинетлар, лабораториялар билан эринмай танишдик. Мактаб раҳбари, 30 ёшлардаги Руфат Аминов бир неча тилларни, она юртимиз тарихи ва адабиётини, ўқитиладиган фанларнинг чексиз имкониятларини билади. Мазкур нуфузли ўқув даргоҳи ҳам давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ги ПҚ-4199 сонли қарори асосида ташкил этилган. Олиймақом мактабларда иқтидорли ёшлар «STEAM-таълим»га йўналтирилган, халқаро тан олинган Кембридж халқаро таълим дастурлари асосида таълим оладилар. Битирувчиларга шаҳодатнома, аттестат билан бирга, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларига кириш имконини тақдим этувчи Кембридж Халқаро сертификатлари (Cambridge International AS & A level) топширилади. Кембридж таълим дастурлари таълим олувчиларда чуқур фан мазмуни билан бирга, XXI аср кўникмалари – мустақил, мантиқий ва танқидий фикрлаш, билимларни амалиётда қўллаш, маълумотлар-

ни таҳлил қилиш ва натижаларни барчага тушунарли тилда етказиш кўникма-малакаларини шакллантиришга ёрдам беради. 160 дан зиёд давлатларда 1 миллионга яқин ўқувчилар ана шу дастурлар бўйича таълим олади.

Ўша куни хушxabарнинг устидан чиқдик: 11-синф ўқувчилари Муҳаммаджон Сейдматов, Қодирбек Отаев, Ислонбек Арслонов, Рўзматбой Ғойибназаровлар АҚШнинг Хавиер университетига (ҳар бирига \$88000 грант), Чаросхон Ўқтамбоева АҚШнинг Буффало университетига, Шаҳриёр Шернафасов Швейцариянинг Франклин университетига, Мустафо Саъдуллаев Манчестер университетига ўқишга қабул қилиниб, таҳсил олиш учун грант соҳибига айланишибди. 23 январ куни иқтидорли ўқувчи Мадина Саъдуллаева «СЕАМО Х 2021» Халқаро математика Олимпиадасининг бронза медалини қўлга киритибди. Мактабнинг ИЕЛТС бўйича мураббийи Сатторбек Йўлдошевнинг қайд этишича, битирувчилар босқичма-босқич IELTS (Интернационал Энглиш Лангуаге Тестинг Сийстем) га жалб қилиб борилади. Навбатдаги босқичда Барно Рустомова – 8 балл, Сарварбек Сапарбоев – 7.5 балл, Умидбек Искандаров – 7.5 балл, Раъно Матқурбонова – 7 балл, Рустам Қодиров – 7 балл натижага эришибди.

Президент мактаблари таълим жараёнига 40 та хорижлик ўқитувчилар жалб қилинган. Ричард Пашковски мактабнинг академик директори. Ёши етмишдан ошган, ўзига ярашиқ соқол қўйган канадалик ҳаракатчан, кўзлари тийрак, синчков киши экан. Инглиз, француз тилларини билгувчи устоз бирнеча йиллар Хитой, Ҳиндистон ва Бразилиядаги «Offshore Schools» директори ва таълим маслаҳатчиси бўлиб ишлаган. Чой устида бир соатча суҳбат қурдик. Р. Пашковски ишонч билан: «Хоразмлик болалар ўта истеъдодли, меҳнаткаш, зийрак, бир тушунтирганда илғаб оладиган. Истеъдодларга имконият ва шароитни шундай яратилгудек бўлса, илм-фан бобида Хоразмий авлодлари яна дунёни забт этади!», деганида ичимиздан қувондик.

Юртбошининг сафари

Биз қадимий заминга қадам қўйишимиздан сал олдин, 2020 йилнинг декабр ойида Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Хоразмга ташриф буюрган эди. Ташрифдан кўзланган мақсад – ислохотларнинг маҳаллабай тизимда йўлга қўйилганини, одамлар ҳаётидаги ифодасини кўриш, навбатдаги режаларни белгилаш эди. Ташриф хроникаси учрашувлар ва воқеаларга бой бўлди, дейиш мумкин. 205 млрд. сўмдан зиёд маблағ эвазига ташкил этилган Хонқадаги инновацион иссиқхонада бешинчи авлод технологиялари қўлланилганини кўргач, мазкур тажрибани кенг жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. «Бутун дунёда озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масала бўлиб борапти. Ташқи бозор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мавсумий эмас, йил давомида етказиб беришни талаб қилади», деди давлатимиз раҳбари.

Албатта, бу борада хонқаликларнинг ташаббускорлиги ва уddaбурролигига тан бермай иложимиз йўқ. Хонқа туман ИИБ бошлиғи А.Матчанов раҳбарлигидаги 3-секторга қарашли идора раҳбарлари билан Хонқа педагогика ва спорт коллежида январ ойи ўрталарида бўлиб ўтган учрашувда маълум бўлдики, хонқаликлар йўқдан бор қиладиган, қонида тадбиркорлик оқадиган кишилар экан.

Юртбоши Янгиариқ туманидаги «Янтех Инвест» МЧЖ фаолияти билан танишув чоғида юртимизда **маҳаллабай ишлаш бўйича янги тизимни йўлга қўйиш зарурлигини ўртага ташлади.**

Ислохотчи маҳалла раислари кўпаяди

Бу ажойиб ғоя ҳам ташриф давомида биринчи марта илгари сурилди. Хоразм фаоллари ва тармоқлар мутасаддилари иштирокидаги йиғилишда давлатимиз раҳбари «Маҳалла раиси – ислохотчи» тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий этилишини эълон қилди. Гарчи пандемия жамият иқтисодий ҳаётида оғир асоратлар қолдирган бўлса-да,

бундай тажриба МДХ мамлакатларидан фақат Ўзбекистонда қўлланилмоқда. «Темир дафтар»ни жорий этишдан мақсад эҳтиёжманд аҳоли қисмини тўғри аниқлаш эди. Юртбошимиз парламентга Мурожаатномасида жамиятда тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларга тўхталиб, 2021 йилдан «Ижтимоий реестр»юритилишини таъкидлаб ўтди. «Барча даражадаги раҳбарлар пастга тушиб, ўз соҳаси бўйича маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиши ва уларга ечим топиши, одамлар сезадиган натижани таъминлаши шарт», дейилди.

Вилоят бўйлаб сафарда Ичанқалъадан Тупроққалъагача кезганимизда юқоридаги ташаббусдан сўнг, маҳалла одамларида ишонч туйғулари ниш ургани, ўзаро мулоқотда ортиқча дабдабозликдан қочиб, ҳаётга яқинлашиш, ижтимоий фаолликка юз бурилгани очиқ сезилди. Давлатимиз оғир дамларда ёрдамини аямаганидек, одамлар ҳам бир-бирига суянчиқ, ҳамдард бўлиб бораётгани менда ажиб таассурот қолдирди. Биз кўпроқ суҳбатга тортган аёллар ва ёшлар фаоллашганини берилган аниқ саволларидан билсак бўларди. Ҳазорасп туманида «Ҳар бир ёшга бир гектар» лойиҳаси ишга туширилгани, ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани, тадбиркорлар томонидан тикувчилик корхоналари ташкил этилаётгани биз маърифатчиларни қувонтирди. Республика шошилинич тиббий ёрдам Хоразм филиалига борганимизда эллик ёшлардаги шифокор Наргиза Атажонова ёнимга келиб: «Коронавирус элимиздан бепарволик касалини аритди, одамларнинг қарашлари ўзгариб, бирмунча жиддий ва вазмин, соғлиғига ҳам эътиборли бўлдилар», деди. Ўзим ҳам ёвуз касалликни бошимдан ўтказганим учун тожсимон вирус инсонга ҳаёт ва ўлим нақадар яқин эканлигини эслатганини ҳис қила бошлагандим. Шу боис, пандемия кунларида уч қаватли тиббий кийимларни кийганча, юзлаб хоразмликларни ўлимдан асраб қолган бу шифокор аёлга халқ олдида миннатдорчилик изҳор қилдик: «Сиз бизнинг халоскоримиз бўлдингиз!»

Одамлар орасида

Очиғини айтиш лозимки, янгиланаётган Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида 2020 йилда келган синовли кунлардан кейин одамларда жонланиш, ҳамфикрлик, маслақдошлик ўзаро ришталари боғлангандек, назаримда. Аҳоли билан бўлган маънавий учрашувларда буни қалбдан ҳис этдик. Боғотнинг Бешариқ қишлоғида «Хоразм текстил» масъулияти чекланган жамияти корхонаси жойлашган. Иш бошқарувчи Қуронбой оға Содиқов Самарқанд архитектура-қурилиши институтини тугаллаган, кейин тадбиркорликка қўл урган. Бундан саккиз йил муқаддам, 2012 йил охирида қурилиши тугалланмаган тўқимачилик фабрикасини 10,5 миллиард сўмлик инвестиция киритиш ва янгидан 200 та янги иш ўрни яратиш шарти билан тадбиркор ютиб олибди. Лойиҳа учта босқичли бўлиб, биринчи босқичда 12000 м.кв. ишлаб чиқариш майдони 2014 йил 1 декабрда ишга туширилиб, 200 та янги иш ўрни яратилган. Швейцариянинг «Rieter Machine Works LTD» фирмасининг замонавий дастгоҳ ва ускуналари олиб келинган. Иккинчи босқичда «Marzoli», «Tomsic» (Италия), «Murata» (Япония) компаниялари билан шартномалар тузилиб, ишлаб чиқариш дастгоҳлари ва лаборатория асбоб-ускуналари келтирилибди. 2019 йил ноябр ойидан маҳсулот ишлаб чиқаришга киришганда яна 400 нафар ишчи ишга қабул қилинибди.

«Келгуси режалар билан ўртоқлашсангиз», деган саволимизга корхона директори Сарвар Нурметов шундай жавоб берди: «Хоразм тех» 177 та фермер хўжаликлари билан контрактация шартномасини тузган бўлиб, 31440 тонна пахта етиштириш прогнозини 33619 тоннага ёки 106,9 фоизга бажарган. Корхона Хонқа пахта тозалаш заводини сотиб олганидан кейин шу туманда яна 320 нафар ишчи ўрни пайдо бўлди. Ҳозирги кунда ип-калава фабрикамизда 600 нафар, пахта тозалаш заводида 320 нафар, жами 920 нафар ишчи-хизматчи

ишлаб келмоқда. Корхонада иш 3 сменада ташкил қилинган. Ишчи хизматчилар учун иссиқ овқат тўлиқ таъминланган ва автобус қатнови йўлга қўйилган. Қувонарли жиҳати шуки, 2020 йилда жамият томонидан 11 млн. 706 минг АҚШ долларлик маҳсулот Россия, Хитой ва Туркия давлатларига экспорт қилинди. Корхонада 10 турдаги, жумладан, пахта толаси, чигит, уруғлик чигит, момиқ, паҳмоқ, ип, йигирилган ип калавалар ишлаб чиқарилади. Учинчи босқич ишлари тугаллангудек бўлса, 2021 йилнинг ўзида Боғот туманида 10 млн. белбоғ-метр хом сурп маҳсулоти ишлаб чиқарадиган тўқимачилик фабрикаси ишга тушади. Унда 350 нафар ишчи қабул қилинади. Маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади».

Ип-калава цехлари оралаб айланганимиздан кейин ишчи-хизматчилар билан дилкаш учрашув ўтказилди. Сухбатда яхши англадикки, ёшлар бугунги кундаги ислохотларга бефарқ эмас. Замонавий технологияни ўзига бўйсундирган йигит-қизларнинг ўзига ишончи юзи ва кўзларидан балқиб турибди. Ўртага ташланган таклиф ва фикрларни эшитгач, корхона раҳбарлари навбатдаги ташрифимизгача ишчиларни билим ва тажрибасини ошириш учун ўқишга юборишга ваъда бердилар.

Биз вилоятдаги бирқатор корхоналарда бўлиб, ишчиларнинг шарт-шароити ва келгуси имконияти билан ҳам қизиқдик. Ҳамма жойда ютуқларнинг бош сабабкори раҳбар эканлигига ичимизда амин бўлдик. «Шовот текстил» АЖ (Элёр Душамов), «Боғот дон» АЖ (Хушнуд Ғафуров) ва бирнеча корхоналарга ишбилармон кишиларнинг тўғри танланиши эвазига ишлар ўз маромида кетмоқда, режалар ўз вақтида бажарилмоқда. Айниқса, 87 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган Урганчдаги Технопарк (кийим-кечак ва металлдан турли маҳсулот тайёрлайди) имконияти ва «ҳайбати» Тошкентниқидан қолишмайди. «УзХСМГ» заводи эса Хоразм саноат индустриясига карвонбоши бўлиши кутилмоқда. Ушбу корхоналарда туну кун иш қизғин паллада, чунки топшириқни бажаришмаса бўлмайди...

Намуна бўлгулик тиббиёт ўқув даргоҳи

Урганчда 2000 йилларда «Жайхун» номли машҳур меҳмонхона бўларди. Бир муддат шинам бу маскан талотўп ичида эгасиз бўлиб қолганида, кимнингдир ишораси туфайли ёпилиш арафасига келиб қолган Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг ёрқин келажagini кўра олган Юртбошимиз мазкур бинони филиал учун ажратиб, талабаларнинг назарияни амалиёт билан боғлаб олиб боришларини таъминлаш учун ҳатто клиника қурилишига ҳам рухсат бердилар. Шу воқеадан кейин ишлар жонланиб кетди. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, билимдон, ташкилотчи йигит Баҳром Юлдашев бизни конференс-зал, лабораториялар, аудиториялар, клиника бўлимлари бўйлаб айлантириб, янги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берди:

–Адолатли қарор жамоамизни руҳлантириб юборди, натижада биз икки ҳисса ишни бажаришга эришдик,– деди Б. Юлдашев.– Илмий салоҳият, замонавий шароитлар, кенг имкониятлар мавжудлиги туфайли тез фурсат ичида тиббиёт соҳасидаги 7 та таълим йўналиши, Россия Федерацияси билан ҳамкорликда 3 та таълим йўналишида талабалар ўқитилиши йўлга қўйилди. 14.00.05-«Ички касалликлар» ихтисослиги бўйича илмий кенгаш тузилди. Ҳозирда Ҳиндистон, Россия, Покистон, Афғонистон, Танзания, Қирғизистон, Туркменистондан 300 нафардан зиёд талаба келиб таҳсил олмоқда. Чет эллик ва Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келиб ўқиётган талабалар шу бинонинг ўзидаги ётоқхонада жойлашади. Хориж талабаларининг филиалимизга келиб ўқишлари республикамиз нуфузининг ортишига олиб келса, инвестицияларнинг жалб қилиниши эса филиалимиз моддий-техник базасини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Биз залда йиғилган профессор-ўқитувчилар билан Ўзбекистонда бўлаётган бунёдкорлик ишлари, Юртбошимизнинг парламентга Мурожаатномаси, филиалда устоз-шогирд анъанаси узвийлиги борасида қарийб икки соатча суҳбат қураб эканмиз, ёшларнинг даврга

ҳамоҳанг қарашлари, билимдонлигини, ўқув даргоҳида шаклланган тоза ижодий муҳит ва ички батартибликни кўргандай бўлдик. Энг муҳим кўрсаткич шуки, **филиал коррупциясиз ўқув даргоҳи бўлишга интилоқда**. Бу борада ибратли ишлардан бири, тамагирлик йўлига кириш аноним сўровлар натижасида ишдан озод қилинишга олиб келиши тўғрисида барча профессор-ўқитувчилар огоҳлантирилгандан кейин самара келтирган.

–Мустақил, намунали институт бўлишга ҳаракат қилмоқдамиз,–дейди филиал раҳбари, профессор Рашид Рўзиев.–Филиалда Қозон федерал университети билан қўшма дастур асосида «Тиббий биология» (3+3), Приволжск тадқиқот тиббиёт университети билан «Даволаш иши» (3+3), «Фармация» (3+2) таълим йўналишлари бўйича талабалар ўқитилиши йўлга қўйилди. Истанбул ва Анқара Медипол университетлари (Туркия) билан «Тиббиётда менежмент» ва «Стоматология» йўналишида қўшма таълим дастурлари очиш бўйича меморандум имзоланиб, тегишли ишлар олиб борилмоқда. Келгусида ИТ медик (Қозоғистон), Оилавий шифокорлар (Украина), Косметология ва хирургия (қўшма магистратура, Туркия), Халқ таъбири (Ҳиндистон) йўналишларида қўшма дастурлар ташкил қилиниши режалаштирилган. Жами 12 та йўналиш бўйича малака ошириш курслари ва қайта тайёрлаш дастурларини ишга туширмоқчимиз.

Ўқув даргоҳижамоаси қисқагина вақтда кўплаб ташаббускорлик ишларини амалга оширибди. Демак, филиални ёпиш эмас, балки янада кучайтириш ва дунё миқёсига олиб чиқиш керак бўлибди. 2020 йилда филиал талабаларидан 1 талаба Зулфия мукофоти, 1 талаба Ибн Сино номли, 1 талаба Ислом Каримов номли давлат стипендианти, 2 нафар талаба халқаро танловларда 1 ўринни, 9 талаба халқаро, 4 талаба республика онлайн фан олимпиадаларида юқори ўринни эгаллади.

Ўша кунги учрашувдан кейин Шовот, Боғот, Ҳазорасп, Тупроққалъадаги тиббиёт бирлашмаларида бўлганимизда, филиал профессор-ўқитувчиларининг тиббиёт соҳаларида ҳам, маърифий ишларда ҳам, сиёсатда ҳам

пойтахтдагилардан кам эмаслигини ўз кўзимиз билан кўриб, вилоят таълим даргоҳларида ҳам замонга мос зиёлилар қатлами етишиб чиқаётганига гувоҳ бўлдик.

Тупроққалъа – саноат туманига айланди

Тупроққалъадан Урганчга 250 км., туман марказигача 170 км.ни ташкил этиши кўпгина оворагарчиликларга сабаб бўлаётгани ҳақида юқорига ёзишмалар кўпая борди. Чиндан ҳам, аҳолининг яшаш ва турмуш тарзи оғир аҳволга тушиб, уйлар ва йўллар таъмирталаб, ичимлик суви муаммолари йиғилган, ижтимоий соҳа объектлари ачинарли ҳолга келиб қолган эди. Президентимизнинг 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразмга ташрифи давомида янги туман ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди. 24 мартда Тупроққала тумани ташкил этилиб, маъмурий ҳудуд бирлиги белгиланди. 2020 йил 11 апрелда «Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президентимизнинг қарори асосида Республика комиссияси тузилиб, барча ташкилий масалалар ҳал этилди. Туманда ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш, меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 июндаги 346-сонли қарори қабул қилинди. Бу далилларни келтиришдан мақсад раҳбариятнинг муаммоларни оқиллик ва тезкорлик билан ечганлигини таъкидлашдир. Қарабсизки, ҳудуд аҳолиси ҳаётида бунёдкорлик даври бошланиб кетди. Ҳозирда аҳоли сони 55 минг нафардан ошади.

– Яна бир оқилона ечим: «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасида белгиланган имтиёзларнинг ҳудуд учун сақланиб қолиши туман ривожланишига асос бўлди, – дейди биз билан суҳбатда туман ҳокими Алишер Салаев.

Айрим маҳаллаларда бўлганимизда, одамларнинг кайфиятини кўриб қувондик. Олти ойда йўллар асфалт қилиниб, қишлоқларга тоза ичимлик сувини келти-

ришга 50 млрд. сўм сарфланибди. Биз Питнак шаҳри ва бугунги Тупроққалъа қишлоқларини то Туркманистон чегарасигача ўтиб борганимизда, ҳали эндигина иш бошлаган қурилиш объектларига кўзимиз тушди. Баҳорга бориб, учта саноат корхонасида янги линиялар ишга туширилади. ДАМАС машинаси чиқарадиган «UzAuto Motors» АЖ Хоразм вилояти филиалида янги «Press» цехи (200 нафар ишчи), «Future Industry System» МЧЖда двигателлар ишлаб чиқариш (200 нафар ишчи), «NEW BEST STYLE» МЧЖ да гул қоғоз (50) маҳсулотлари, туманда эса 2021 йилнинг ўзида 5018,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Вилоятдаги ислохотлар ижроси Президентимизнинг доимий назоратида турибди. Селектор йиғилишида ҳар бир вилоят ҳокими маҳаллий бюджет ҳисобидан 100 нафар, ҳар бир олийгоҳ эса 30-50 нафардан хотин-қизларнинг контрактини тўлаб беришга масъул бўлиши маъқулланиши ислохотларнинг амалий ечимига куч-қанот бағишлади. Демак, 5000 дан зиёд ота-онасининг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларга давлатимиз инсонпарварлик ва ҳомийлик кўмагини бермоқчи. Ажойиб ташаббус!

Хоразмда режадаги тадбирлар мазмуни шундаки, «Ҳар бир оила-тадбиркор», хунармандчиликни ривожлантириш, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш дастурлари, маҳаллабай тизими чекка туманларда ишга тушгач, мусофирчиликдан зериккан кўплаб хоразмлик меҳнат мигрантлари она қишлоғига қайтмоқчи. Дейлик, Тупроққалъада 1792 нафар юртига қайтган фуқарони танлаган йўналиш бўйича қайта касбга ўқитиш ва ишга жойлаштиришга киришилган. Вилоятда тадбиркорлик курсини битираётган 500 дан ортиқ ёшларга ҳам янги ишлар тақсимланади.

Хотима

Маълумки, 2021 йилнинг 14 феврал куни «Миллий» телеканалимизда Ўзбекистон киноижодкорлари ва Тур-

киянинг «Боздаг фильм» компанияси томонидан суратга олинган «Мендирман, Жалолиддин» (аслида «Жалолиддин Хоразмшоҳ» деб номлаш жоиз) сериали премьерасининг илк фасли бўлиб ўтди. Тарихчилардан Жувайний, Рашидиддин ва бошқаларнинг ёзишича, сўнгги шахзода Жалолиддиннинг жасоратига қойил қолган Чингизхон ўз ўғилларига қарата «Отанинг фақат шундай ўғли бўлиши лозим. У оловли жанг майдонидан ўзини қутқариб, ҳалокатли гирдобдан нажот қирғоғига чиқдими, ундан ҳали улуғ ишлар ва қиёматли исёнлар келади», дейди ва унинг орқасидан таъқиб этишни тақиқлайди.

Ичанқалъадан Тупроққалъагача чўзилган маконда Жалолиддинлар авлоди яшайди. Биз бу авлодлар қони ва руҳида буюк Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий, қолаверса, Комилжон Отаниёзов, Омон Матжонларнинг ушалмаган орзулари бўй кўрсатишига, Хоразм эли бир вақтлардагидек иқтисодда ҳам, маънавиятда ҳам шонли доврўғини тиклашига ишонгимиз келади. Сабаби, кўҳна заминда яратилган қадим «Авесто» ўлмас асари эзгу ғояларини Македонский Юнонистон, Рим ва бутун Европага ёйган, сўнг Маъмун академияси биринчи Ренессансга асос солган тупроқ бу!

Жалолиддин Мангуберди (1198-1230) сўнгги хоразмшоҳ ҳисобланади. Унинг отаси хоразмшоҳлар мамлакати ҳукмдори Султон Аловуддин Муҳаммад бўлган. Шахзода Жалолиддин Мангуберди сўнгги жанги олди-дан ўз ҳамроҳларига. «Ватанни, миллатини жонидан зиёда севганлар бу йўлда мухтордирлар. Роҳатини, саломатлигини ўйловчилар истаган ерларига кетишлари мумкин» деб айтган эди³⁴. Ҳар бир хоразмлик юртини ҳаддан зиёд севгани боис, бегона масканларга кетиб қолмаган.

³⁴ <https://kh-davron.uz/ijod/tarjimalar/nomiq-kamol-jalolid-din-xorazmshoh-fojia-birinchiparda-xurshid-davron-tarjimasi>. 10.03.2021. Номик Камол. «Жалолиддин Хоразмшоҳ» фожиаси. Н. Камол 1840-1888 йилларда яшаган машҳур турк адиби, маърифатпарвар шоири бўлган (Б.О.).

ҚУНТ, ИЛМ ВА АҚЛ – БАРЧА МУАММОЛАР КАЛИТИ³⁵



2020 йилги «кўринмас ёв» коронавирус халқимизни турли синов ва имтиҳонлардан ўтказди. Ўтган ўтди, қолганлар оёққа туриш, йўқотишлар ўрнини тўлдириш устида бош қотирмоқда. Мамлакат раҳбарияти пандемия асоратларини бартараф этишга интилоқда. Бу борада давлатнинг бош ислохотчилик маҳорати яна бир қарра ўзини оқлади, дейиш мумкин.

Март ойида бошланган пандемия халқимиз учун жуда машаққатли кечди. Сардобадаги техноген, Бухородаги табиий офатлар...Аммо қишлоқлардаги одамлар билан жонли мулоқотни кечиктириб бўлмаслигини англаган раҳбарият олимлар, адиблар, шоирлар, санъаткорлардан иборат гуруҳларни шакллантириб, барча туманларга юборди. Бундан кўзланган мақсад – одамларга маънавий ва руҳий мадад бериш, келажагига ишонч туғдириш ва ижтимоий фаолликка ундаш эди.

Меҳнатқаш, сабр-иродали халқимизнинг менталитетида улкан қудрат яширинган. Тарихдан аёнки, ҳар қандай давлат халқ билан кенгашиб ишлагандагина кўзлаган мақсадига эришади. «Пирим Зайниддин Абубакр Тойбодий менга ёзмишларким, «Абулмансур³⁶ Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатни барча қилган ишлари ва айтган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёслаш мумкин; унинг

³⁵ <https://xs.uz/uzkr/post/har-bir-ishga-qunt-ilm-va-aql-bilan-yondashsak-muammolarni-bartaraf-eta-olamiz>
Халқ сўзи, 12.03.2021.

³⁶ Абулмансур – луғавий маъноси: зафарманд, ғалаба қозонувчи; Амир Темурни улуғлаб аталган унвонлардан бири.

айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтиргай»³⁷, дейилади давлат бошқарувига оид дастурий китобимиз «Темур тузуклари»да.

Юртимизда Соҳибқирон бобомизнинг ўғитларига амал қилиниб, халқ билан кенгашиш, қонун ва қарорларни муҳокама қилиш жараёнлари йўлга қўйилган. Халқ қабулхоналари, Президентнинг виртуал қабулхонаси, вилоятларда сайёр қабуллар тизими ишлаётгани, жумладан, кейинги тўрт йилда аҳолининг 4 миллиондан зиёд мурожаатлари юқори идоралар томонидан кўриб чиқилиб, аксар қисми ижобий ҳал қилингани шулар жумласидан.

Лекин вақт кутиб турмайди. Глобаллашув жараёни ҳокимиятдан тезкорлик ва аниқликни талаб қилади. Биз, фуқаролар 2020 йил охириги кунлари бир қанча сиёсий тадбирлар, жумладан, декабр ойида Ўзбекистон ёшлари форуми, Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси шоҳиди бўлдик. Халқимиз телевидение экранларидан кўзини узмай бўладиган ўзгаришларнинг садосини эшитди: **«Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади»**, деган ғоя асосида кенг қўламли ислохотларни амалга оширамыз»³⁸, деди давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Мурожаатномада. Хўш, Ўзбекистонда сиёсий ислохотлардан нима кутилмоқда? Нега қарорлар ижроси секин кетмоқда? Биз замон талаби даражасида қачон ўзгарамиз? Албатта, бундай саволлар бугун кўпчиликни қизиқтиради.

2021 йил февраль ойида «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масаласи юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз юқоридаги саволларга муфассал жавобни айтди: бу дастурни ҳануз давом этаётган пандемия шароитида, глобал инқироз кучайиб бораётган мураккаб

³⁷ Темур тузуклари. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт, 1991. –Б. 14.

³⁸ <https://president.uz/uz/lists/view/4057> 2020-йил 29- декабр. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси

бир вазиятда амалга оширишимизга тўғри келади. Ҳар қанча қийин бўлмасин, 500 минг нафар ёш ва 200 минг аёлни иш билан таъминлаш ҳамда 300 минг аҳолини камбағалликдан чиқариш лозим. Агар маҳаллабай тизимини жойига қўйиб, давлат идоралари дастурдаги вазифаларни **қунт билан, илм билан, ақл билан бажарса, кескин ўзгариш бўлади.**

Пандемия шароитида, ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ошди. Бугунги кунда «темир дафтар», «аёллар дафтари», «ёшлар дафтари»га киритилган юртдошларимизни улардан чиқаришда ақл билан ишлашимизга зарурат туғилмоқда.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қандай шароитда инсон ресурси, шахс омили, раҳбарларнинг профессионализи, билим даражаси мавжуд муаммоларнинг калитини топишга ёрдам беради. Ношуд, билимсиз, лоқайд ва бугунги сиёсатдан беҳабар раҳбарлардан воз кечилади, албатта. Зеро, Соҳибқирон таъбири билан айтганда, *«Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир»*. Демак, жамият ҳаётига дадил кириб келаётган иқтидорли, фидойи ёшлардан умидимиз бор.

Жамият ҳаётининг жони ва руҳи – маънавият

Кўпчилик кутганидек, 2021 йил мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб бурилиш даври бўлади. «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган ширдан келиб чиқиб, кадрлар сиёсатида кескин қадамлар ташланади. Аммо фуқароларимизнинг фикрлаш тарзи, дунёқараши, ўзаро муносабатида янгича қарашлар пайдо бўлиши лозим. Ҳуқуқий демократик давлатнинг қонун-қоидалари шуни талаб қилади. Агар фуқаро жамиятда кечадиган жараёнлар оқимидан орқада қолгудек бўлса, давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган қонунлар «ишламайди», ҳар қандай жамоатчилик назорати ҳам қутилган натижани бермайди. Қачонки, **фуқаро**

дунёқараши ва интилиши амалдаги давлат ҳокимияти фаолиятидан олдинда бўлсагина, миллат ва юрт ривожланади, акс ҳолда, жамият ҳаётида битта жойда депсиниш, турғунлик юз бераверади.

Президентимиз ташаббусига кўра, мактаб, лицей ва институт муаллимларининг маоши оширилиб, жамиятда ўқитувчининг обрў-нуфузини юксалтиришга эътибор қаратилаётгани нақадар тўғри қарор эканлигини кўпчилик чуқур англаб етди. Ҳар бир мамлакат тақдири муаллимга, таълим тизимининг сифатига боғлиқ. Мактаблар суист ишласа, дарслар хўжакўрсинга ўтилса, фарзандларимиз муҳитдан безийди ва савияси тушиб кетади.

Илм ва маърифатсиз одам йўлини йўқотиши, орзуларини рўёбга чиқаришига ақли ҳамда тажрибаси етишмаслигини Беҳбудий, Иброт, Фитрат, Авлоний сингари жаҳид боболаримиз эрта англашган, аҳволни ўнглашга уринишган ва афсуски, қаттол тузум уларни мукофотлаш ўрнига жазолаган эди.

Жаҳидларнинг ички оғриқлари ва бугунги кун муаммолари кўплиги миллий-маънавий уйғониш жараёнини кечиктирмоқда, дейишга ҳақлимиз. Шахснинг ички дунёси, тафаккуридаги бундай нуқсонларни фақат яхши мактабларимиз тузата олишга қодир.

Жанубий Африка Республикасидаги университетга кираверишда: «Ҳар қандай миллатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ радиусга таъсир қиладиган ракеталарга ҳожат йўқ. Фақат таълим сифати пасайтирилса ва имтиҳонларда талабаларга алдаш учун имкониёт яратилса бас... Таълимнинг барбод бўлиши — миллатнинг касодга учрашидир!»³⁹, деб ёзиб қўйилган. Нақадар аччиқ ҳақиқат сўзлари.

Мактабда фикр чарчланади. Жаҳоннинг турли минтақаларида юз бераётган талатўплар, тўнтаришлар илдизларини таҳлил этсак, ўқимаган, уюлмаган ёшларга жиддий эътибор қаратиш зарурлиги кун тартибига қалқиб чиқади. Халқ таълими тизимидаги энг катта

³⁹ <http://troll.uz> 09.11.2018.

камчилик – ёшлар ўртасида ўз фикрига эга бўлмаганларнинг пайдо бўлаётганидир.

Жамиятда фикр бўлсагина, у модернизациялашади, деган гап тўғри, аммо шарқона босиқлик, вазминликда ҳам гап кўп. Ижтимоий тармоқлардаги баъзи юртдошларимизнинг манманлиги, нокамтарлиги эса тафаккурдаги ноқисликдан бошқа нарса эмас.

Маърифатли мамлакатга айланиш йўли

Алломалар юрти бўлган Ўзбекистонни маърифатли мамлакатга айлантириш йўлида янада жипслашишимиз лозим. Бунинг учун янги таълим муассасалари, она тилидаги адабиётлар, ёшлар бирлашмалари ва волонтерлар хизмати керак бўлади.

Нега ўқувчилар адабий асарларни ўқимай қўйишди? Китоб дўконлари ёпилишига сабаб нима? Бунинг боиси шуки, бадиий асарлар мазмунида оддий халқ ҳаёти, ўй ва туйғулари акс этмаётир. Телевидение, интернет сайтларида сохталик, бачканаликнинг урчиб кетиши тагида одамларнинг билимсизлиги, моддиюнчиликка ишониб қолиши ётибди. Ўқувчи ва томошабин дидини ўстириш негизида ҳам китоб ўқимаслик муаммосини кўрамиз. Дейлик, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод асарларида, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шериятида, японларнинг «Ошин» филмида тасвирланган ҳаққоний драматик ҳаёт воқеалари, одамлар турмушидаги оддийлик, табиийлик ҳаммага бирдай ёқади. Олди-қочди, енгил-елпи нарсалар бугун ўқилади, эртага унутилади, чунки у инсон қалби тўридан ўрин ололмайди. Жамиятда инсон ички оламида инқилоблар ясайдиган, уни руҳан ўзгартирадиган китоблар ҳамда филмларга эҳтиёж сезилмоқда. Бунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда телеканаллар тахририятларида миллат руҳини тарбияловчи бадиий филмлар, юксак савиядаги адабиётлар рўйхати бўлиши тарафдоримиз.

«Оила кутубхонаси» лойиҳаси ҳақида тегишли ва-

зирлик, идора ва ёшлар марказлари аллақачон ўйлаб кўриши керак. Олий маълумотли ҳар бир ўзбек хонадони шахсий маънавиятини, ўз касбий маҳоратини оширувчи янги адабиётларни кўплаб миқдорда харид қилиши даркор.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ янги хизматларни йўлга қўйиши, китоблар, газеталарнинг (волонтёрлар хизмати) уйга етказилишини замон талабларига мос тарзда, тезкор ташкил қилмоғини сўраган бўлардик. Шу тариқа, мажбурий-ихтиёрий равишда кутубхоналар тизимига асос солинади. Туғилган кун, тўйлар, мактабни битириш сингари тадбирларда китобларни хонадонма-хонадон улашиш анъанаси юзага келарди (бир-бирига китобларини совға қилиш асли яхши анъана). Таҳлиллар шундан далолат берадики, уйда китоблар қанчалик кўп бўлса, болалар ҳам улардан шунчалик кўпроқ фойдаланади.

Айрим мутасадди агентлик ва идоралар ёрдамида шаҳарларда ҳамда қишлоқ ҳудудларида айланиб юрувчи **кўчма кутубхоналар**ни ташкил қилиш имкониятини ҳам ўйлаб кўрайлик. Агар шундай ташаббусларга қўл урилса, фуқароларимизнинг янада маърифатли бўлишига эришар эдик...

Китоб – фикр булоғи, маънавий юксалиш ва кенг мушоҳада этишнинг қуроли. Босма нашрлар ҳамда оммавий ахборот воситаларининг халққа етиб боришини таъминлаш – давлат раҳбари ғоялари ва ташаббусларининг тўлақонли рўёбга чиқиши, инсон омили ишга тушиб кетишининг гарови ҳисобланади.

«Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади», деган ҳаётбахш ғояда улкан маъно мужассам. Янги Ренессанс моҳиятига етиш ва тушунишда барибир китобхонлик, маърифийлик, илмлилик асосий ролни ўйнайверади.

Тўрт йил муқаддам жамиятимизда бошланган эркинлик ва ошкоралик шамоллари олий таълим тизимига ҳам етиб келди, назаримда. Қисқа вақт ичида институтлар сони қарийб икки баробарга кўпайди. Абитуриентлар учун бир неча олийгоҳни танлаш ва тест топшириш ша-

роитлари яратилди. Хориж институтларининг ўттиздан зиёд филиаллари очилди. Энди олий ўқув юртларидаги **коррупция ҳолатларига барҳам берадиган тизимга доир қонунчиликни такомиллаштириш лозим.**

Жаҳонда бўлганидек, университетлар тизимида мақсадли институт, техникум, амалий лабораторияларни очиш, уларни ишлаб чиқариш корхоналари билан боғлаш, битирувчиларни ишга тўғридан-тўғри жойлаштириш сингари масалалар устида бош қотиришимиз зарурга ўхшайди. Шундагина таълим иқтисодиётнинг «драйвер»ига айланади ва жамиятга фойда келтиради. Шу ниятда «Осиё аждарлари» номини олган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари (Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Таиланд)нинг **миллий ривожланиш моделларини ўрганувчи Илмий-амалий марказларни давлат томонидан очишни мақсадга мувофиқ**, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда олий таълим тизими тарқоқлиги, параллел бўлган мутахассис институтларнинг мавжудлиги ва илмий тадқиқот ишлари учун етарли даражада замонавий талабларга жавоб берадиган муҳитни яратишга қодир эмаслигини ҳисобга олиб, айнан бир шаҳарда жойлашган етакчи олий ўқув юртларини бирлаштиришни (ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам психологик фойдали) даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Олий таълимда шу орқали университетлар ва иқтисодиёт тармоқлари ўртасида ривожланган ҳамкорлик тармоғини кучайтириш, ихтирочиликни, инновацияларни ривожлантириш, янги халқаро ҳамда илмий алоқаларни йўлга қўйишга эришилса, бошқа мамлакатлардан катта миқдорда талабаларни қабул қилиш имкони яратилади, қўшимча маблағлар ҳам тушади.

Ёшларимизни сифатли таълимдан маҳрум этар эканмиз, уларни келажакдан маҳрум қилган бўламиз. Аммо фарзандларимизга яхши илм бериш, уларнинг дунёқарашини шакллантириш биз, катта авлоднинг қўлида. Соҳага салмоқли инвестиция жалб этилаётган бугунги даврда таълим тизимимиз тубдан янгиланиши ва жаҳон андозасига мослашишини истаймиз.

Президентнинг 2020 йил 29 октябрдаги Фармони билан тасдиқланган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепсиясида қайд этилишича, мамлакатимизнинг илм-фан сектори 100 дан ортиқ академик ва тармоқ илмий муассасаларидан иборат бўлиб, ҳозирги кунда 65 та илмий-тадқиқот институти, 31 илмий марказ (14 таси ихтисослаштирилган илмий-амалий марказ) ва 8 та бошқа турдаги илмий ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Бундай кенг имкониятдан тўлақонли фойдаланиш ҳозирдан бошланишини хоҳлаймиз. Яқинда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига креатив фикрлайдиган раҳбар тайинланди. Биз миллат келажагини ўйлаган янги вазирнинг илғор ташаббусларини ҳар жиҳатдан қўллашимиз керак. Англашимизча, олий таълим соҳасида замонга мос чуқур ислоҳотлар бошланиши ва коррупцион ҳолатларнинг камайиши кутилмоқда.

Ренессанс – уйғониш демак

Бизнингча, Ренессанснинг асосий аломатлари: тафаккурда ва илм-у ижодда догматизм, жаҳолатни мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий, фикрий имкониятларини юзага чиқаришдир.

Маълумки, XVII асрдан истилочилар дунёни, жумладан, Шарқ мамлакатларини бирма-бир бўйсундиргандан кейин, биринчи навбатда, Қуръоннинг нуфузи ва мақомини пасайтиришга уриндилар. Натижада инсон қалби, руҳияти, фикрларини чеклашга ўтилди, мусулмонларнинг тўғрилиқ, иймонлиқ, комиллик сари интилиши иккинчи даражага тушди. Шарққа йўл олган инглизлар, испанлар ва сўнгра, рус мустамлакачилари: «Сен моддий тарафдан бой бўлгин, қалб тарбиясини йиғиштириб, моддийончиликка берилгин», деган ёлғончи, ёт ғояларни сингдиришди. Шунда Қуръондан аста-секин чекиниш юз берди, чунки одамлар очкўзлиги, нафсга ўчлиги туфайли бой бўла бошладилар. **Ғарб ғоялари, технологиялари ахлоқ ва маънавиятдан кучлироқ чиқди. Шарқ олами қалб билан нафснинг курашида боши ерга тег-**

ди ва ютқазди. Тариқатлар йўқола борди. Бу Шарқнинг таназзулини бошлаб берган энг муҳим омиллар эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг учинчи Ренессанс асосларини яратиш борасидаги ўта муҳим, айтиш пайтда, мураккаб вазифани кун тартибига қўйганлиги негизида ана шу пойдевори қайта кўтариш вазифаси ётибди. Демак, мамлакатда **таълим ва бошқарув тизимини қайта қуриш даркор.**

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳокимият бошқарувининг замонавий услубларидан айрим маҳаллий раҳбарлар, ҳокимларнинг беҳабарлиги, уларнинг собиқ шўролар даврида шаклланган бошқарувнинг дўқ уриш ва кўрқитиш услубларидан фойдаланаётгани тараққиётимиз учун ҳамон тўсиқ бўлиб қолмоқда. Биз дунёнинг ривожланган давлатларига эргашар эканмиз, **шахс тарбияси ва кадрлар сиёсати тизимини бутунлай ўзгартиришимиз зарур.**

Сир эмаски, бугун эскича услубларни механик равишда қабул қилаётган раҳбар кадрлар, мамлакатда камбағалликда ҳаёт кечираётган аҳоли қисмининг мавжудлиги шароитида учинчи Ренессанс ҳақида фикр юритиш тўғримикин, деган саволни бераётганлар топилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда содир бўлган иккала Ренессанснинг бирортаси ҳам фуқаролар фаровон яшаган, ҳокимиятда барқарор бошқарув тизими ишлаган даврларда содир бўлмаган. Уларнинг барчаси жамиятда қарама-қаршилик ва муаммоларнинг мавжудлиги шароитида рўй берганлигини тарихий маълумотлар тасдиқлайди.

Юртимизда IX–XII асрларда содир бўлган биринчи Ренессанс тарихига назар солсак, буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг ёзишича, V–VII асрларда ўлкани босиб олган **араблар «Хоразмийларда мавжуд бўлган фанларни ўрганган кишиларни йўқ қилган».** Шунда маърифатпарвар ал-Маъмун ибн Муҳаммад ташаббуси ва саъй-ҳаракати туфайли Ренессанснинг асоси бўлгулик Маъмун академияси 1004 йилда ташкил топди. Академия атиги ўн уч йил фаолият олиб борган бўлса-да, XI асрда Марказий Осиёнинг Ренессанс марказига айлани-

шига замин ҳозирлади. Бу даврда сарой нотинч, ташқи хавф-хатарлар кучайган бўлишига қарамасдан, ўз халқининг истиқболини ўйлаган маърифатпарвар ҳоразмшоҳ олимларни моддий жиҳатдан тўлиқ таъминлади. Алломалар амалга оширган аниқ фанлардаги кашфиётлар ўн аср давомида бутун инсониятга хизмат қилиб келиши бараварида, ўзбек халқининг жаҳон миқёсидаги нуфузини ҳам дунёга кўз-кўз қилиб турибди. Тарихий маълумотни келтиришдан мақсад, бугун Президентимизнинг учинчи Ренессанс асосларини яратиш ҳақидаги илғор ғоялари ўз вақтида қўйилган вазифа эканлигини яна бир бор таъкидлашдир. Агар биз мавжуд муаммоларни ҳал қилганимиздан сўнг, Ренессанс ҳақида бош қотирамиз, деган фикрга келсак, битта жойда депсиниб турамиз ва муаммолар кўламининг янада кенгайишидан нарига ўта олмаймиз.

«Кўрдимки, экмаган ўрмайди», деган эди Шайх Нажмиддин Кубро. Улуғ ишларга қадам қўйган фуқароларимиз меҳнатларининг мевасини кўришни чиндан ҳам хоҳласа, қалбига билим, қаноат, жасурлик уруғларини экиб, уни доимо парваришлаб бормоғи лозим.

Олдимиздаги долзарб вазифалар

Бизнинг фикримизча, учинчи **Ренессанс асослари**ни яратиш ушбу муҳим вазифаларни ўз ичига қамраб олади: **биринчидан**, илм, маърифат ва маънавиятни юксак даражада ривожлантириш учун мактабга катта маблағларни сарфлаш; **иккинчидан**, маблағларни ўзлаштирадиган замонавий тафаккур салоҳиятига эга, фидойи, ватанпарвар тадқиқотчилар ва етук маърифий тарғиботчилар, нотиқларнинг армиясини шакллантириш; **учинчидан**, илм, фан ва маърифат соҳасида қўлга киритилган натижаларни мамлакат тараққиётига, миллат ҳамда халқ фаровонлигини таъминлашга йўналтира биладиган таваккалча тадбиркорлар ва ноанъанавий (креатив) услубга эга бўлган бошқарувчиларни топиш; **тўртинчидан**, Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқи

бозори (ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, бадий адабиёт, кино, санъатга оид муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ эгаларига уларнинг сотилган, телеэфирга узатилган маҳсулотларига доимий ҳақ тўлаб бориш)ни шакллантириш ҳамда республикамызда илмий натижаларни, ихтироларни тижоратлаштиришнинг самарадор механизмини яратиш; **бешинчидан**, фарзандларимизнинг қалбий руҳий тарбиясини шакллантириш, уларни ақлий меҳнатга ўргатиш, эътиқодини кучайтириш кўникмасини боғча ва мактаблардан бошлаш; **олтинчидан**, мамлакатда «Устоз-шогирд» анъанасини тўлиқ тиклаш; **еттинчидан**, таълим тизимининг жамиятдаги амалий эҳтиёжлардан узилиб қолганлиги, ижтимоий фанлар (инсон қалби, маънавий олами ва эътиқодини шакллантириш) соатларининг камайиб бораётгани ҳолатига барҳам бериш каби муаммоларнинг ечимини тезликда топиш.

«Маданият ва маърифат», «Ренессанс ТВ» телевизион каналларда дунёни лол қолдирган Нобел мукофоти соҳиблари, машҳур композиторлар, рассомлар, шоирлар ва адибларнинг (Навой, Бобур, Эйнштейн, Бальзак, Толстой, Достоевский ва бошқалар) ҳаётига бағишланган қисқа метражли филмлар намоиш этиб борилади. Инсоннинг эволюцион ўсиш нуқталари, ижод машаққатлари, ички туйғу ва исёнлари моҳирона тасвирга олинган ажойиб санъат асарлари ҳар қандай кишини фикрлашга, ҳаётга янгича қарашга даъват қилади. Шу ўринда бир савол қийнайди: «Буюк аждодларимиз ҳақида шундай филмлар яратишга қурбимиз етмайдими?»

Жамиятдаги ислохотларнинг биринчи сафида ўрта синф ва сиёсий элита боради, аммо не қисматки, мустақиллик йилларида биз ушбу қатламларни шакллантиришга улгурмадик ёки яхши шакллантира олмадик. Демак, **Ренессансни амалга оширувчи, жамиятни ортидан эргаштирувчи кучли қатламга эҳтиёж ортиб бораверади**. Бу – биринчидан. Иккинчидан, Япония, Хитой, Сингапур, Малайзия тажрибасида кўрилганидек, биз қишлоқ хўжалиги соҳасига урғу беравермасдан, тур-

ли замонавий хизматларнинг сони ва сифатини оширишга ўтишимиз керак.

Пандемиядан кейин давлатимиз раҳбари янги хизматларни ва ишчи ўринларини очишга улкан маблағ ажратаётгани даврнинг талабларига жуда мос тушади. Дунёда пандемия шароитида ўнлаб касблар йўқолиб, яна шунча касблар пайдо бўлмоқда. Биз ахборот-коммуникация технологияларига ихтисослашган мактаблар, лицейлар, техникумларни кўпроқ очсак, тезда у ўзини оқлайди ва анчагина иш ўринлари яратилади.

Сир эмас, хорижда хизматлар кўрсатиш иқтисодиётининг даромадли тармоғига айланиб, ялпи ички маҳсулотда сервисларнинг улуши ўртача 65 фоизни ташкил этса, мамлакатимизда у 35 фоизга тенг, лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада вужудга келмоқда. Демак, хизматлар соҳасида (туризм, меҳмонхона, ўқув, молия-иқтисод, қурилиш, консалтинг, патентшунос ва ҳоказо) кам харажат сарфлаб, ишлаб чиқаришга қараганда 3-4 барабар кўпроқ фойда олиш имкониятига эгамиз.

Онлайн хизмат кўрсатувчи компаниялар учун 6,2 миллион ўқувчига эга Ўзбекистон – йирик таълим бозоридир. Пулдор инвестор ва тадбиркорлар келажакни олдиндан кўра билса, таълим улар учун пул тикадиган кучли соҳа бўлиши мумкин. Глобаллашув шароитида замон ана шундай шиддат билан одимламоқда. Яқин йилларда **«рақамли дарслик»**, **«виртуал сумка»**, **«онлайн мактаб»**, **«рақамли диплом»**, **«рақамли ўқитувчи»** каби атамалардан фойдалана бошласак, асло ажабланманг.

Аммо бундай инновацион янгиликларни амалиётда қабул қилишга сиёсий, психологик жиҳатдан тайёргарлик кўришимизга тўғри келади.

«Илоҳи, ғафлат уйқусидамен, бедор қил...»

Хотима ўрнида милoddан олдин қадимги Хитой таърихига доир бир ибратли мисолни келтираман. Машхур файласуф Конфуций Сзи-Чун исмли шогирдининг «Давлатни қандай бошқармоқ даркор?» деган саволига ўй-

ланиб туриб, шундай жавоб берган: «Давлатни тўғри бошқармоқ учун ҳукмдор – ҳукмдорлигича, амалдор – амалдорлигича, ота – оталигича, ўғил – ўғиллигича қолмоғи лозимдир». Бу гаплардан хулоса шуки, ҳар бир раҳбар ва оддий фуқаро касбини ҳаддан зиёд севиши, ўз ишининг устаси бўлиши, юртининг равнақи учун кундалик вазифаларни виждонан бажарган тақдирдагина, биз фаровон жамиятни қура оламиз.

Давлатимиз раҳбарининг **«жамият ҳаётининг жони ва руҳи маънавият»**, деган фикри замирида оқ-қорани таниган, давр синовларидан мардона ўтган, илмли ҳамда маърифатли юртдошларимизни ёшларни маънавий тарбиялаш, ҳаётнинг оғир синовларига маънан ҳозирлашда кўмак кўрсатиш даъвати ётибди. Ахир, япон, корейс, сингапурлик фуқаролар ҳам фаровон жамиятни қуриш учун ўн йиллар кеча-ю кундуз тиним билмай ишлаган...

Ҳазрат Навоий: «Илоҳи, ғафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлигидамен, ҳушёр қил»⁴⁰, деганларидек, **Маънан уйғониб, фаол инсонга айланиб**, миллатнинг дардларига дармон бўлишлик ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айлансин.

⁴⁰ <https://forum.ziyouz.com/index.php?topic=3470.0> 16.03.2009. Алишер Навоий. Муножот. Матнни изоҳлар ва таржималар билан нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. Т.: Камалак, 1991.

ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ – ЖАМИЯТ ЭРКИНЛАШУВИ ОМИЛИ⁴¹



Сиёсатшунослик илмига кўра, **давлат хизматининг жамият билан ўзаро мулоқоти қуйидаги қоидаларга асосланади:** жамиятни давлат сиёсати ҳақида хабардор қилиб борилиши, маълумотларни ҳар бир фуқарога етиб бориши; жамият билан муносабатлар жараёнидаги тадбирларнинг ранг-баранг бўлиши; маълумотларни тўғри ва тўлиқ етказилиши; жамият учун йўналтирилган маълумот содда ва тушунарли шаклда бўлиши; мулоқот юқори этика даражасида ташкил этилиши. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда аҳолининг электрон ҳукумат тизими ёрдамида маҳаллий бошқарув фаолиятида иштирок этиши ҳукуматни бир гуруҳ кишилар қўлида бўлиб қолиш ва коррупциялашиш имкониятини камайтирмоқда. Фуқаролар ўзларининг янги ғоя, фикрларини бошқа фуқароларга зарар етказмаган, миллий хавфсизликка ёки жамоат тартибига хавф туғдирмаган ҳолда, оммавий тарзда ифода қилиш ҳуқуқларига эга бўлмоқда. Бунда электрон ҳукуматнинг ўрни беқиёс, деб ўйлаймиз. **«Электрон ҳукумат» деганда давлат ҳукумати органлари олдида турган вазифаларни ечиш усулларини ўзгартириш учун яратилаётган ахборот тузилмаси тушунилади.** Масалан, давлат секторлари олдин ахборот технологияларини алоҳида департамент ва ташкилотларда ички фойдаланиш учун қўллаган бўлса, эндиликда ахборот технологиялари катта қимматга эга бўлиб, «тезкор, яхши, арзон, мурожаат этиш мумкин бўлган» тамойилларига асосланиб фаолият юрита бошлади.

Давлат ва жамият тизимида модернизациялаш элек-

⁴¹ <https://xs.uz/uzkr/61922> «Халқ сўзи» 11.08.2021.

трон ҳукуматга кўп томонлама боғлиқ жараён бўлиб, давлат органлари фаолиятида аҳоли учун АКТни жорий этилиши бараварида давлат бошқарувида янги имконият яратилади. Бизнингча электрон ҳукумат жамият ҳаётида икки муҳим вазифани бажаради: **биринчиси**, ҳукумат ва жамият ўртасидаги муносабатларни яхшилайди; **иккинчиси**, турли даражадаги давлат ташкилотлари (марказий, ҳудудий, маҳаллий) ва турли соҳалардаги (қонунчилик, ижро, суд ҳокимияти) идоралар ўртасидаги ички муносабатларни мустаҳкамлайди. Электрон ҳукумат тизимида шаклланган 200 дан зиёд давлат хизматлари турлари маълумот ва хизматларни аҳолига, банк, бизнес ва давлат органлари шаҳобчаларига, идора ва ташкилот раҳбарларига етказиш, ахборот технологияларидан юқори даражада фойдаланиб, буюртмачи ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар масофасини қисқартириш вазифасини яхши адо этмоқда.

Давлат бошқарувида электрон ҳужжатнинг айланиши тизими - Электрон ҳукумат мамлакат миқёсида барча бошқарув жараёнларини автоматлаштиришга асосланади. Қолаверса у давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида жамият аъзолари учун ижтимоий коммуникация тармоқларини ташкил этмоқда, жамият бошқарувининг умумдавлат тармоқланган ҳужжатларини бошқариш ва қайта ишлаш жараёнларига боғлиқ бир қатор масалалар мажмуасини шакллантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган биринчи йўналишида мамлакатимизни модернизация қилишда «Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш, давлат хизматлари сифати ва самарасини ошириш вазифаси аниқ белгилаб берилди. Демак, **ҳукуматнинг мазкур тизимни йўлга қўйишидан кўзланган мақсад**: аҳоли ва тижоратга ҳукумат томонидан кўрсатилаётган хизматларни оптималлаштириш; барча сайловчиларнинг давлатни бошқариш ва раҳбарлик

жараёнидаги иштироки даражасини ошириш; фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш; фуқароларнинг технологик таъминланганлигини кўтариш; давлат бошқарувида сарф харажатларни камайтириш, сиёсий тизимнинг самарадорлигини ошириш ва рақобатбардошликни таъминлашдан иборат. Ушбу масалаларнинг ечими давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари самарадорлигини ошириб, уларга боғлиқ сарф-харажатларни 5-6 баравар камайтирибгина қолмасдан, жамият билан ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тубдан яхшилади, десак муболаға бўлмайди. Бу, ўз навбатида, жамиятни сиёсий модернизациялашуви ва давлатимизнинг халқ олдидаги масъулиятини юқори поғонага кўтарилаётганидан дарак беради. Илмий таҳлиллар шундан далолат берадики, Ўзбекистонда 2015 йиллардан бошлаб электрон ҳукумат тизими шаклланиши натижасида давлат ва жамият муносабатларини мувофиқлаштириш, ўзаро электрон мулоқот ва келишувлар туфайли сиёсий қарама-қаршиликларни барҳам топтириш, ҳукуматга бўлган халқ норозилигини камайтириш имконияти яратилди. Бу эса мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий соҳада эришилган энг яхши ютуқларимиз сирасига киради.

Мамлакатимизда давлат ва жамият тузилмалари фаолиятида электрон ҳукумат учта босқичда жорий этилди:

Биринчи босқичда АКТ воситаси давлат органлари ахборотларига ташкилот, корхона ва фуқароларнинг муурожаатини кўришни тезлаштирди ва аниқ манзилени белгилади. Уни амалга ошириш учун давлат органлари ўз веб-сайтларини яратишди, сайтлар рейтинги эълон қилинди, уларга қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, керакли шакллар, статистик ва иқтисодий маълумотлар киритиб борилди. Бу босқичнинг асосий элементи маълумотларнинг тез янгиланиши ҳамда барча давлат ахборот ресурсларини жамлаб, «Ягона дарча» орқали муурожаатни таъминловчи давлат веб-порталининг мавжудлиги ҳисобланади.

Иккинчи босқичда давлат хизматлари (кўчмас мулк ва ер майдонларини рўйхатга олиш, солиқ декларацияла-

рини тўлдириш, рухсатнома олиш учун аризалар бериш ва бошқалар) онлайн режимида тақдим этилди. Мазкур босқичга ўтиш бюрократик тўсиқларга барҳам берди, мураккаб жараёнлар соддалашди, ташкилот раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар пайдо бўлди. Бу босқичда ҳукумат органларига электрон шаклда (**e-services**) «Ягона ойна» орқали ҳафтанинг 7 куни ва куннинг 24 соати мобайнида хизмат кўрсатиладиган бўлди.

Учинчи босқичда давлат сиёсатини ишлаб чиқишнинг жамики жараёнларида оддий фуқаролар ва фирмалар раҳбарларининг сиёсатчилар ва раҳбарлар билан интерактив муносабатлари таъминланди. Бу ишлар асосан веб-форумлар орқали амалга оширилиб, қонунчилик далолатномалари ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, таклиф ва тавсиялар жамланиб, қизғин муҳокама этилди.

Сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлар, соҳа мутахассислари электрон ҳукумат хизматини икки маънода талқин қилишади: биринчиси, янги ахборот технологиялари асосида давлат бошқарув фаолиятини такомиллаштириш ва аҳолига самарали хизмат кўрсатишни таъминлаш; иккинчиси, идоралар, ташкилотлараро муносабатлар усулини модернизациялаш (замонавийлаштириш), давлат бошқарувининг жамият билан ўзаро муносабатларини тўлиқ йўлга қўйишдир. Шу тариқа, давлат ва ҳукумат электрон воситалар ёрдамида аҳолига, бизнес-ташкилотларига самарали хизмат кўрсатилиб, вазирлик ва идоралар ўртасидаги муносабатлар такомиллашиб боради.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизими жамият модернизациялашувининг самарали кечигишга хизмат қилмоқда. Жумладан, бу тизим аҳолига ва тадбиркорларга қулай, тезкор хизмат кўрсатиш; фуқароларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш жараёнлари изчиллигини ошириш; уларнинг технологик саводхонлик даражасини кўтариш; сайловчиларнинг фаоллиги ва ижтимоийлашувини таъминлаш; фуқаролар географик жойлашуви таъсирини камайтириш; ҳудудлар аҳолиси сиёсий маданиятидаги фарқларни камайтириш сингари қўшимча имкониятларни ҳам яратиб бermoқда.

Хўш, бу тизим орқали биз нималарга эришдик? Аввало, маъмурий бошқарувнинг сарф-харажати камайди ва ижро ҳокимиятининг самарадорлиги анчагина кўринди; жамият ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мазмун-моҳияти ва шакли ижобий томонга ўзгарди; демократик жараёнларни такомиллаштиришга кенг имкониятлар яратилди ва халқ олдида давлатнинг масъулияти, жавобгарлиги ошди.

Биз мақоламиз сўнгида электрон ҳукумат тизимида ўз ечимини кутаётган айрим **муаммолар**ни ҳам келтириб ўтмоқчимиз. Булар: ҳукумат ахборот тизимлари ўзаро мувофиқлигини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг компьютер тармоғига кенг доирада кира олишини таъминлаш; давлат ахборот тизимлари интеграциясига эришиш; маълумотларга мурожаатларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш; ахборот-маълумот тизимини ривожлантириш ва давлат хизматларини тақдим этиш жараёнида электрон коммуникацияни жорий этиш; олинган натижалар асосида бошқарув тизимини янада такомиллаштиришдан иборат.

Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиётнинг такомиллашган концептуал моделига айланди. Бундай модернизациялаш аслида анъанавий жамиятни замонавийлаштириш бўлиб, миллий ривожланишда бир қадам олға силжишни билдиради. Халқаро андозалар, жаҳон талабларига етиб олиш мақсадида **Ўзбекистонда сиёсий модернизациянинг жадаллашган моделига ўтилди, дейишга асослар мавжуд**. Бизнинг назаримизда, давлат бошқарувида янгича ёндашув ва тамойилларни ишлаб чиқишга тараққиёт йўлимизнинг **танқидий таҳлили**, жаҳон бозори конъюнктурасининг кескин ўзгараётгани, глобаллашув шароитидаги тобора кучаяётган рақобат каби **омиллар** сабаб бўлди.

Сиёсий ҳокимиятнинг вазифаси –халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмлари-ни мустаҳкамлашдир.

Хулоса шуки, электрон ҳукумат тизими жамият эркинлашуви ва фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллиги ўсишига хизмат қилмоқда.

БУНЁДКОРЛИК ФАЛСАФАСИ⁴²



Янгиланишлар, энг аввало, тафаккурдан бошланиши лозим. Халқ дунёқараши ўзгариши — ислохотларнинг асл дебочаси. Онги, юраги, руҳи уйғоқ одамлардан эса чинакам фидойилик, ташаббускорлик ва яратувчанликни кутиш мумкин. Бунёдкорлик фалсафасининг асл моҳияти ҳам шу.

Президентимиз яқинда матбуотга берган интервьюсида бу ҳақда тўхталар экан, маънавий уйғоқ жамиятни қудратли кучга қиёс этди. Қувонарли жиҳати, бугун одамлар уйғонмоқда, жамият ўзгармоқда.

Ислохотларнинг янги даврига қадам қўйганимизга ҳадемай беш йил тўлади. Шу ўтган даврда нималарга эришдик, нималарга улгуролмадик, келажакда яна қандай ишларни амалга оширишимиз керак, деган саволлар бугун ҳар бир ижтимоий фаол юртдошимизнинг кўнгилдан, хаёлидан ўтаётганига шохид бўламиз.

Бизга кучли кадрлар керак!

Юрт тараққиётига дахлдор стратегик вазифаларни рўёбга чиқариш учун кучли мутахассислар етишмайди. Чунки мураккаб давр муаммоларини эскича фикрлайдиган, эски услубда ишловчи бюрократик кадрлар билан ҳал этиб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистонда хориждан ватандошларимиз ва етук мутахассисларни жалб этиш тажрибаси кенг қўлланилди. Вазирлик ва идораларга АҚШ, Буюк Британия, Япония, Европанинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олган ва катта иш тажрибасига эга 35-40 ёшдаги кадрлар тайинланиши бу борада дадил қадам бўлди. Айни мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган орган

⁴² <https://xs.uz/uzkr/62498> «Халқ сўзи» 23.08.2021.

ташқил этилди. Шу тариқа кадрлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услублари жорий қилинди. Бинобарин, давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизими яратилди. Бу давлат хизмати жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини бериши билан аҳамиятлидир. Маҳаллий бошқарув тизимини модернизациялаш, демократик ислохотларни амалга оширишда, аввало, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашнинг долзарб вазифасига айланди.

Шу ўринда, БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси доирасида 2017 йилда ёзилган бир тадқиқотимиз ҳақида тўхталиб ўтсам. Ўшанда (*Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш механизмлари. Т.: Global Books, 2017, 72 бет*) очиқлик кўрсаткичи бор-йўғи 30-35 фоизни ташқил этган бўлса, 2021 йилда у 80-85 фоизга етиб қолибди. Демак, давлат бошқарув органлари замон талабига жавоб беришга интилмоқда. Қисқа вақт ичида давлат ва бизнес тузилмаларнинг жамоатчилик билан таъсир алоқалари шаклланди, ижро ҳокимияти органларида амалга оширилган ишлар ва яқуний натижалар ўртасида фарқ миқдори ошди. Ижро ҳокимияти органлари функциялари кўпайиб бораётгани сабабли бу кўптармоқли фаолиятни қамраб олиш имконини берадиган электрон, онлайн тизимлар вужудга келди.

БМТ бош минбаридан янграган ҳақиқатлар

Марказий Осиё — муҳим геосиёсий нуқтада жойлашган минтақа. Ўзбекистон хорижий ва қўшни мамлакатлар билан олиб бораётган очиқ, конструктив, ўзаро манфаатли ташқи сиёсати билан ана шу минтақа ҳаётидаги туб ўзгаришлар субъекти. Эндиликда нафақат маданий-маърифий алоқалар ва дўстона муносабатларимиз тикланди, балки иқтисодий-сиёсий соҳаларда ҳам ҳамкорлигимиз мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги тарихий нутқида жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бораётгани, барча жабҳада чуқур ислохотлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу орқали бутун дунё Ўзбекистон демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишга киришганига ишонч ҳосил қилди. Ўз навбатида, жойларда Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилиши, Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилганини жаҳон афкор оммаси мамнуният билан қабул қилди. Хорижга чиқиш визалари бекор қилиниб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи бўйича миллий ва халқаро нодавлат ташкилотлар билан очиқ мулоқот фаоллашиб бораётгани ижобий қадам бўлди. Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилиниши бағрикенглик сиёсати, ОАВнинг ўрни сезиларли даражада ошаётгани эса сўз эркинлиги таъминланиши йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар сифатида баҳоланди. Жаҳон оммасига Ўзбекистон иқтисодиётида ўзгариш ясаган аҳборот сифатида 2017 йил 1 сентябридан миллий валюта-ни эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилгани маълум қилинди. Булар демократик ислохотлар жараёни жадаллашганидан дарак беради.

Ҳар ташаббус ортида халқ дарди бор

Ислохотларга илғор ғоя ва ташаббуслар туртки бўлади. Юртбошимиз беш йиллик фаолияти давомида бир қатор муҳим ташаббуслар билан чиқди. Марказий Осиёда ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши қўшничилиқни мустаҳкамлаш — шулардан биринчиси. Иккинчиси Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш масаласида ўз аксини топди. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш - учинчи муҳим ташаббус. Эътиборлиси, мазкур глобал муаммолар ечимига чақириқ БМТ томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон раҳбари кўтарган долзарб масалалардан бири дунёда терроризм таҳдидлари кучайиб бораётган паллада ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифага айланиши керак, деган фикр эди. «Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда. Бугунги дунё ёшлари сони жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этади. Бизнинг асосий вазифамиз ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир, — деди Президентимиз. — Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим». Шу муносабат билан халқаро ҳуқуқий минбардан туриб ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёевнинг яна бир ташаббуси Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини, Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш баробарида, сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган маҳсус резолюсиясини қабул қилиш таклифи эди. Бу ҳужжатларнинг асосий мақсади барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Булар ҳаммаси жамиятни модернизациялаш, мамлакатни ислоҳ этиш жараёнида халқаро мезонларга дадил ўтилаётганидан далолат беради.

Имкониятни яқинимиздан излайлик

Бугунги ташқи сиёсатда Марказий Осиёга устуворлик берилаётганини илғаш мумкин. Бу — ҳар томонлама чуқур ўйлаб танланган йўл, деб ҳисоблаймиз. Марказий

Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айланиши тарафдори ва ташаббускори. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш тўғрисидаги таклифи ҳам амалга ошди. Ушбу мулоқотнинг биринчиси 2018 йил 15 март куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Иккинчиси 2019 йил 29 ноябр куни Тошкент шаҳрида ўтказилди. Аммо коронавирус пандемияси авж олиши туфайли 2020 йилги учрашув ортга сурилиб, 2021 йил 6 август куни Туркменистоннинг «Аваза» миллий туризм зонасида ташкил этилди. «Халқ дипломатияси» имкониятларини кўпроқ ишга солиш, парламентлар ва медиа соҳани жалб қилиш ғоят муҳимдир», деди анжумандаги нутқида Президентимиз.

Ўзбекистоннинг турли қитъалардаги кўплаб мамлакатлар ва давлат уюшмалари билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Бу борада эса қоларли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, божхона тўловлари ставкалари икки баробар камайтирилди, 3 минг 550 та маҳсулот номлари ва 1 минг 122 турдаги маҳсулотлар аксиз солиғига импорт божларининг нол ставкалари қўлланилди. 2016-2020 йилларда барча манбалар ҳисобидан асосий капиталга жами 89 млрд. долларлик инвестиция киритилди, улардан 19,5 млрд. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлардир. Шунингдек, 2016-2020 йилларда республиканинг умумий экспорти 72,5 млрд. долларни ташкил этди, шундан 2020 йилда 15,1 млрд. долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди, бу эса 2016 йилга нисбатан 25 фоизга кўпдир.

2021 йил 15 март ҳолатига кўра, фуқаролари учун Ўзбекистонда визасиз режим жорий қилинган мамлакатлар сони 90 тани ташкил қилди. Охирги уч йил ичида ушбу рўйхатдаги давлатлар сони 10 баробардан ошди. Бу эса ушбу даврда туристлар оқими деярли 4 баравар кўпайишига олиб келди.

Аммо шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатлари олдида **чегара, сув муаммоларини** ҳал қилиш вазифаси турибди. 2020-2021 йилдаги пандемия туфайли дунё бўйлаб ҳаво йўллари тармоғи 60 фоиз, меҳмонхона ва туризм соҳаси 70 фоиз даромадидан айрилди. Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ўсиши 5,6 фоиздан пастга тушди. Ўзбекистон иқтисодиёти пасайишига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида ташқи савдо ҳажмининг кескин қисқариши, мигрантлар пул оқимлари ҳажми 50 фоиздан кўпроққа пасайиши ва ҳукумат томонидан жорий қилинган карантин чекловлари туфайли ички бозордаги истеъмол ва талабга доир ҳолатнинг ёмонлашуви содир бўлди.

Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Носировнинг фикрича, Бостон халқаро консалтинг компанияси ҳисоботига кўра, Марказий Осиёнинг келгуси 10 йил мобайнида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш салоҳияти 170 миллиард долларга тенг, шу жумладан, 40-70 миллиард доллар хом ашё сектори билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга жалб қилиниши мумкин. БМТ маълумоти бўйича, самарали иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш Марказий Осиё давлатларининг ЯИМ ҳажмини (2020 йилда 291 млрд. доллар) икки баробар ошириш имконини беради. Демак, иқтисодий ва сиёсий манфаатларимизни олисдан излаш ўрнига, қўш-нилар билан амалий ҳамкорликни кучайтириш лозим.

Ислоҳот марказида инсон манфаати ётибди

Халқаро экспертлар фикрича, стратегик мақсадлар мамлакатнинг халқаро майдонда ўз олдида қўйган вазифаларини тўла амалга оширишда янги-янги имкониятларни тақдим этади. Ўзбекистон эса давлат дастурлари ва қонунларни қабул қилиш билан чекланиб қолмай, уларни ҳаётга изчил татбиқ этишга интилоқда. Ҳаракатлар стратегиясида жамият равнақига хизмат қиладиган ўнлаб устувор соҳалар қамраб олинган. Масалан,

2017 йилдан бошлаб, халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланмоқда, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан шериклик алоқалари қайтадан тикланди. Ўзбекистонга ЕТТБ яна қайтди. Улар жамият қатламларида шаффофликни ошириш ва маҳаллий статистикани мувофиқлаштириш борасида ҳукумат билан ишламоқда. Кейинги қадам суверен облигацияларни ишлаб чиқариш бўлади.

Янги Ўзбекистон стратегиясининг бош мақсади демократик жамиятнинг жадал ривожланишини таъминловчи ички механизмларни тезроқ барпо этишга қаратилган. Қувонарлиси, ҳозиргача бу борада кенг кўламли ишларни бажаришга эришилди. Давлат бошқаруви такомиллаштирилиб, жадал ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига мувофиқлаштириб борилмоқда. Бизнингча, ютуқларимизнинг асосий омили ислохотлар узоқ муддатли концептуал стратегияга асосланганлиги билан характерланади.

Ислохотлар давом этади. Чунки, Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги Ўзбекистон – бу ҳали том маънодаги, биз орзу қилаётган, интилаётган Янги Ўзбекистон эмас. Ҳали бу маррага етиш учун олдимизда жуда олис ва машаққатли йўл турибди. Йўлимиз шу пайтгача осон бўлгани йўқ, бундан кейин ҳам осон бўлмайди. Лекин биз дадил олдинга боришдан, керак бўлса, кутилмаган, аммо пировард натижаси самарали ва халқимиз манфаатларига жавоб берадиган ноанъанавий қарорлар қабул қилишдан чўчимаслигимиз зарур.

“Мен бошқарувга битта аниқ ўйлаб чиқилган мақсад билан киришдим: англиз жамиятини тўлиқ давлат қарамоғидаги боқимандалик ҳолатидан ўз келажига тўлиқ ишонган тадбиркор ҳолатига; “ўтирализ” ва “кутализ” Англияси ўрнига “уйғон” ва “юр” Англияси ўрнатилиши учун анъанавий “марҳамат қилиб менга беринг”дан “ҳаммасини ўзимиз қиламиз” миллатига ҳақ ўзгартириш!”.

**Буюк Британия бош вазири
Маргарет Тетчер⁴³**

Иккинчи фасл

КАТТА ФАРОВОНЛИК ЖАМИЯТИ ТАЖРИБАЛАРИ

ШАРҲ

Катта фаровонлик жамияти – инсон бахтли ҳаёт кечириши, бой-бадавлат яшаши таъмин этилган юқори поғона. XVI асрдан сўнг Ғарб мамлакатлари фуқаросига бахт-омад кулиб боқди, индивидуализм ва хусусий мулкка эгалик ҳуқуқи берилди. Дин ва давлат ишлари айри бўлгандан кейин тараққиётга юз бурилди. Ғарб олами иқтисод, сиёсат, ижтимоий ҳаёт бобида дунё аҳлига ибрат бўлди. Демократик тизим шахсга хизмат қилди. Аммо қадимги Юнонистон, Римдагидек, 2008 йиллардан бошлаб, иқтисодий, маънавий инқироз содир бўлгандан кейин Ғарбнинг айрим хатолари ўзига қимматга тушмоқда...

⁴³ Эргашев Ш. Бобоматов Т. XX аср: тарихлар қатида яширинган тақдирлар. –Т.: Ўзбекистон, 2018. – Б. 392

ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ МОДЕРНИЗАЦИЯСИ: ТАЖРИБА ВА САБОҚЛАР⁴⁴



Шарқдан ўрганиш даври

Бугунги кунда олимлар томонидан ислом маданияти билан Европа маданиятининг ўзаро муносабатлари масаласи имкон қадар тадқиқ қилинган. Ғарб олимлари негадир ўзларининг ҳозирги маданиятини қадим Юнон маданиятининг бевосита давоми, деб даъво қилдилар. Бу масалани россиялик маърифатпарвар олим **Исмоил Гаспринский (1851-1914)** махсус ўрганган. Унинг фикрича, юнон маданияти олдин ислом дунёсига ёйилган ва бир неча аср мусулмонлар уни тараққий эттириб, нуқсонларини озайтириб, Европага етказишган. Америкалик олим **А. Драбер «Европа ақлий тараққиёти тарихи»** китобида Сократ, Платон, Аристотел каби антик давр олимларининг асарларини Ғарбга мусулмонлар танитганлиги ҳақида гапириб, «Европанинг бугунги улуғ зиёси мусулмонлар ёққан шамъ ва чироқларнинг ёғдусидан майдонга келган»⁴⁵, деб эътироф этган эди.

Маълумки, юнон маданияти мусулмонлар ҳаётига VIII асрда – Аббосий халифа Абу Жаъфар Абдуллоҳ ал-Мансур (714-775) замонида кириб келди. 754-778 йилларда халифаликни бошқарган ал Мансур ўрта асрда дунёдаги энг йирик шаҳар ва илм-фан маркази бўлган Бағдодни қурдириб, пойтахти деб эълон қилганди. Илми эъзозлаган халифа ҳинд олимларидан илми нужумни, юнонлардан аниқ фанларнинг асосларини ўрганиб, уларни таржима қилишни ўйлаб юрарди. 431 йили дунёвий

⁴⁴ <http://uza.uz/oz/society/evropa-davlatlari-islo-otlari-tarik-hi-tazhriba-va-sabo-lar-b-18-02-2020>

⁴⁵ Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002. – Б.181.

қарашлари учун Эфес ибодатхонасида сазойи қилиниб, юртидан бадарға этилган патриарх Настор издошлари Эрон, Ўрта Осиё, Арабистон шаҳарларида дарбадар кезиб юришарди. Истеъдодли насторийлар гуруҳининг дарагини эшитган Абу Жаъфар уларни дарҳол ўзининг ҳимоясига олиб, саройга чақиради ва таржима ишларини бошлаб юборади. Қисқа вақт ичида антик даврнинг энг нодир асарлари араб тилига ўгирилиб, Бағдод, Шом, Хоразм кутубхоналари илм-ҳикмат хазиналарига жўнатилади. Хусусан, бу жабҳада Бағдодлик халифалар Абу Жаъфар ал Мансур, унинг невараси Хорун ар-Рашид ҳиммат ва фидойилигини намоён қилдилар.

Араблар Испанияси Европа илм-фанининг ривожига улкан хизмат қилди. Ўша даврда Андалузия пойтахти Қуртабо халифалиги хазинаси жами Европа мамлакатлари хазинасини бирга қўшганда ҳам кўпроқни ташкил этарди. Исмоил Гаспринский «Дорул-роҳат мусулмонлари» асарида таъкидлашича, **«1852 йилда Қуртабо кутубхонасида 600 мингта китоб бўлган, бутун ўлкада 70 та улкан кутубхона ишлаган»**. Европаликлар Андалузия мактаб-мадрасаларига келиб ўқишган. Европа Қуртабо мадрасаларидан андоза олиб, ўз университетларини қуради...Хуллас, инсоният тараққиётини янги бир босқичга қўтарган Европа илм-фанининг тамал тоши XII-XIII асрларда Андалузияда – мусулмонлар Испаниясида қўйилган эди.

Бироқ ҳар яхшиликнинг кушандаси бўлганидек, мутаассиблик деган офат қисқа муддатда ўлкадаги юксак ислом маданиятини йўқ қилиб ташлади. Қирол Фердинанд (1452–1505) Андалузияни мусулмонлар қўлидан қайтариб олгач, ўлкани жоҳилона суръатда мусулмонликдан «тозалаш»га киришди.

Ривожланиш босқичлари

Европа сиёсий тарихи IX асрда **Англияда** илк марказлашган давлатнинг шаклланиши билан бошланади. Нормандия қироли Вилгелм Фотих Англияни 1066 йил-

да забт этганидан кейин марказлашган давлат яратиш ҳаракати янги босқичга кўтарилди. XII асрда қирол ҳокимияти янада кучайди. 1689 йилда қабул қилинган «Ҳуқуқлар тўғрисида билл» ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами Англия сиёсий тизими шаклланишида етакчи рол ўйнади (ҳозирга қадар Конституция вазифасини бажаради). Ҳатто мазкур ҳужжатнинг тарихий илдизларига суяниб, АҚШнинг Конституцияси яратилди.

Германия сиёсий тизими ривожини ҳам ўзига хос ҳолда кечди. «Германияда 1356 йилда император Карл IV даврида Олтин Булла қабул қилинди. «Булла» сўзининг мазмунини кенг, у биринчидан, «юмалоқ муҳр»ни назарда тутса, иккинчидан, «қонунлар тўплами» маъносини билдиради. «Айнан ана шу Олтин Буллада императорни сайлаш қоидалари илк бор белгилаб қўйилган. Ҳужжатга кўра, немис курфюрстлари, яъни князь ёки беклари «Муқаддас немис миллати империяси»нинг императорини сайлаш ҳуқуқига эга бўлишган. Расман бу қоида то 1806 йилга қадар, яъни Наполеон I тажовузиғача давом этган бўлиб, ушбу тарқоқ «империя» Муқаддас Рим империяси номи билан юритилган»⁴⁶.

Инқилобий кашфиётлар ҳам қитъанинг тараққиётига хизмат қилди, дейишга ҳақлимиз. Мисол учун 1440 йилда немис Иоганн Гутенберг босма станокни кашф қилиб, китоб чиқаришни йўлга қўйгани, Христофор Колумб Американи очгани (1492), Васко да Гама Африкани айланиб ўтиб, Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини кашф қилгани (1498), Ф. Магеллан ўзининг узоқ давом этган саёҳатига асосланиб (1519–1522), Ер куррасининг шарсимонлигини исботлагани ҳамда география, геодезия фанлари эътироф этилгани, кимё ва астрономияда йирик ютуқларга эришилгани, шубҳасиз, Ғарбнинг тарихдаги катта ютуқлари эди.

Дунёда сиёсий модернизация жараёнини дастлаб Ғарб давлатлари бошлаб бердилар. Биринчидан, XVI аср биринчи

⁴⁶ Фармонов Р., Жўраев Қ. Қиёсий сиёсий тизимлар ва кўппартиявийлик. –Т.: ЖИДУ, 2000. –Б. 9-10.

ярмида шаклланган реформация⁴⁷ ҳаракати даврида протестантизмга асос солингани маънавий инқилобга тенг ҳодиса бўлди. Христианликнинг православ ва католикликдан кейинги учинчи кўриниши протестантизм⁴⁸ Германияда дворянлар синфининг ҳукмрон Рим папасига қарши ҳаракатидан бошланди. Сўнг, у Англия, Шотландия, Дания, Швеция, Финляндия, Норвегия, Голландия, Чехия, Венгрия, Швейцария ва қисман Германияда христианликнинг католик тизимидан ажралиб кетишига сабаб бўлди. Таҳлилимизга кўра, **«протестантизм таълимотининг тарихий хизмати** шундан иборатки, у руҳоний ҳокимиятнинг дунёвий ҳокимиятдан устунлигига, католик черкови, хусусан Рим папасининг пешволик ролига путур етказди, шахсий эътиқодни диндорликдан юқори қўйди, инсонни феодал иллатлардан озод қилиб, хусусий мулк ҳиссини уйғотди»⁴⁹.

Олимлар ва адибларнинг ватанпарварлиги

Энди навбат келди, қитъанинг ривожига улкан ҳисса қўшган олим-у адибларнинг ватанпарварлик ташаббуслари (ғоялари, таълимотлари) ҳақида ҳикоя қиламиз. Инглиз олими Жон Локк (1632–1704) 1688–1689 йилларда ўзининг сиёсий компромисс тўғрисидаги таълимотини яратди. Олим хусусий мулкка эга бўлиш инсон оиласининг яшаши учун зарур эҳтиёжни таъминлайди, у моддий нарсаларга эга бўлганда, индивидуал ривожланишга эътибор беради, деган хулосага келади.

XVII асрда **Голландия ва Англия** миллий саноатни анча ривожлантириб, Европада индустрлаштириш даврига пойдевор қўйдилар. Индустрлаштириш асида, модернизация – янгиланиш, замонавийлашишнинг илк талаби эди. Кўп ўтмай, Франция, кейинроқ Герман дав-

⁴⁷ Реформация– лотинча «шаклини ўзгартирмоқ», «тузатмоқ» маъносини беради.

⁴⁸ Протестантизм – лотинча «норозилик билдирувчи», «ошкора исбот қилувчи» дегани

⁴⁹ Омонов Б.А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: Алоқачи, 2019. – Б. 80.

латлари Пруссия, Австро-Венгрия анъанавийликдан замонавий жамият қуришга ўтдилар.

Модернизацияга доир қарашлар ғарб жамиятида ҳали шаклланмаганидан, улар олдида илмий ва амалий изланиш олиб бориш, илғор давлатларнинг тажрибасини ўрганиш масаласи турарди. Бу борада француз маърифатчиларининг қўшни давлатлар тажрибасини ўрганишга интилишини ажойиб ҳаракат, деб баҳолаймиз (*улар тажрибасини бугунги Ўзбекистон фидойи олимлари, адиблари ҳам қўллашига имконият мавжуд – Б.О.*). Французлар иқтисодий, сиёсий соҳада пешқадам Англия ва Голландиядан модернизация янгиликларини ўзлаштирдилар.

Бир неча мисоллар келтирамиз. 1722 йилда француз адиби **Ф. Вольтер** (1694-1778) Голландияга шу мақсадда иккинчи марта борганида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришдан таъсирланиб, қуйидагиларни ёзди: «Дунёнинг йирик савдо портлари жойлашган шаҳарни синчиклаб кўздан кечирдим. Портда мингдан ошиқ кемалар турибди. Амстердамнинг беш юз минг аҳолиси орасидан бирорта бекорчи, камбағал, олифта ёки биронта калондимоғ одамни кўрмадим. Биз пиёда, хизматкор ёрдамисиз, оддий халқ ичида юрган пенсионерий (*шундай лавозим эгаси – Б.О.*)ларни учратдик. У ерда девор устига чиқиб, шахзодани пойлашмайди. Мамлакатда меҳнаткашлик ва камтарлик ҳукмрон».

Ф. Волтер Англия ҳаёти билан танишиш ниятида 1726 йилги сафарида дунёга машҳур «Фалсафий мактублар» ёки «Инглиз миллати ҳақида мактублар» асарини битади. Бу гал адиб миллий иқтисод қайси йўлдан кетаётганини таҳлил қилаётиб: «Англия шаҳар аҳлини бой қилган савдо уларни озод қилишга имкон берган, озодлик, ўз навбатида, савдони кенгайтирган, шунинг ўзи давлатни улўғвор қилган. Англияликлар савдо-сотик ёрдамида денгиз кучларини ўз амрига бўйсундирган»⁵⁰, деб ёзган эди.

⁵⁰ Травин Д., Маргания О. Европейская модернизация: В 2 кн. Кн. 1 / . – М.: АСТ, 2004. – С. 151-153

Француз файласуфи **Шарл де Монтескё** (1689-1755) ҳам Европанинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини махсус тадқиқ қилган. «Қонунлар руҳи ҳақида» асарида таъкидлаганидек, «Инглизлар дунёнинг бошқа халқларига қараганда, буюк дин, савдо-сотик ва озодликни ардоқлашгани эвазига буюк миллатга айланишган!». Олим илмий тадқиқотига яна манбалар тўплаш учун бутун Европани кезиб чиқади. Англия парламентининг қарийб 12 соатга чўзилган йиғилишида ҳукумат билан мухолифат ўртасидаги мунозарага гувоҳ бўлади. Бу ғаройиб сафар Монтескёда ҳокимиятнинг бўлиниши ҳақидаги назариянинг яратилишига туртки беради. У қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятлари фақат қонун асосидагина ҳокимиятни сақлаб туриши мумкин, деган хулосага келган илк назарияётчи бўлди.

Локк, Вольтер, Монтескёлардан сўнг, сиёсий фикрлар ривожини Ж. Руссо (1712–1778), Э.Берк (1729–1797), Ж.Медисон (1751–1836) каби олимлар янги ғоялари билан бойитдилар. Шундай қилиб, бир аср мобайнида кенг қулоч ёйган **маърифатчилик ҳаракати** фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини демократик тартиботлар асосида қуришга олиб келди. Бизнингча, ҳар бир кичик давлат, жумладан, Ўзбекистон ҳам ана шу бой тажрибани ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ этишга ҳақли, деб ҳисоблаймиз.

Бироқ XVII-XVIII асрларда Европа давлатларида **маданиятларнинг хилма-хиллиги** бирқатор муаммоларни ўртага қўйганди. **Биринчидан**, давлатларда турли сиёсий моделлар (конституцион монархия, президентлик, парламент республикаси); **иккинчидан**, парламент сайловини ўтказишнинг ҳар хил механизми (мажоритар, пропорционал, аралаш); **учинчидан**, давлат бирлигини таъминлашда ёндашувлар (унитар давлат, федерация) турли-туманлиги сиёсий модернизация жараёнига жиддий таъсир қиларди. Чиндан ҳам, Европа кўплаб муаммоларнинг ечимига жавоб топадиган ягона ғояга эҳтиёж сезарди. Шунда атоқли немис олими **Макс Вебер** (1864-1920) замонавий ахлоқий назарияларни таҳлил қилиб, протестант этикаси руҳи асосида капитализм ривожланиши мумкинлиги концепциясини ишлаб чиқди. У «Протестантча этика ва ка-

питализмнинг руҳи» (1905) асарида ўзининг ғояларини илгари суриб, марксча таълимотга қарши чиқди. Кўплаб динларнинг «хўжалик этика»сини қиёсий танқидий таҳлил қиларкан, «капитализм даставвал Ғарбда ривожланиши мумкин», деган хулосага келди. Олим динлар ички моҳиятини ўрганиб, **дин саноат капитализми ривож ва ижтимоий тараққиётга ғов бўлишини яхши тушунди**, ғарбликларни бойликка эгаликни Худонинг неъматидеб билишга даъват қилди.

Йирик инглиз олими **Арнолд Тойнби** (1889-1975) 1934-1961 йилларда 12 жилдлик «Тарихни билиш» асарида юқоридаги эволюцион жараёнлар, Шарқ ва Ғарбнинг бир-бирини бойитган умумий жиҳатларини очиб беради. «Бу монументал асарда Тойнби кўп фактик материаллар асосида 26 та жамият ва 21 та цивилизациянинг вужудга келиши, равнақ топиши ва емирилиши жараёнини моҳирона тадқиқ қилди». Албатта, Ўрта Осиё цивилизацияси гуркираши ва инқироzi сабабларига ҳам эътиборини қаратди. Тойнбининг хизмати биринчиси, кейинги авлодларга бебаҳо тарихий асарини ёзиб қолдиргани, иккинчиси, цивилизацияларнинг синиши, таназзул босқичларига жамиятдаги ички портлаш олиб келишини, учинчиси, цивилизацияларни ривожлантирувчи куч ижодий элита эканлигини исботлагани бўлди. Тарихий эпопеяда Габсбург монархияси даврида император Иосиф II нинг қайта қуриш, XIX аср бошида прусс иқтисодий ислохотлари, Россияда крепостнойлик ҳуқуқининг бекор қилиниши, Японияда Мейдзи инқилоби, Эронда «Оқ инқилоб» кучли элитанинг ташаббуси, ташкилотчилиги ва куч-қудрати туфайли содир бўлгани чуқур таҳлил этилади.

Модернизациянинг тўртта босқичи

Узоқ йиллик изланишлардан кейин Европа қитъасида модернизацион ислохотларнинг шаклланиши тўртта босқичини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келдик⁵¹:

⁵¹ Омонов Б. А. Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари. – Т.: Алоқачи, 2019. – Б. 84.

Модернизациянинг биринчи тўлқини, қитъада XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги «маърифатпарварлик абсолютизми» даврига тўғри келади. Француз маърифатчилари инсон ақли ва онгининг мамлакат ривожига ролига юксак баҳо бергани туфайли маданиятнинг барча жабҳаларида юксалиш содир бўлган эди.

Иккинчи тўлқини, XIX асрнинг иккинчи чорагида ҳукмат конституционализми ислохотлари бўлиб ўтди. У Бавария, Саксония, камроқ даражада Пруссияда устувор йўналишларда ривожланиб, тугал шаклни ҳосил қилди. Аммо Россияда декабрчилар қўзғолонидан (1925) кейин жараён вақтинча тўхтаб қолиб, давлат кейинги ривожланишдан орқага чекинди.

Учинчи тўлқини, маърифатпарварликдан кейин шаклланишга улгурган «патернализм»⁵² қарашлари билан боғлиқ равишда кечди. Италияда дастлаб ишлатилган атама каттанинг кичикка, қариндошнинг қариндошга, устознинг шогирдга ва яқинларга нисбатан ғамхўрлиги асосидаги фаолиятнинг ажойиб кўриниши эди. Кейин бу қарашлар қитъага тарқалиб, иш берувчиларнинг ўз ҳамюртларига ижтимоий муносабатларда хилма-хил моддий-маънавий рағбатлантириш воситасига айланди. Аслида, у иш берувчилар билан ишчи-хизматчилар ўртасида тузилган консенсус бўлиб, ижтимоий тенгсизлик ва адолатсизликка қарши бош кўтармасликка, Ватан равнақи учун бирга ишлашга чақириқ ҳисобланган.

Тўртинчи тўлқини, XX аср ўрталарига келиб, ягона умумий бозорни шакллантириш ва эркин савдога қайтиш ғоясида мужассамлашган эди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Европадаги аҳдлашувчи мамлакатлар нафақат ўртадаги божларни қисқартириб бекор қилдилар, балки суверенитети бир қисмини ўз хоҳишлари билан сайлов органига сайланадиган вакилларига топширдилар. Минтақа давлатлари интеграциялашуви моҳияти шунда намоён бўлган.

АҚШ корчалонлари Европадаги шиддатли ривожланишни кузатар экан, ўз гегемонлигидан фойдаланиб,

⁵² Патернализм – латинча «отага қарашли» дегани.

жаҳоннинг либераллашувида «Рах Америка»ни амалга ошириш учун қулай фурсат келганини англаб етдилар. Шу мақсадда 1944 йилда Нью-Гемпшир штатидаги Бреттон-Вуд шаҳрида конференция ташкил қилиниб, Халқаро валюта-молия институтлари: Халқаро валюта фонди, Жаҳон банкни тузишга ҳамда Тариф ва савдо тўғрисидаги (1947) Бош келишувга эришдилар. Тарихий конференция **Жон Мейнард Кейнс** (1883-1946) иқтисодий доктринасининг триумфи (тантанаси) билан бошланди. Лондон қиролик жамияти, Британия лордлар Палатаси парламенти аъзоси бўлган Кейнс Давлатлараро халқаро молиявий бошқариш институтларини тузиш ва халқаро молия тизимини қайта ташкил қилиш ғоясини ўртага ташлаган шахс сифатида тарихга кирди. Гапнинг очиғи, 1944 йилда ташкил топган халқаро ташкилотлар ҳозирга қадар **Ғарб гегемонлигининг молиявий устунлиги** миссиясини қойилмақом бажариб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Ғарб давлатлари кўп асрлик колониал сиёсати XIX асрнинг иккинчи ярмида инқирозга юз тутганидан сўнг, қитъада сиёсий модернизациялаш жараёни жадаллашгандек бўлди. Колониализм емирилиши Европанинг заифлашишига эмас, балки иқтисодий юксалишига туртки берди. Ўша вақтларда дунёнинг турли бурчакларидан Европага кўчиб ўтган муҳожирларнинг сони кўпайди. Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Жазоирдан муҳожирларнинг тўхтовсиз нолегал оқими Англия, Франция, Голландия, Белгия ва Скандинавия мамлакатлари (Дания, Швеция, Финландия)га оқиб келаверди. Ўз навбатида, Европа ҳам бундан ўз иқтисодий манфаати йўлида фойдаланди. Собиқ колонияларнинг хомашё ресурсларини эксплуатация қилиш, нефт-газни қазиб олиш саноатини миллийлаштириш натижасида бу маҳсулотларнинг нархи кескин ошиб кетди. Аммо муҳожирларнинг арзон меҳнати эвазига Ғарбий Европада табиий ресурсларини ўзлаштириш жараёни тезлашди, қишлоқ хўжалиги ҳам ривожланди...

ЯПОНИЯ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР⁵³



Сўнгги йилларда Шарқий Осиё иқтисодий мўъжизалари тўғрисида кўплаб мақолалар ёзилмоқда, илмий доира вакилларининг тадқиқотлари олиб борилмоқда. Хусусан, америкалик адиб ва журналист Жеймс Фаллоус «дунёда янги Шарқий Осиё иқтисодий ва сиёсий тизими»нинг вужудга келиши ҳақида ёзса, Роберт Уэйд «дунё модели ҳақида бизнинг одатий тушунчамизга сиғмаган феномен кузатилгани»ни қайд этади. Экспертлар таъкидича, Осиё иқтисодий стратегияси ҳукумат интервенсияси (кўринувчи қўл) ва бозор кучлари (кўринмас қўл) комбинациясини уйғунликда ушлаши билан шуҳрат қозонди. Ғарбдан фарқли ўлароқ, Япония жамиятида ишлаб чиқилган ижтимоий сафарбарлик дастурини ўрганиш ҳам олимларда қизиқиш уйғотади.

Японияда сўнгги юз йилда жамият ҳаётининг барча соҳаларида иқтисодиёт, сиёсат, илм-фан ва маданият-

⁵³ <http://uza.uz/oz/society/yaponiya-islo-otlari-tarikhidan>
-18-12-2019

нинг модернизацияси, байналмилаллашуви билан боғлиқ объектив тарихий анъанани акс эттирган чуқур глобаллашув жараёни кечди. Анъанавий унсурлар ва ғарб инновациясини бирлаштирган янги мамлакат қиёфаси шаклланишига эса Мейдзи (Мейдзи исин) реставрацияси (1868) асос солди. Икки юз йиллик яккаланиб яшагандан кейин Ғарб билан ҳақиқий мулоқотга киришилди.

Японлар характеридаги янгиланишга юқори даражада мослашиш қобилияти – бошқа цивилизациялар, биринчи навбатда, Ҳиндистон ва Хитой цивилизациялари элементларини яхши ўзлаштиргани, уларни ўз миллий қадриятларининг таркибий қисмига айлантиргани ҳам ривожланишга ижобий таъсир кўрсатди. Муаммоларни келишув йўли билан ҳал қилишда улар одатда яратувчилик ва бузғунчилик ғоясидан олтин меъёрни билишади. Бундай ёндашув японларнинг оламни идрок этишдаги муҳим тамойили бўлган уйғунлаштириш тушунчасига асосланади. Мейдзининг янгиланиши ва инқилоби 1868-1889 йилларда амалга ошди, бу орқада қолган Япониянинг сиёсий, ҳарбий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларининг мажмуаси бўлиб, самурай бошқарув тизимидан император Мусухито ва унинг ҳукуматлари орқали тўғридан-тўғри бошқарувга ўтиш эди⁵⁴. Машҳур император Мусухито (японча Квези Танно: 1852-1912) 1867 йил 3 февралдан то ўлимигача Япониянинг 122-императори бўлганди.

Мейдзи даврида мамлакатнинг «қайта тикланишидан» мақсад консерватив кучлар ва янгиланиш тарафдорлари ўртасида келишувга эришиш эди. Ўшанда ҳокимиятга олиб келинган савдо-саноат капитали вакиллари, бой зодагонларнинг каттагина қисми янги давр талабларига мослашиш учун анча тайёр эдилар. 1860 йилларда Япония иқтисодий жиҳатдан жуда хароб ҳолатда бўлган. Япон прагматизми анъанавий қадриятларни бой бермасдан, эҳтимолий ҳалокатларни четлаб ўтган ҳолда, инновацияни қабул қилиш имкониятини берди. Бироқ Ғарб қарашларини қабул қилиш «Япон руҳия-

⁵⁴ https://ru.wikipedia.org/wiki/Restavratsiya_Meydзи

ти – Ғарб техникаси» (**вакон – ёсай**) формуласи остида кечди, бунда Вакон – анъанавий маданият, японларнинг маънавий қадриятларидан воз кечмасдан, дунёни идрок этиш, Ёсай–универсал Европа цивилизациясини ўрганиш маъносини билдиради. Ҳукумат ғарбий илм-фан ва техника ютуқларини ўзлаштирди, аммо юрт мустақиллиги ва имтиёзларини сақлаб қолди. Европа инновациясини ўзлаштириш ортида анъанавий тизимнинг емирилиш эҳтимоли бор эди. Японлар «варварларнинг энг зўр техникасини ўрганиш ва шу билан варварларни қувиб чиқариш» шиорини олға сурдилар. Бундай устамонларча фойдали йўл тутилишига, албатта, қойил қолишимиз лозим.

Мейдзи реставрацияси хусусияти шуки, у ҳукумат тепасига сиёсий заиф буржуазия синфини эмас, балки бой мулкдорларни бошлаб келди, улар эса тараққиётни белгилаб бердилар. Модернизация, янгиланиш юқори элита ва давлат томонидан бирга амалга оширилди!

Ислохотларни тизимга солишда С.Судзуки (1579-1655) ва Б. Исиданинг (1685-1744) хизматларини тилга олиш керак бўлди. Собиқ самурай, ҳукумат амалдори бўлган Судзуки савдогар фақат даромад олиш учун тижорат билан шуғулланса, муваффақият қозонмайди, у харидор ва давлат эҳтиёжидан келиб ишламаса, иқбол унга қулиб боқмайди, меҳнат қилиш қаноатга тенгдир, дейди. У миллатнинг меҳнатга муносабати иймон ва эътиқод йўлига айланишини таъкидлайди. Хуллас, С. Судзукининг дзен-буддавийликка асосланган ижтимоий этикасида барча жамиятлар учун кишиларнинг маънавий, диний-иқтисодий эҳтиёжини қондирадиган японча ахлоқ устуворлик қилади.

Файласуф ва иқтисодчи Б. Исида самурай С.Судзукининг издоши бўлган. Илмий қарашларини у Японияда ҳозирга қадар ҳукмронлик қилаётган иқтисодий фалсафа даражасига кўтарди.. Исида фалсафаси кўпроқ прагматик характерга эга. Унинг таъкидлашича, инсон ўз хулқ-атвори ва ўзи риоя қилган ахлоқий нормалар учун масъул бўлиши керак. Инсон табиати, характери ҳаёти-

да йўлбошчи, яъни япон виждонли, вазмин ва тартибли бўлсагина, руҳий мақоми юксалиш ҳолатига кўчади⁵⁵.

Ҳозирги замон япон бошқарув услуби «катталиик» тамойилига асосланади. Ишга ёлланган ходимлар азалдан маълум ижтимоий гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир компания жамоавий бўлинма томонидан бошқарилади. Олимларнинг фикрича, ҳозирги кунда ҳам япон фирмаларида бошқарувчи юқори ўрин тутмайди. Икки томонлама меҳнат битимини имзолаш кам учрайди, бунинг учун одатда бир оғиз сўз–лафзнинг ўзи кифоя қилади.

Исида ишлаган этика қондаси бўйича, тадбиркор ва тижоратчи сиёсат билан шуғулланмаслиги лозим. Бугунги япон бизнесменларининг сиёсат билан шуғулланишга хоҳиши йўқлиги тахминан 260 йил аввал яратилган Исида фалсафасидан келиб чиқади. Судзуки ва Исида яратган кучли концепция ҳозирги замон япон тадбиркорларининг руҳиятини тушунишда бизга қўл келади. Мисол учун, кўпчилик ишчилар даромад кетидан қувиш компанияни инқирозга олиб келишини яхши тушунади ва сифатга эътибор беради. Асосий мақсади кўп фойда олишга қаратилган ёндашув японларнинг миллий характерига ётдир.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакатда бошқарув тизими ва иқтисодий модел ўзгарди. «Жапан Инкорпорейтид» – давлат, бизнес, касаба уюшмасига ўхшаган миллий корпорациялар япон маҳсулоти рақобатбардошлиги учун яхши пойдевор тайёрлади. Японлар «ғаройиб тақлидчи» сифатида ғарб ишлаб чиқариши технологияларини саноатга осон қўллашга ўтдилар. Миллий маҳсулотни ҳимоя қиладиган давлат протекционизми кучайди. 1945 йилдаги мағлубият халқни жипслашишга ундади. Бу иродали халқ сўнгги ярим асрда босқинлар, урушлар, зилзилалар, ёнғинлар, тўфонлар, бомбардирмонлар, атом ва энергетик инқирозларнинг кўпини бошидан ўтказди. Иккинчи жаҳон урушидаги мағлубиятдан кейин мамлакат тушкунликка тушмади. Бунда Суд-

⁵⁵ Еремин В.Н. История Японии. Учебное пособие. Т.2. – М.: ИВ РАН, 1998. –С. 301-344.

зуки ва Исиданинг Хитой файласуфи Конфуцийникига ўхшаб кетадиган замонавий менежерлик таълимоти, шубҳасиз, муҳим ўрин эгаллади.

Корхоналарда консенсус тушунчаси етакчилик қилади. Самарадорлигини исботлаган бу концепция япон менежментининг барча жабҳалари учун асос бўлиб қолди. XX асрнинг 50-60-йилларида давлат, бизнес тузилмалар ва касаба уюшмаларининг муносабати юқори поғонага кўтарилди. «Japan Inkorporaytid» каби миллий корпорациялар сони кўпайди, японлар Ғарб ихтироларини саноат корхоналарида бемалол қўллай бошладилар. Айниқса, АҚШ андозаси асосида ишловчи **«аниқ ва ўз вақтида»** («точно вовремя») **тезкор ишлаб чиқариш усули** йирик заводларга шон-шуҳрат келтирди. Ҳозирги кунда бу тизим Асака автомобил заводда ҳам қўлланилади. Мазкур технологик усулнинг афзаллиги шундаки, маҳсулот конвейердан чиққунгача бўлган жараёнларни бош муҳандис, цех бошлиғи ёки уста эмас, балки ишчининг ўзи бехато бажара олади...

Шундай қилиб, Япония 2000 йилларда иқтисодиётда илғор Ғарб мамлакатларини ортда қолдириб, айрим тармоқларда АҚШ билан рақобатлашадиган давлатга айланди. Мамлакатнинг чет эллардаги капитал қўйилмаси 1 триллион доллардан ошиб кетди. Жаҳоннинг 100 та энг йирик банкдан 29 таси японларники ҳисобланади.

Бизнингча, **Япония модернизацияси устунлиги:** мамлакатда меҳнат унумдорлиги ўсишининг бош манбаи – таълимга эътибор кучлилиги, халқининг қийин вазиятга мослашувчанлиги, аниқ мақсад йўлида курашувчанлигида намоён бўлмоқда. Энг муҳими, япон руҳияти ва иқтисодий мўъжизалари Ғарб ишбилармонлари учун ҳамон сирлилигини сақлаб келади.

ХИТОЙ ИСЛОҲОТЛАРИДА МУТАФАККИРЛАР ТАШАББУСИ⁵⁶



Хитой модернизацияси тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Маълумки, қадимги давлатда милoddан аввалгиучинчимингйилликдакишиларўртасидагимуносабатлар **«ли» нормалари** асосида бошқарилган. Хулқ-атвор нормалари тизими бўлган «ли»да ахлоқий муносабатлар одамларнинг жинси, қариндошлик даражаси, авлоди, ёши, ижтимоий мақомига қараб белгиланган. Анъанавий жамиятда табақавий бўлинишдан ташқари, қариндош-уруғчилик тенгсизлиги ҳукм сурарди. Хитой сулоласи кодексида қариндош-уруғчиликнинг қирқ битта тури кўрсатилган. Бундай тизим қадимги давлатчилик шаклланишидан олдин вужудга келган. Аммо бошқа халқлар, масалан, туркийлардан фарқли равишда, хитойликлар феодал иллатлардан аста-секин қутулиб олдилар.

Миллий тараққиётга тўсиқ бўладиган эски тузум иллатлари, хусусан, уруғ-аймоқчиликдан озод бўлиш учун ҳар бир давлат жумладан, Ўзбекистон ҳам кучли этик қоидаларини ишлаб чиқиши ва амалиётга киритиши

⁵⁶ <http://uza.uz/oz/world/khitoy-islo-otlari-tarikhi-shoshma-shoshar-tashabbuslar-yurt-20-01-2020>

лозим. Жамиятда ҳукм сураётган «феодал» иллатлар бартараф этилмас экан, эскилик ва янгилик тарафдорлари ўртасидаги кураш кучайиб бораверади...

Буюк мутафаккир **Конфуций (мил. ав. 551-479 й.)** нинг буюк хизмати шундаки, у давлат бошқарувига «ли» қоидаларини татбиқ этиб, ижтимоий табақаланиш асосларини янгилади. Милоднинг III-VIII асрларига келиб, ҳуқуқ тизими ҳам конфуциялашиши туфайли «ли» ҳуқуқий нормаларга кўчди ва қондани бузувчилар жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлди. Шу тариқа миллат ота-боболарининг анъанасига содиқ қолди.

Қонун нормалари билан диний тасаввур уйғун ҳолда қўшилган Конфуций ахлоқий-сиёсий мафкураси халқнинг менталитети, генига сингдириб борилди. «Агар жамият қонунлар билан бошқарилиб, тартибот жазолаш йўли билан таъминланса, одамлар жазоланишдан қочади, ор-номусни ҳис қилмайди; **«ли»** маънавий-ахлоқий тизимимиз орқали бошқарилиб, қадриятлар шакллантириб борилса, фуқаролар ор-номусни ҳис қилади, ҳалол ва софдил одамга айланади», дейди Конфуций.

Ана шу мустаҳкам этик тизим бугунги кунга қадар Хитой жамиятида аҳиллик ва адолатни таъминлаб келади.

Жануби-шарқий Осиё модели тарғиботчиси, Сингапур ислохотлари асосчиси бўлган **Ли Куан Ю (1923-2015):** «Хитойликлар олдин қайта қуришни амалга оширади, сўнг очиқликка ўтади, –деб ислохотлар моҳиятига баҳо беради. –Улар буни кетма-кетликда амалга оширади. Русларнинг мазкур қондани бузиши энг катта хато-сидир»⁵⁷.

Ҳақиқатан ҳам, 1980-йиллар ўрталарида собиқ иттифоқ раҳбари Михаил Горбачевнинг халқнинг иқтисодий-сиёсий тайёргарлигисиз бошлаган «ошкора»лик сиёсати улкан ҳудудда бошбошдоқлик ва эгасизликни бошлаб берган эди.

⁵⁷ Ли Куан Ю. Интервью газете «Der Spiegel» // «Der Spiegel», №32. 08.08.2005.

Ислоҳотлар эволюцияси

Хитой модернизацияси хийла мураккаб кечган. XX аср бошида инқилобчи-демократ **Сун Ятсен (1866–1925)** авторитар сиёсий тизимни демократик тизимга ўзгартириш учун оралиқ босқичлардан ўтмоқчи бўлганида, ислоҳотлар тўхтаб қолди.

Хитой Халқ Республикаси асосчиси **Мао Цзедун (1893-1976)** ташаббуси билан 1960-70-йилларда амалга оширилган «Катта сакраш» ва «Маданий инқилоб» кампаниялари ҳам шошма-шошарлик билан ўтказилиб, юрт бошига оғир кулфатларни ёғдирди. Аммо «йўқсиллар отаси» 33 йиллик раҳбарлик фаолиятида (1943-1976) Ғарб империяларининг ҳамлаларига чап бериб, мамлакат яхлитлигини сақлаб қолди. Мамлакат тепасига ишнинг кўзини биладиган арбоб **Дэн Сяопин (1904-1997)** келганидан кейин ҳақиқий ислоҳотлар бошланиб кетди. Қизил шиорлар, баландпарвоз чақириқлар билан халқни тўйдириб бўлмаслигини англаган лидер иқтисодий эркинлаштирди, социалистик жамият тизимига капиталистик бозор муносабатларини олиб кирди. Хусусий мулк давлат ва жамоат мулки деб эълон қилинди, хориж сармоядорларига бир қатор имтиёзлар берилди. «Очиқ эшиклар» сиёсати олиб борилди. Дэн Сяопин раҳбарлиги даврида раҳбарият бош мақсади «социализмни ағдариш эмас, балки уни такомиллаштириш ва янгилаш бўлди», десак хато бўлмайди. Тоталитар тизимни мукамал ишлайдиган демократик тизимга алмаштириш услубини топа билди у.

Дэн Сяопин сиёсий модернизацияни муваффақиятли амалга оширди! Коммунистик партия Бош котиби, ХХР Давлат кенгаши раиси ўринбосари (1956-1966), КП Ҳарбий кенгаши раиси лавозимларида узоқ йиллар ишлаб, обрў-эътибор қозонган Дэн Сяопин 1956 йил сентябрда Хитой КП VIII съездида сўзлаган нутқида жамиятни демократлаштириш, партия органлари ва ҳокимиятнинг маъмурий органлари ваколатларини тақсимлаш, **«бошқарувчилар – бошқарилувчилар» тизимини бу-**

зиш, «доҳийлик» касалидан қутулиш каби ташаббуслар билан майдонга чиқди. Бироқ фикрлари инобатга олинмади ва 50-йиллар ўрталарида қутилган ислоҳот 22 йилга кечикди – Дэн Сяопин ва хитой халқи тақдирида у «аччиқ «йигирма йилга айланди. Хатто 1966-1969 йиллардаги «маданий инқилоб» вақтида Дэн ва унинг маслакдошлари қатағон қурбони бўлди. 1973 йилда оқланиб чиққанидан кейин 1976 йил сентябрида Мао вафот этди ва у ҳокимиятни тўла қўлига олди. 1978 йилда «маданий инқилоб»га қарши «Пекин баҳори» акцияси ўтказилди.

Хитой дунёга эшикларини очди. Дэн Сяопин 1979 йил январ-февралида Оқ уйда АҚШ президенти Жимми Картер билан учрашди ва Вьетнамга қарши мўлжалланган ҳарбий операцияларини маълум қилди. Дэн ташқи сиёсати туфайли Хитойнинг Ғарб билан алоқаси сезиларли даражада яхшиланди.

Япония-Хитой муносабатлари ҳам янги поғонага кўтарилди, у ривожланаётган кучли мамлакатнинг тажрибаси келгуси иқтисодий ўзгаришларда Хитой учун дарс бўлиб хизмат қилди. Буюк Британия ва ХХР билан 1984 йил 19 декабрдаги келишув имзолангач, Гонконг 1997 йилдан Хитойга қайтариладиган бўлди. Ден 50 йилгача Британиянинг 99 йиллик бошқаруви остида яшаган Гонконгнинг сиёсий ва иқтисодий тизимини ўзгартирмасликка сўз берди. Португалия билан ҳам шундай битим имзоланиб, **Макао яна Хитойга қайтарилди.** Дэн **«Бир мамлакат – икки тизим»** принципини эълон қилиб, **Тайванни Хитойга қайтариш бўйича музокараларни олиб борди.**

Аммо шунга қарамай, Дэн Сяопин СССР билан алоқаларни яхшилаш учун деярли ҳеч нарса қилмади. Бизнингча, сиёсий қарашлар ва ёндашувларнинг хилма-хиллиги жиддий қарорларни қабул қилишга йўл бермаган.

Сяопин мамлакат ичида демократик ислоҳотларни қишлоқ хўжалиги соҳасидан, маоча «Халқ коммуна»лари тизимини бекор қилишдан бошлади. Капитализм йўли танланиб, иқтисодиётда бозор механизмлари қўлланилгач,

хориж инвестициялари мамлакатга кириб келаверди. 1978 йил 13 декабрдаги баёнот демократия сари ташланган йирик қадам бўлди. Тарихда «Гяньаньмень қушхонаси» номини олган фикрлари ушбулар эди: «Халқимизга ўз фикрини айтишга рухсат берайлик! Агар мавжуд тартибодан норози одамлар демократиядан фойдаланиб, тартибсизликни келтириб чиқармоқчи бўлса, бу қўрқинчли эмас, чунки қарши чораларни қўллаймиз, омманинг кўпчилик қисмини тўғрилик билан хатоликнинг фарқига боришга ишонтира оламиз»⁵⁸.

Сяопин модели



Давлат раҳбари Дэн Сяопин «хитойча демократия»да **тўртта асосий тамойилни** – марказлашув, қонун устуворлиги, қаттиқ тартиб-интизом, партия раҳбарлигидан четга чиқмасликни илгари сурди. Бу масалада хатога йўл қўйиш демократиянинг беқорчи сафсаталарига, ультрадемократизм тарқалишига, жамиятда

анархияга, сиёсий барқарорлик бузилишига, миллат яхлитлиги барбод бўлишига олиб келади, деди у. Бу давр сиёсатини тадқиқ қилган ўзбек олими ва жамоат арбоби С. Сафоев мамлакатда ўша пайтда модернизациянинг «уч босқичли» стратегияси ишлаб чиқилганини айтади. «Биринчи босқичда ЯИМни 1980 йилга нисбатан икки баравар кўпайтириш, аҳолини озиқ-овқат ва энг зарур маҳсулотлар билан таъминлашни ҳал қилиш, иккинчи босқичда ЯИМни 2000 йилгача икки баравар ошириш ва турмуш даражасини «кичик фаровонликлар»⁵⁹ даражасига етказиш, учинчи босқичда ХХІ аср ўрталаригача

⁵⁸ Дэн Сяопин. Строительство социализма с китайской спецификой. –М.: 1997. – С.36.

⁵⁹ Кичик фаровонликлар – соф хитойча тушунча бўлиб, бой бўлмаса ҳам ҳар қалай, ўзига тўқ яшаш имконини берадиган тўқчилик даражасини билдиради.

модернизация жараёнларини якунлаш, «кичик фаровонлик» жамиятидан модернизация қилинган жамиятга (2020) ўтиш кўзда тутилди»⁶⁰.

Юқоридаги вазифаларнинг анчагинаси мамлакатда амалга оширилди. Йигирма йилдаёқ Хитой ўнлаб ғарб давлатларини қувиб ўтиб, иқтисодий ўсиш ва ЯИМ миқдори жиҳатидан дунёда иккинчи ўринни эгаллади. Бу ҳақиқий инқилоб эди! Аммо 2008 йилдан бошлаб бутун Европани қамраб олган жаҳон молиявий инқирози, 2020 йилда дунёда қўққисдан бошланган тожвирус (коронавиурс) касаллиги ва пандемия мамлакат иқтисодиётига, шубҳасиз, салбий таъсирини ўтказди. Хитойда ЯИМ ўсишини қиёсласак, у 1980 йилда 305.3 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2021 йил кутиладиган натижа 16,64 трлн. долларга етади⁶¹.

Биз ўрганадиган муҳим омил шуки, Хитой Ғарбга нисбатан сиёсат ва ахлоқ бобида «юмшоқ оғиш»ни ис-тамади. Таълим-тарбия ва мафкура давлатнинг изми-га тўлиқ бўйсундирилди. 1980-йилларда қабул қилинган **«Бешта севаман» ибораси: «мамлакатни севиш», «халқни севиш», «меҳнатни севиш», «илмни севиш», «социализмни севиш» шиорлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди**⁶².

Сяопин қишлоқ аҳолисини бой қилишни эплади: аҳолининг 80 фоизи яшайдиган қишлоқларда оила пудрати тизимини жорий этди. Деҳқон хўжаликларига жамоа ери 15 йилга ижарага берилди ва у 30 йилгача узайтирилди, маҳсулотнинг бир қисмини олиб қолган ер эгаси бозор нархида сотиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада деҳқонларнинг даромади кўпайди, Хитой ғаллани четдан сотиб олувчидан экспорт қилувчи давлатга айланди.

Сўнг шундай тажриба шаҳарларда қўлланилди. 1984 йили саноатда бозор иқтисоди тамойили татбиқ этилди.

⁶⁰ Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – Б. 113.

⁶¹ <http://global-finances.ru/vvp-kitaya-po-godam/> VVP Kitaya po godam: 1980-2021.

⁶² Marianne Bastid. Education, Youth and Social perspectives in the early 1980s / China in the 1980 – and beyond. Studies in Asian topics. №. 9. – Copenhagen, 1986. – С. 15-17

Марказий ҳукумат ва маҳаллий маъмуриятга бўйсунадиган давлат сектори корхоналарига ишлаб чиқаришни кенгайтириши ва бозор конъюктурасига мослашишига тўла эркинлик берилди. Маҳаллий ҳокимиятлар назорати камайди, давлат сектори улуши пасайиб, улар ўрнини хусусий сектор эгаллади...

Сяопиннинг оқилона сиёсати жамият аъзолари ҳаётида, турмуш тарзида ижобий силжишга олиб келди албатта. Буни кузатиб турган капиталистик давлатлар мамлакатга турли демократик чақириқлар билан босим ўтказар эди. «Буржуа либерализми»ни танқид қилиш юзасидан компания авж олдирилди. 1986 йилнинг сентябр ойида ХКП МК нинг 12-чақириқ олтинчи пленумида Сяопин шундай фикрларни илгари сурди: «Чет элдаги буржуазия олимлари биздан эркинлаштиришни талаб қилиш баҳонасида инсон ҳуқуқлари бузилаётган эмиш, деб жар солишади. Улар миллий қадриятларимизга Ғарбликлар ғоясини қарши қўйиб, жамиятимизни тубдан ўзгартиришга уринишади. Билингки, биз ҳеч нарсага эътибор бермаймиз: объектив вазиятдан келиб чиқиб, ўзимизнинг муаммоларни тезда ечаверамиз!».

Таҳлилимизда маълум бўлишича, «жамиятда либерализм, эркинлик масаласида Сяопин ўта эҳтиёткорлик позициясини эгаллаган, демократик ислохотларни эса сафдош дўстлари Ху Яобан ва Чжао Сзиянлар амалга оширган. Давлат раҳбарининг эҳтиёткорлиги сабаби шуки, у сиёсий хато қилишни истамаган. **«Дарёни кечиб ўтишда оёқ тагидаги тошларни ҳам пайпаслаб юриш керак», деган фикрлар Сяопинга тааллуқли эди. Дэн ҳам коммунист, аммо прагматик инсон бўлиб, қандай бўлмасин, Хитойни ривожлантиришга интилар, «ҳамонки мушук сичқонларни овлар экан, унинг қора ёки оқлиги муҳим эмас» деган ақидага амал қиларди**⁶³.

Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Қирқ йил олдин у учинчи дунё мамлакатларидан бири эди. Ҳозирда Хитой жаҳондаги иккинчи мамлакат!

⁶³ Махатхир М. Малайзия мўжизаси муаллифи ўз сирларини очди. www.info-press.uz 2013 йил 19 июнь.

Хитой истиқболи

Жаҳон банки таъкидича, 2014 йилга келиб, Хитой ялпи ички маҳсулотни (ЯИМ) харидор сотиб олиши кўлами 17,6 триллион долларга етказилиб, АҚШни ортда қолдирди (17,4 триллион доллар). 2019 йилда ЯИМ 6, 5 фоизга ошди (пандемия туфайли 2020 йилда озгина пасайди). Кейинги 20 йилда ЯИМ 11 марта ошди ва бу кўрсаткичда у Италия (2000), Франция (2002), Буюк Британия (2006), Германия (2007), Япония (2010)ни қувиб ўтишга улгурди⁶⁴.

Аҳоли турмушида иқтисодий юксалиш, моддий фаровонлик кузатилади. Иқтисодиётда илм-фан, инновациянинг ўрни янада ошмоқда. Масалан, ихтироларга берилган патентлар сони бўйича у жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Сўнгги ўн йилда 20 миллион автомобил ишлаб чиқариб, ушбу кўрсаткич бўйича Япония ва АҚШдан ўзиб кетди. **Бугунги кунда Хитой саноат ишлаб чиқариши бутун дунё саноатининг деярли 20 фоизини ташкил этади.** Автомобилсозлик ва компьютерларнинг чиқарилиши саноатда асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг сони ва ишлаб чиқариш кўлами ўсишига эришилиб, жаҳон экспорти деярли 50 фоизи Хитойнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. Металл ва тўқимачилик экспорти йилдан йилга ўсмоқда. Мамлакатда темир йўл тармоғи узунлиги 91000 км. га етиб, бу борада фақат АҚШдан камроқдир. Фуқаролар асосан темир йўл орқали саёҳат қилишади, унинг тенг ярми электрлаштирилган. Олтин захираси 2021 йил 1 январда 1948 тоннага етган⁶⁵. Демак, қўшнимиз Хитойдан ўрганадиган жиҳатлар жуда кўп.

Илмий таҳлилимизга суяниб шуни айтиш лозимки, мамлакатда ислохотларнинг самарали кечиши қуйидаги омилларга бориб тақалади: **биринчидан**, иқтисодий

⁶⁴ <http://global-finances.ru/vvp-kitaya-po-godam/> ВВП Китая по годам: 1980-2021.

⁶⁵ <https://visasam.ru/emigration/economy/ekonomika-kitaya>. Shuvalov N. Ekonomika Kitaya. 10.02.2021

модернизациялаш учун барқарор шарт-шароит яратилди; **иккинчидан**, сиёсий ислохотларни ўтказишда миллий қадрият, урф-одат ва хусусиятлар ҳисобга олинади; **учинчидан**, халқ феноменал даражада меҳнаткаш ва тиниб тинчимайди; **тўртинчидан**, ишчи кучи ниҳоятда арзон туради; **бешинчидан**, социализм йўлидан «оғиш» Ғарбда илиқ кутиб олиниб, қўллаб-қувватланди; **олтинчидан**, хориждаги 75 миллион муҳожир (Гонконг, Тайвандан ташқари) мамлакатга йилига 75 миллиард доллардан зиёд маблағни туширади.

Ўзбекистон-Хитой алоқалари

Тарихий имкониятлар ҳақида сўз борар экан, милoddан аввалги 138 йилда ҳудудимизга хитойлик дипломат Чжан Сзян келганлиги ва Буюк Ипак йўлига асос солганлигини эсга олиш кифоя қилади. Эндиликда хитойликларнинг «**Бир макон, бир йўл**» номли глобал ташаббуси ишга тушиб, қитъаларни бирлаштирувчи магистрал йўллар қайта тикланмоқда. Уларнинг мақсади милoddан олдин бошланиб то XVI асргача ишлаб турган Буюк ипак йўли тармоғини яна тиклашдан иборат. «Бир макон, бир йўл» бўйича Хитой – Марказий Осиё газ тармоғи, Ангрен-Поп темир йўл туннели, «Пенг-Шенг» саноат парки, Ангрен ИЭС каби йирик лойиҳалар амалга оширилади. Бу ўзбек-хитой иқтисодиётига сезиларли фойда келтиради. Айни пайтда, Ангрен шина заводи, Навоий вилоятида поливинилхлорид ишлаб чиқарувчи мажмуа, Шарғун кўмир кони ҳамда бошқа иншоотлар қурилмоқда. 2017 йил охирида Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон йўналишида автомобил йўли очилгандан кейин юк ташиш учун кетадиган вақт қисқарди.

Ўзбекистон – Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим бўғинлардан бири. У «Бир макон, бир йўл» ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаган давлат бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил май ойида Хитойга ташрифи доирасида ХХР Раиси Си Цзинпин билан самимий учрашув бўлиб ўтди. **Давлат**

ташрифи якунига кўра, мислсиз катта миқдор – 23 миллиард долларлик келишувларга эришилди. Ўзбек томони уларни бажариш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқди ҳамда узвий мулоқот ўрнатилди, тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилди. Ўзбек мутахассисларининг Хитойга ишчи сафарлари уюштирилиб, махсус иқтисодий зоналарни ташкил қилиш тажрибаси ўрғаниб қайтилди. Ўрта ва кичик ГЭСлар қурилишида ҳам силжишлар кузатилмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва учрашувлари анъанага айланди. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И. Каримов 1992, 1994, 1999, 2005, 2011, 2012 йилларда, Президент Ш. Мирзиёев 2017 йилда Хитойга ташриф буюрди. Улар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти йиғилиши ва бошқа йирик халқаро тадбирларда ҳам учрашдилар. ХХР раисларидан Цзян Цземин (1996 йил), Ху Цзинтау (2004, 2010 йиллар), Си Цзинпин (2013 йил, 2016 йил (ШХТ Тошкент саммити) Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. ХХР Раиси Си Цзинпин 2016 йил 20 июнда Ўзбекистон билан бўлган муносабатларга тўхталиб «Хитой билан Ўзбекистон манфаатлари ва тақдири муштарак, қувонч ва ташвишни биргаликда баҳам кўрадиган тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатдор шериклардир», деди.

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари 2001 йил июнда ташкил этилган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида ҳам самарали ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз ШХТни тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, биринчи навбатда, халқаро терроризм, диний экстремизм, босқинчи айирмачилик ва наркобизнес каби минтақавий, дунёвий хавфсизликка таҳдид соладиган хавф-хатарларга қарши курашишда очиқ, ўзаро фойдали шериклик ва кўп томонлама ҳамкорликка қаратилган механизм деб билади.⁶⁶.

⁶⁶ <http://uzchinassn.com/ru/news/uzbekistan-v-2021-godu-osvoit-investicii-v-razmere-25108-trln-sumov/>

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ФЕНОМЕНИ СИРИ⁶⁷



Биз ЎзАда эълон қилинган олдинги бадиаларимизда Япония, Хитой, Ҳиндистон, Европа давлатларининг ўзига хос ислохотлар тарихини қисқача ёритган эдик. Энди 1990-йиллар ўрталарида дунёда иқтисодий мўъжизалар яратган Жануби-шарқий Осиё давлатлари (Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд, Тайван, Жанубий Корея – жами 11 давлат) феноменининг ноанъанавий модели хусусиятларига тўхталамиз. Аввало, ушбу давлатларнинг бошқалардан муҳим фарқли жиҳати шуки, бозор механизми рули «қаттиқ сиёсий қўллар»да – давлатнинг қўлида маҳкам турибди.

1981-2003 йилларда Малайзиянинг бош вазири лавозимида ишлаган Махатхир Муҳаммад қолоқ аграр мамлакатни «Осиё йўлбарслари» даражасига етказган кучли арбоб эди. У ғарбий қадриятларга зид ўлароқ, «осиёча қадриятлар» ташвиқотчиси, халқаро қўшилмаслик ҳаракатининг раҳбари бўлган. **«Кишиларнинг фаровонлиги ҳукуматнинг ташаббускорлигига боғлиқдир,–деб ҳисоблайди у. –Давлат тарафидан кичик бизнесга яратилган енгилликлар туфайли, Малайзияда маҳаллий ва хорижий инвесторлар ўзларини қайта ишлаш саноатини барпо этишди».**

М. Муҳаммаднинг фикрича, давлат раҳбари модернизациялашда етакчи ролни ўйнайди, унинг мамлакат тараққиётини белгилашдаги нодир қобилияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Лидер бу ишга жон-жаҳди билан берилиши, миллий тараққиёт йўлини ҳаётга татбиқ

⁶⁷ <https://uza.uz/uz/posts/zhanubi-shar-iy-osiye-davlatlari-islo-otlari-tazhribasi-05-05-2020>

этишга шахсан раҳбарлик қилиши, бошқарувда, сиёсатда, молия ва савдо соҳаларида юқори малакага эга бўлиши керак. Собиқ бош вазир Хитой тажрибасини яхши таҳлил қилади. «Мао ажойиб ҳарбий қўмондон эди, бироқ мамлакатни бошқариш уруш олиб боришдан фарқ қилади. У олға сурган коммунистик мафкура тараққиётга йўналтирилган эмас эди. Натижа шу бўлдики, Хитой ривожланишда ортда қола бошлади. Маонинг вориси Дэн Сяопин бутунлай бошқа одам эди. У Хитойни ривожлантиришга интилар, «ҳамонки мушук сичқонларни овлар экан, унинг қора ёки оқлиги муҳим эмас» деб ҳисоблар эди⁶⁸.



«Осиё феномени»да, жумладан, Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам диний эътиқод, миллий урф-одат, анъаналар етакчилик қилади. Хорижлик экспертларнинг таъкидлашича, «давлат – жамият – инсон» конструкциясида

«осиёча концепция» Ғарб мамлакатлари тушунчасига унчалик мос тушмайди. Масалан, осиеликлар «инсон ҳуқуқлари, бу – жамоавийлик» деб билади ва жамият манфаатлари ҳимоясини ҳамма нарсадан юқори қўяди. Жамоавийлик жадал иқтисодий ривожланишга эришиш, жиноятчилик ва ишсизликни паст даражада ушлаб туриш имконини беради.

Назаримизда, Жануби-шарқий Осиё халқларининг бош ютуғи тарихий-маданий, тарихий-этнологик билими, ёзув ва анъаналарни тўлиқ сақлаб қолганлиги билан ўлчанади. Осиё давлатлари ислохотлари илк босқичларида (1980-1990 йиллар) иқтисодий-ижтимоий дастурларни рўйбга чиқаришда авторитар бошқарув кучлилиги қилган. Албатта, бундай ёндашув миллий менталитет

⁶⁸ <https://www.info-press.uz> 2013 йил 19 июнь. Махатхир М. «Малайзия мўъжизаси» муаллифи ўз сирларини очди

ва мураккаб шароит тақозосига кўра, амалиётда ўзини анча оқлаган.

«Осиё қадриятлари»нинг Ғарб қадриятларидан фарқи нимада, деган саволга жавоб излайлик. Биз ҳам масаланинг тагига етишга ҳаракат қилдик. Узоқ йиллик таҳлилимизга суяниб, қуйидаги **хулоса**ни билдирамиз: хитойликларда жамият ва давлат ҳуқуқлари инсон ҳуқуқларидан устунлик қилади, оила мустаҳкам бўлишини хоҳлашайди, ҳукумат жамиятга ахлоқий қоидаларни асрашга имкон беради, барча соҳаларда эркинлик бўлиши «ғоя»сини ёқтиришмайди, ота-оналар фарзандларига қаттиққўл бўлади, капитализм шарт-шароитига осон мослашади, ҳукуматдан ижтимоий ёрдамни кутмайди ва ўзи интилади, таълимни юксак қадрлайди. Мана шу фикрларда халқнинг метиндек характери, темир ирода-си, орзу-интилиши мужассамлашган.

1990 йиллардан жаҳонда «иқтисодий сакраш»ни амалга оширган **Сингапур, Малайзия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Таиланд** давлатлари миллий ривожланиши илдизида, барибир, давлатнинг бош ислохотчилик сиёсати ётибди. Уларнинг тараққиёт модели афзаллиги: биринчидан, давлатнинг иқтисодиёт соҳаларига доимий равишда раҳнамолик қилиши; иккинчидан, устувор тармоқларга юксак техника, технологияларни қўллаш учун имтиёзли кредит, солиқ преференциялари берилиши; учинчидан, минтақадаги ҳукуматлар импортга тўсиқ қўйиб, протекционизмни қўллаши билан характерланади.

Европа ва Осиё давлатларининг ривожланиш йўлларида ҳам фарқлар мавжуд. Жумладан, **Ғарб макро-даража (молия, пул тизими, ташқи савдо), Шарқ давлатлари микро-даража (нархлар ва корхоналарни ислох қилиш, нодавлат секторини қўллаш, кичик бизнесни ривожлантириш) механизмига кўпроқ таянади.**

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси механизмларини такомиллаштиришда мазкур давлатларнинг бой тажрибаси ўрганилса, фойдадан холи бўлмайди. Жануби-шарқий Осиё давлатлари иқтисодий ютуқлари тағаминида миллий руҳият ва илғор технологияларнинг

баравар қўлланилиши масаласи ётибди. Миллий руҳиятнинг ҳар бир маҳсулотда белгиси бор. Дейлик Малайзия ҳукумати қошидаги Миллий комитетга ёшларни «оммавий маданият»нинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя этиш чора-тадбирларни ўтказиш юкланган. «Япон руҳияти ва ғарб технологияси» ғояси тарихда аллақачон ўзини оқлаб, Японияни учинчи пешқадам давлат қаторига олиб чиқди. Японлар юқори технология чўққиси бўлган электроника ва робототехника билан кўпроқ шуғулланади. Мамлакатдаги 99 фоиз компаниялар кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият олиб боради. Бундан ҳам қизиғи, Сингапурда пора олишдан бош тортган чиновникларга мукофотлар берилади. Ли Куан Ю (Сингапур) иқтисодий модернизациясига доир таниқли ўзбек олимнинг матбуотимизда эълон қилинган таҳлилий мақоласида бу ҳақида қизиқ маълумотлар келтирилади⁶⁹. Японияда давлат сектори ходимларининг виждонлилиги баҳолаб борилиши механизми ҳам ўрганишга лойиқ ҳодиса. «Конфуцийча капитализм», «Сухарточа сиёсат» (Индонезия), Махатхира (Ҳиндистон) ғоялари мазмун-моҳияти, «интеллектуал мия ҳужуми» (Малайзия) – инсоннинг ички қувватини оширадиган кўплаб тадқиқотлар таҳлилий ҳам олимларимизни кутиб ётибди.



⁶⁹ Шодиев Т. Кто автор «вакцины честности» в Сингапуре? А в Узбекистане? Народное слово, 04.02.2020.

АСЛ МУДДАОМНИ АЙТСАМ

(Сўнгсўз)

Ассалом азиз ўқувчим! Сиз ҳозиргина ўқишни тугаллаган замондош мулоҳазалари соф публицистик пафос, тарихга саёҳат, ўтмиш ва бугунни муқояса қилиш, аччиқ сабоқлар чиқариш ниятида ёзилган эди. Ҳозирги глобаллашув шароитида бадиият, маънавият ривожига таҳлика остида қолган дамларда публицистнинг рост сўзи, оддий мушоҳадалари халқимизнинг юрагига малҳам сўзлари бўлиб жаранглайди, самимий суҳбатлар қуришга, ўзини қийнаган, ўйга толдирган воқеа-ҳодисаларни муҳокама қилишга ҳамда чора-тадбирини бирга излашга ундайди...Аммо бугунги кунда давр журналист ва адибдан жўн талқинларни эмас, балки жиддий, ҳозиржавоб, ҳаммани бирдай ўйлантирган муаммоларни жамият манфаатидан келиб чиқиб, холис таҳлил қилишни ва ечимларни топишни талаб қилади.

Сиз танишган **бадиаларда бош мавзу Учинчи Ренессанс заминидаги Триада: Қалбни англаш, Ақлий меҳнатга ўрганиш, Ўтиқодини тарбиялаш масаласи асосланган**. Бу замонамиз қаҳрамони – Шахсни, ҳокимиятнинг бош манбаи бўлган халқни сиёсий ислохотлар жараёнига тайёрлаш дегани.

Ўзбек жамиятини коррупция балоси қийнамоқда, сабаби унга қарши курашишнинг усул ва механизмлари ўйлаб топилган сари коррупция билан машғул тизимлар ва гуруҳлар ҳар қандай хатти-ҳаракатни назар-писанд қилмай, баттар авжига чиқмоқда. Бундай номуносиб қадамлар одамларда сиёсий тузумга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради. Нимадир қилиш керак, аммо қандай қилиб ва қайси йўллардан борамиз? Бизнингча, XVI асрда Усмонли турклар салтанатида ғарб сиёсатдонларининг айёрона сиёсати туфайли сиёсий тизимга киритилган тамагирлик иллати империя ва хонликларни ичидан бузди, бу ҳол ҳозир ҳам ички кланлар ўртасидаги пинҳона уруш-

нинг асосий қуролига айланиб улгурди. «Миллат ва коррупция» бадиясида ана шу мураккаб муаммога тааллуқли «бўшлиқ» нуқталари очилган: «Хукуқ-тартибот органларининг уларга қарши туриш борасида ўта «оғизлиги», «заифлиги», ҳатто хайрихоҳлиги ҳолатлари ишимизга ҳалақит бериб, бунинг оқибатида халқ ва давлатнинг ер ости ҳамда ер усти бойлигини ўзлаштириш эвазига чет элларда данғиллама виллаларга эғалик қилиш ҳолати кўпайиб боради» деб ёзилган. Бу, айти ҳақиқат эмасми?

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Ренессанс (уйғониш) мактаб остонасидан бошланади! Не қисматки, узоқ вақтлар давомида Ўзбекистон таълим тизимини сон-саноксиз тажрибалар майдонига айлантирдик. Олдин шарқ, кейин ислом, истилодан сўнг рус, истиқлолнинг илк йилларида турк, илмий тадқиқот тизимида болоня (испан), яқинда олий таълимда кредит-модул (испан) тажрибаларини ўтказмоқдамиз. Ахир, таълим-тарбия тизимимиз жаҳонга юзлаб аллома-ю замонларни етиштирган-ку! Нега ажойиб тажрибамизни омухталаштириб, замонга мослаб, миллий таълим тизимини ярата олмаймиз?! Яратишга қурбимиз етади, бироқ атрофимизда «йўл кўрсатувчи», афсуслар бўлсинким, тўғри йўллардан адаштирувчи «мафкурачи» оғаларимиз кўпайган...

Хўш, Европа, Жануби-шарқий Осиё («йўлбарслар») давлатлари қандай қилиб илдам тараққиётга эришди? Нега улар АҚШдан, етакчи мамлакатларнинг тажрибасини ўрганишдан уялишмади? Япония ўзининг ашаддий душмани, 1945 йилда Нагасаки, Хиросимани бомбардимон қилиб, кулини қўкка совурган, не-не одамларни мажруҳ қилган Америкадан нега замонавий тизимларни бошқаришни ўзлаштириб олди?! **Тараққий қилиш учун!** Биз нега япон, хитой, сингапур, малайзия, корейс миллатидан ўрнатилган олмаймиз? Ахир, Тошкентдаги нуфузли университет ахборот технологияси ва дастурлашда Бангалор (Ҳиндистон) университетидан андоза олишни мақсад қилмаганмиди? Нега кутилган натижа бўлмади? Демак, айб таълим тизимида, менталитетда, ўзимизда экан. «Европа давлатлари модернизацияси: тажриба

ва сабоқлар» бадиасида француз олимлари, адиблари, шоирлари Англия, Голландияга сафарлар уюштириб, шахарсозлик, кемачилик, парламентни юритиш сирасорларини «ўғирлаган»лари, ҳатто Монтескё кўрганга таяниб, ҳокимиятни уч қисмга бўлиш тамойилларини ишлаб чиққанлиги ҳақида ёзилган. Нега биз Қозғистон, Россия, Германия (жадидларга ўхшаб), Франция, ҳатто Туркия устувор соҳаларининг янгича ишлаш механизмларини ўрганиб, ўзимизга тадбиқ этмаймиз?! Хитой жамиятини олайлик. **Миллатнинг жипслилиги, кучлилиги, синовларга дош беришини, буюк файласуф, жамоат арбоби Конфуций ва давлат раҳбари Дэн Сяопин хизматларини ўқиб-ўрганиш фойдали бўлади.** Конфуций хитойча ривожланиш йўлининг этик қоидабини яратди, Сяопин 1980 йиллардан ўша назарияни амалиётга кўчирди ва 2000 йилдаёқ Хитой кучли давлатлар қаторига кирди. Аммо миллат бундай босқичга асрлар мобайнида тинимсиз тайёргарлик кўрганини унутмайлик. Ҳиндлар инглизлар асорати даврида миллатни бир поғона юқори мақомга кўтарди, энг муҳими, 4000 дан зиёд табақалашув, қабилачилик, уруғчиликларга барҳам беришнинг чорасини топди (*биз уруғ-аймоқчилик миллий тараққиётимизга ҳалақит бераётганидан негадир кўз юмамиз—Б.О.*). Натижада Ҳиндистон ҳам Хитой, Япония каби фаровон жамият қуриш йўлига ўтиб, дунёда иқтисодий жиҳатдан бешинчи ўринга чиқди!

Олимлар ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт эволюциясини ўрганганда, сиёсий лидерларнинг хизматларига алоҳида эътибор берадилар. «Жамияти модернизациялашнинг концептуал асослари» китобимизда машҳур лидерлар: генерал Шарл де Голл (Франция), генерал, пошо Мустафа Камол Отатурк (Туркия), Людвиг Эрхард (Германия), Мохандас Ганди (Ҳиндистон), Ли Куан Ю (Сингапур)ларнинг мураккаб тақдири ва кучли ислохотлари, бошқа бир китобимизда совет модернизацияси инқироzi бошида турган И.Сталин, Л. Брежнев, Б. Ельцин, М. Горбачевларнинг халқ билан ҳисоблашмай амалга оширган ислохотлари имкон қадар ёритилган...

Ўзбекистон янгиланган жамиятни қуришни хоҳлар экан, ана шу тажрибаларни яхшилаб тадқиқ этиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Шу эзгу ниятда марказий матбуотда чоп этилган бадиалар ва мақолаларимиз ҳулосасида Хитой, Япония, Сингапур, Малайзия давлатларининг ислоҳотлари эволюцияси мазмун-моҳиятини, жаҳон таълим тизими муаммоларини ёки сиёсий модернизация жараёнларини тадқиқ этувчи **аналитик Илмий-амалий марказларни очиш ғояси** илгари сурилган эди.

Бу эзгу ниятимиз амалга ошиб қолса ажаб эмас. Янги Ўзбекистоннинг бош мақсади – ривожланган мамлакатлар билан бўйлашиш ва эргашиш бўлмоғи лозим. Зеро, **фаровон жамият қуришнинг олтин қоидаларини** билиш, дунёдан ўрганиш биз орзу қилган Учинчи ренессанс сари тўғри қадамлар ташлашга хизмат қилади.

Бахтиёр Омонов

Муаллиф ҳақида икки оғиз: Бахтиёр Ахтамович Омонов 1959 йил 14 мартда Нурота шаҳрида туғилган. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини тамомлаган. Сиёсий фанлар доктори, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Унинг “Юрак оғриқлари” (1998), “Умр дафтари”(1999), “Последняя трагическая дуэль А.С.Пушкина” (1999, ҳаммуаллифликда), “Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати” (2000), “Нотикнинг нуфузи”(2001), “Бобурнинг болалиги” (2002), “Сиёсий модернизациялаш моделлари ва Ўзбекистон тажрибаси” (2012), “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш механизмлари” (2017), “Имконларим” (2018), “Жамиятни модернизациялашнинг концептуал асослари” (2019), “Ношир дафтари” (2019) сингари китоблари, Лев Толстойнинг “Акула” (1987, 2004), Ш. Дунасарийнинг “Одамни билиш илми” (1994, 2015), Лао Шэнинг “Бева аёл қиссаси” (1994), “Мушуклар салтанати” (1996) романи таржима китоблари босилган. Илмий асарлари АҚШ, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Полаша, Украина, Қозоғистон, Латвия каби ўнлаб давлатларда нашр этилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон миллий университетида “Сиёсатшунослик” фанларидан дарс беради.

Илмий-оммабоп нашр

Бахтиёр Омонов

ФАРОВОН

ЖАМИЯТ

ҚУРИШ

ЙЎЛИДА

(Замондош мулоҳазалари)

«Universitet» нашриёти. Тошкент, 2022.

Нашриёт лицензияси 10.05.2011. AI №187.

Муҳаррирлар

Дилшод Каримов

Аслиддин Суюнов

Расом

Уйғун Солиҳ

Техник муҳаррир

Юсуф Музаффар

Мусахҳиҳ

Флора Раззоқова

Саҳифаловчи

Рўзман Алимов

Босишга рухсат этилди 15.12.2021й. Бичими 84x108 1/32.

Офсет қоғози. «Cambria» гарнитураси. Шартли босма табағи

10,2. Нашриёт босма табағи 10,5.

Адади 1000 нусха. Шартнома рақами № 3.

Босмахона буюртма рақами № 23.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»

босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Фозилтепа кўчаси, 22 б уй.